


**ХУДОЙБЕРГАН ИСАБОЕВ**

**МУХАББАТ  
ВА  
НАФРАТ**

**МАЖБУРИЙ НУСХА**

**Наманганд нашриёти  
2013 йил**



УЎК: 821.512.133-1

ББК: 84 (5Узб)7 -

И - 82

Гю. азоб.

ISBN- 978-9943-40-56-6-0

НГ 1111-3529,75-1576542 2013  
1112-(13,25)-(04)

- © Х.Исабоев.
- © Мұҳаббат ва нафрат. 208 б.  
«Наманган» нашриёти. 2013

2014/15	Alisher Navoiy
A	номидаги
1014	O'zbekiston MK

42267  
10 291

## МУАЛЛИФДАН

Мұхаббат - үзини фиодо қылладыған даражада мәр қүйши, юрак - юракдан севши бўлса, нафрат инсоннинг адолатсизликка нисбатан муносабатининг энг муҳим ифодасидир.

Мұхаббат ва нафрат түйгүларисиз инсон камол тополмайди. Аммо унинг қалбидаги бу икки түйгүни ҳеч вақт бир жойга қўйиб ҳам бўлмайди. Мұхаббат қайнаб турган юракка нафрат сигмайди. Зеро, нафратланиш шуңчаки ёмон кўришилик ёки душманлик пайдо бўлиши эмас, мұхаббат ҳислари сингари нафрат ҳам инсонни девона қиласиди. Мұхаббатни бошқаришга қанчалик кўп ирода керак бўлса, нафратни жиловлашга ундан-да кўпроқ матонат зарур.

Яхшилик билан ёмонлик ҳамиши ёнма - ён юрганидек, мұхаббат ва нафрат ҳисларидан ҳам инсон айро эмас. Мұхаббат умрнинг чироги бўлса, нафрат унинг эговидир. Чунки, у асосан нафсониятни оғринтирадиган ҳолатлардан келиб чиқади. Ўзаро тенглик мұхаббат-нинг асоси бўлса, нафратдан чекинна билиш инсонийлик-шиг юксак матонатидир.

Дунёнинг жами зиддиятлар бирлиги инсоний муносабатлар замерида вужудга келади. Чунки, иймон ва нафс тарозиси ҳаммада ҳам бир хил эмас. Аллоҳнинг энг гўзал, энг мукаммал ва энг азиз ижоди - Инсон, бир неча ўн йилгагина берилган умрини яхши яшаи йўлидаги истакларига етишши учун сарф этади. Хоҳии ва истакларнинг эса чеки йўқ. Бу ўз - ўзидан шахслараро тенгликнинг барқарорлигига путур етказади. Чунки, ожизларнинг орзу - умидлари билан кучлиларнинг нафс - хоҳишиларини бир жойга қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, кишилик жамиятни яратилибдики, шахслараро тенглик ҳеч вақт қарор топмаган.

Инсон бўлиб тугилишининг ўзи катта баҳт. Айтади-ларки, дунёдаги барча одамларнинг асл ният ва мақсадлари, табиати, феъл-автори бир - бирига ўх-

шайди. Тили, дини ва урф-одатлари билан фарқлансада, ҳеч бир инсон бошқаларга ёмонлик қилишини ўзига раво кўрмайди. Бироқ, инсон табиатидаги янгилик яратишга қаратилган исёнкорлик руҳи, ўзгалар эътиборида бўлишига бўлган эҳтиёж қарашлардаги турли зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бинобарин, дунёдаги барча кўринишлардаги ёвузликлар ҳам, эзгуликлар ҳам инсонга хос ва уларни қўллаб-қувватловчи гоялар ҳам инсонни кидир. Унинг қалби эркка ҳам, зулмга ҳам мойил. Бегаразлик ва самимият инсон маънавиятининг асосий устунлари ҳисобланади. Нафакат инсон табиатдан нафас ола бошлиши билан, балки ундан ҳам эртароқ, (ахир, бола йиглаб дунёга келади) унда эзгулик ва ёвузлик туйгуларининг кураш майдони «Кўнгил» шакллана бошлийди. Бу икки куч ўртасидаги кураш инсон қалбида умрининг сўнгги нафасигача давом этади. Бирорининг кўнглида нималар кечётганини бошқа киши билмайди. Ойнинг тузилиши, дengiz тубини ўрганиш мумкину, аммо инсон қалбида нималар кечётганини англашнинг иложи йўқ.

Руҳ - кўнгил жонзотлардан фақат инсонгагина ињом этилган Аллоҳнинг неъматидир. Ўлимдан сўнг кўнгил руҳга айланаб яна обадиятга йўл олади. Мұхаббат туйгулари билан сугорилган кўнгил шишиадай нозик бўлса, нафракатга тўлганда тошдан ҳам қаттиқ бўлиши табиийдир. Шунинг учун ҳам «Кўнгилнинг нодон қули эмас, унинг доно соҳиби бўл», - деган нақл бежиз айтилмаган.

Ҳаёт, унда содир бўладиган барча яхши-ёмон ҳодисалар, турмушининг икир-чикирлори инсонда ўз табиатидан келиб чиқсан ҳолда, турли хусусиятлар ва қарашларни шакллантирадики, бунинг таъсирида одам қанчалар ҳис-түёгулар ва машаққатларни бошдан кечиради. Ҳаёт фақат гулгагина бурканган бўстон эмас. Зиддиятлар оламида одам қайсарлик, кўркўона ўчакиши, гайри - фожиавий мусобақа, бир-бирини кўролмаслик, баҳиллик каби иллатлар билан

қуролланади. Сабр - тоқат, ироды ва чидам, эзгулик ва меҳру оқибат сингари хислатлар билан ҳаёт зарбаларига ўзида ҳимоя қалқони яратади. Үнинг ортидан инсон онги ташқи дунёдаги воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдиради. Самимилик, хайрихозлик ва яхши ниятлар билан қалби шаклланган инсон ҳамма соҳада ҳаётини тўғри бошқараётганини сезади. Борабора бундай кишилар нимани хоҳласалар - Аллоҳ ижобатга олаётгандай мамнун бўладилар. Ҳаётга фақат яхшилик билан қарайдилар. Ўз ётиқодларини умрларининг охиригача ҳимоя қила оладилар.

«Мұхаббат ва нафрат» - булар инсон қалбидаги яширилиши қийин бўлган түйгулардирки, гоҳида умрга татигулик асоратлар қолдиради. Дунёда нафратланагудек ёмон нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси биз унга қандай қарашмизга боллиқ. Ҳеч бир инсонни бошқа бир овнинг назаридаги қолинга солиб бўлмайди. Эзгулик фақат мұхаббатдан туғилади. Инсоннинг - инсонлиги учун қадрлаш лозим. Токи, мұхаббат учун яралган кўнгилга нафрат қўймасин.

Мен шоир эмасман,  
Калбга таскин деб,  
Ёзганларим шунчаки ҳавас.  
Серманаҳ кўнглимнинг олови сабаб,  
Сўзладим, нуқсонлардан холи эмас.  
Ишқининг паноҳида ўтдию умрим,  
Гуноҳкор дилимининг додлари ҳам бор.  
Таъналар тўқсалар ёқтирмай сўзим,  
Кувончга чўкардим билиб эътибор.  
Калбимда дарёлар оқар паришон,  
Сершовқин дунёда топмадим ибрат.  
Тўйгулар юракни титратгани он,  
Ёзишга ундади мұхаббат, нафрат.

## ОНА ЕР

Ер-Буюк Ватан,  
Үйимиз ягона,  
Башар аҳли бунда яшар ҳамхона.  
Ҳаёт дунёсида йўқ ҳеч бегона,  
Умримиз ардоқлаб асрар шу хона.  
Кўнгилнинг қасрини этганга обод,  
Ердаги ҳар гиёҳ кўринади шод.  
Ернинг ҳам жони бор, билсангиз агар,  
Жонсиз муҳитда ҳеч, битмасди ҳаёт.  
Ердаги бор неъмат бизга аталган,  
Асрармоқ даъвосин сўрар замона.  
Лек, истаклар бари нафсга қадалган,  
Муҳаббат, нафратга доим баҳона.  
Эзгулик чун келар аслида инсон,  
Чин ёмон одамни кўрмадим ҳеч он.  
Қарашлар туфайли Буюк Заминда,  
Кўгилни йиғлатиб, пушаймон виждон  
Дунёни кўриб мен ҳар доим талаш,  
Сершовқин дилимдан сўрайман мадад.  
Танлаш, инкор этиш ҳамда баҳолаш,  
Кундалик умримга ҳамроҳдир абад.

Она Ер қадрини билолсак агар,  
Хаётга муҳаббат ҳамиша ортар.  
Замин - заминдай камтарни севар,  
Хақга ҳам хокисор иззатда борар.  
Соддалик қилиб, ўздан кетиб гоҳ,  
Ернинг жонини оғритманг зинҳор.  
Унда энг буюкли, ёқлаган Оллоҳ,  
Хаётни асрашдек- вазифаси бор.



## ЖОНДАН АЗИЗ

Киндик қон тўкилган, бир сиқим тупроқ,  
Бизга муқаддасдир, жондан азизроқ.  
Ҳар кимки халқига турса жонфидо,  
Кўксига ҳаммадан - Ватан яқинроқ.  
Ватанинг халқингидир, халқчи бу Ватан,  
Ўтмишу келажак - шунда мужассам.  
Миллатлар халқ булар Ватан меҳридан,  
Тақдирлар шодаси бирлашиб бир тан.  
Ватанинг севгисин ардоқлар иймон,  
Ватанинг равнақин кузатар жаҳон.

Кўнгилга қадалган уруқлар-ихлос,  
Ватанга, меҳнатга ҳамда Худога.  
Яратган измида теролсам зиё,  
Жон қушиб тўкардим азиз Ватанга.  
Ифтихор ҳислари жўш урар дилда,  
Улуғвор орзуда яшар миллат, халқ.  
Ўтгувчи ташвишлар қолдириб кунда,  
Буюк бир баҳт учун талпинар юрак.  
Мунажжим қўзида юлдузли осмон,  
Оlamга юз тутган -хур Ўзбекистон.

Эл севган заминни эркалар қуёш,  
Қирмизи рангларда кийдириб у тож.  
Асрлар йилномасин варақлаган чоғ,  
Тафаккур тахтида кўрдим ватандош.  
Ватандир дилдаги буюк қиёға,  
Ватанга тегишли қудрат, иродада.  
Ватан бор бус-бутун уради юрак,

Мақсадлар бирлашса қадри зиёда.  
Үтмишдан дунега танилган бўстон,  
Орзулар гулшани -хур Ўзбекистон.

Ватаинга муҳаббат тушунча эмас,  
Фидолик бергувчи руҳий бир қудрат.  
Тўқислик teng бўлар, чаманлар сўлмас,  
Ватаанда яшнаса қадру адолат.  
Истиқлол ҳавоси этди фаровон,  
Ўзлигин тиклади замини Турон.  
Маънавий поклиқдан кутади даврон,  
Олисга кўз тиккан -хур Ўзбекистон.  
Халқ меҳри тоабад сийлаган бўстон,  
Эртаси нурафшон -хур Ўзбекистон.



## ОЗОДЛИК

Озодликка талпинар юрак,  
Истакларни баридан кечиб,  
Дунёғами айтинг не керак,  
Кулликни у қўяди илиб.  
Золим ҳоким таҳти равони,  
Бу дилдаги ҳар жирканч тилак,  
Эркинликдир баҳтнинг сарбони,  
Ҳаёт ўзи бермоқда дарак,  
Эркин ишга талпинса қўллар,  
Мұхтожликка қолмасдан кунлар,  
Киshan бўлмай чекинса кулфат,  
Йўлиқмасдан йўлда тугунлар.  
Шудир озод кўрган кунимиз,  
Шудир озод еган нонимиз,  
Шунда эркин уради диллар,  
Шукронадан чақнайди кўзлар.  
Шунда ҳаёт топар оқибат,  
Ўз юртидан сўраб мурувват.  
Озодликка талпинар юрак,  
Хуррият қўшигини куйлаб.

## ЎЗБЕКИСТОН

Осмонда барқ уриб турса гар қуёш,  
Тупроғинг тафтидан дилга - дил қондош,  
Мусаффо осмонинг меҳримга сирдош,  
Истиқлол дамларинг элларда достон,  
Дилга жо Ватаним, хур Ўзбекистон.

Бағрингнинг кенглигин билади башар,  
Эзгулик - маърифат тилидан айтар,  
Халқ билан сенга ёр ҳамиша зафар,  
Юрт учун жон тиккан элга сен макон,  
Жонажон Ватаним, хур Ўзбекистон.

Эркингдан эркини устун деб билиб,  
Муштипар оналар бағрини тилиб,  
Кас билмас шоҳликни давосин қилиб,  
Юрганлар эл ичра йўқотар иймон,  
Эрка ёр Ватаним, хур Ўзбекисон.

Нокаслар, беорлар ўзни жо айлаб,  
Нопок нафс дардилда хокингни ялаб,  
Қалби пок фарзандлар ҳақини талаб,  
Иқболинг йўлига етказар зиён,  
Номусим Ватаним, хур Ўзбекистон.

Ватан, сен баҳт учун энг буюк имкон,  
Аҳли дўст халқ учун, сен ёруғ бўстон,  
Онасан, меҳрингдан топаман даврон,  
Ҳар ёнда қардошлар тилар шараф-шон,  
Онамсан Ватаним, хур Ўзбекистон.

## ҚАЛҚОН

Рұхимга күзим тушди, сўроқлар дилни:  
- Одамларда қолмали, - дерди у, - вафо.  
Күшилмадим бу сўзга, ақлга ҳам зид,  
Муруват кўрмаган, оқибат танҳо.  
Номусу шаън турар - ноёб ҳазина,  
Одамийлик асло бўлмас бегона.  
Ур ийқит бўлса ҳам бебошлиқ ошиб,  
Ортига қайтмайди, ҳеч вақт замона.  
Ақлни чалғитувчи сўзлардан қочиб,  
Алдоқчи фикрлардан вақтида кечиб,  
Давронни ғамидан бўлмангиз гирён,  
Оллоҳга аён бу, йўқ бунда поён.  
Тушкунлик руҳига беринг аланга,  
Замона талаби йўл берар бунга.  
Донолар ўгитин дилда жо айлаб,  
Идрок эҳтиёжин, олинг сиз қўлга.  
Ҳаётга ёт бўлмас, кўнгиллар зори,  
Ошиқларнинг ширин - тонготар оҳи.  
Гўшанг ортида, ёшларнинг нози,  
Мехр алласию илк бўсалар тоти.  
Йўқ бунга инкор, умидсизлик бекор,  
Табиат инъоми - инсонлик подор.  
Гарчи пул, эзгулик оралиғи бор,  
Инсон деган номга, тер тўқмоқ даркор.  
Қувончдан бенасиб, ҳаёт ҳар қачон,  
Ўлмақдан ҳам ёмон, кўринар кўзга.  
Мехргина одамга, муносиб қалқон,  
Дил беринг, «Сев» - деган амри Худога.

## ДАЛА ТОНГИ

Тонгда майин шаббода,  
Гулларнинг бошин силар,  
Бундан яйрагай дала,  
Чапак чалар майсалар.

Осмоннинг куз ёшлари,  
Яшнатади төғ-қирлар,  
Кўкка очиб лаблари,  
Эркаланар лолалар.

Ёш боланинг беғубор,  
Нигоҳидай бу чоғлар,  
Олар дилдаги губор,  
Тилга кирар кўнгиллар.

Булбулнинг хонишлари,  
Боиси гул - ғунчалар,  
Шудрингдан пок юзлари,  
Оlamга кўз - кўз қилар.

Табиат тартибиға,  
Кетди менда хаёллар,  
Гул шайдоси булбулга,  
Қўшгим келди наволар.

## КУТАМАН САХАР

Ярим кеча, ҳамма уйқуда,  
Атрофни чүлғаб олди сукунат,  
Тун қораси борлиқни қуршаб,  
Танқоликка берганди фурсат.  
Ойнинг ойдин чойшабида,  
Тушлар манзилида  
Барча олмоқда ором,  
Эмас бу ҳилқат.  
Хаёлимни тиклаб бир нафас,  
Тезкор ҳаёт ишини ўйлаб,  
Билдим, у бепоён беҳад.  
Сўраб, қайга назар ташламай,  
Андиша ва гувоҳлар талай.  
Кунида бозор юксалар тинмай,  
Қадрин йўқотар меҳру оқибат.  
Алжираб қайтадан юмаман кўзим,  
Тилакка етолмай ўлим кутгандай,  
Кимга ҳам мен айтаман сўзим,  
Истакларимда хато бир талай.  
Ҳар қайдаки орзу ҳавас бор,  
Кимга омад ёр, кимга дунё тор,  
Ақлига суюнган, оввора безор,  
Дунёни таниган иши унумдор.  
Шундай курилганми, ёки бу Жаҳон,  
Бир - биридан ҳар доим озорда Инсон,  
Кўзи тўла ёшу, юракда олов,  
Донолар юради, сийрати пинҳон.  
Аламки, у кетса - курбони даврон,  
Дейдилар: - яхшини йўқотди замон,

Хеч кимса билолмас, азалий сирлар,  
Ёмонга неъмату, сарсон яхшилар.  
Биламан менсиз ҳам ўтар бу кунлар,  
Шу боис омонат, кутаман саҳар,  
Яна бир кунга чўзаман қўлим,  
Кувончу қайғуда чайқалмоқ учун.  
Жўнгина жимжитлик истамас дилим,  
Шунданми, йўлимда ҳар доим тугун.



## ЮРТ МАДХИ

Узоқ ўтмиш замондан, маҳобатли бир чинор,  
Ўтган кунлар эслаб гоҳ, шивирлайди беғубор,  
Бошин силар шаббода, унда руҳлар меҳри бор,  
Яшил водий узра Кун, яшнатар жонбахш диёр,  
Кўз - кўз қилар оламга, юртимдаги бу чирой,  
Сайр айласанг тонг саҳар, оромижон Косонсой.

Гўзаллари чеҳраси, мисоли йўқ тўлин ой,  
Зилол сувдан тан яйраб, очилган гул-гул чирои,  
Ҳам фаросат, ҳам нафосат ҳуснида жило,  
Гул ғунчалар тенглашгани қилмайди даъво,  
Соҳил бўйлаб гўшалар, бекиёс лаззатга бой,  
Покизаю мусаффо, она диёр Косонсой.

Кўшгай умрингга умр, бу тоелар шаббодаси,  
Янграгай қалбингда шўх, мадху таронаси.  
Созимга наво берган, меҳри бебаҳоси,  
Ватан ичра Ватандир, халқим дилхонаси,  
Сирдошу дардкаш ҳаргиз, шўх-шўх оқар дарё-сой,  
Сўлмас чаман бу диёр, Косонсойдир - Косонсой.

Жо этсам соз танига, юрт меҳридан наво,  
Куйларим олсин само, ҳур замондан садо,  
Маърифат, мардлик илми, элда қадим мерос,  
Жаннатмакон маскан бу, дил бергани Худодод,  
Таърифида тилим лол, жонимга - жон ширин сой,  
Фалак ичра ягона, менга сўлим Косонсой.

## ОНА

Онанинг меҳри қиёси,  
Кўрмадим дунёда ҳеч,  
Ҳар ким ҳам билмас баҳоси,  
Вақт ўтиб бўлгунча кеч.  
Онага ҳурмат муқаддас,  
Энг улуғ туйғу эрур,  
Она борки-бор вафоси,  
Атрофда парвона хеш,  
Она шундай мўъжизаки,  
Хуснига тўймайди кўз,  
Таърифида дилга яқин,  
Топмадим маъноли сўз.  
Ногаҳон тушса бошиннга,  
Савдои фурбат мисол,  
Икки жаҳон ичра ҳаргиз,  
Йўқдир онадек дилсўз.  
Она меҳри булинмас,  
Улчанмайди ҳеч қачон,  
Она томон талпинмаган,  
Топилмайди ҳеч бир жон.  
Онали уй тонги баҳор,  
Тилларда қайнар дуо,  
Она меҳри дардга даво,  
Ҳар қадам асрар омон.  
Бу ҳаётнинг занжирида,  
Садаф гавҳардир она,  
Одам Атонинг бағрида,  
Момо Ҳаводир она.  
Бешик узра оҳанг сирим

Хеч бир тор қилмас ошкор,  
Алла айтса бағри тулиб,  
Туну күн бедор она.  
Дейдилар: - ардоғда доим,  
Эл учун ёнган юрак,  
Ёнмоқ учун дил түрида,  
Аввало севмоқ керак.  
Күнгил бермоқ ибодатдир,  
Ишқ ахир буюк түйфу,  
Мұхаббатта қодир фақат,  
Онани севган юрак.

---

\* \* \*

Булбул гүлга етгани чоги,  
Очилади хониш булоги.  
Савдоси гар шунчалар узун,  
Қандоқ бүлар висолни ҳоли.

Буни ҳар гал үйлаганым чоқ,  
Хисларимдан құрқиб кетаман.  
Бу баҳтми ё ўткинчи жафо,  
Билмай ахир қандоқ севаман.

## ФИКР УЙГОНДИ

Хуррият эрк берди, фикр уйғонди,  
Чин дунё күзларга очиқ күринди.  
Баландпарвоз гапдан энди маъно йўқ,  
Кўркувмас дилларда ишонч уйғонди.

Билдим ҳур бир замон кутади башар,  
Барча унда тенгу фаровон яшар.  
Айрим кимсаларга насиб этган баҳт,  
Элимга баробар насиба бўлар.

Қарашлар ақлга ошно у замон,  
Орият мансабдан устун у замон.  
Имкон тенг, амалда ҳамма баробар,  
Меҳнатнинг роҳатин кўрар у замон.

Дунёга ҳокимлик қиласи ақл,  
Инсонни инсонга кўшади ақл.  
Масҳабу тарафлар ён бериб унда,  
Инсонлик бағрини очади ақл.

Зиддият занжири ул кун узилар ,  
Нафс, ҳавас ақлдан албат чекинар.  
Кўнгилда нафратдан асар ҳам қолмас,  
Одам улуғлигин одам тушунар.

## НАСИБАМ СЕНДА

Мажнун мени қүшмас сафига,  
Замон асло қайтмас изига.  
Фироқ қисмат бўлолмас менга,  
Девоналик бегона кунда,  
Мен излаган насибам сенда.

Мен нолисам куласан дилбар,  
Бахтим кўр қилмоқчими сенайт.  
Кўнгилдан ҳеч бермайсан хабар,  
Ўйин қилма, бу ишингдан қайт,  
Бахт кўзлаган насибам сенда.

Баҳорда туғилди севгимиз,  
Айни бодом гуллаган дамда.  
Айрилиққа тушса йўлимиз,  
Қиёмат бошлинар бу жонда,  
Чунки, менинг насибам сенда.

Насибамга бўлсин жон фидо,  
У бўлмаса кунда не маъно.  
Қалбимда ишқ туганмас садо,  
Умидсизлик кўрмайсан менда,  
Билки, менинг насибам сенда.

Мажнун каби кеэмасман саҳро,  
Сендан фақат топгим бор вафо.  
Бир кун бўлгум жонинга мен жо,  
Сўроғимни қилмасдан канда,  
Худо берган насибам сенда.

## МАҲАЛЛА

Маҳалла ҳам бир олам,  
Бунда яқин ҳар одам.  
Бир-бирида не курса,  
Шундай кўринар олам.  
Кўшниларни тушумоқ,  
Бу-дунёни кашф этмоқ.  
Олам сирларин ечиб,  
Фаровон ҳаёт қурмоқ.  
Асли инсон баҳтига,  
Бу олам кенг яралган.  
Лек етолмай тахтига,  
Кўзларга кўз қадалган.  
Турмуш ўлчови шунда,  
Дилни дилдан овламоқ.  
Кўшни-кўшнида кунда,  
Ўз баҳтини англамоқ.  
Яхши одатлар аввал,  
Маҳаллада туғилар.  
Қадрин топса дилларда,  
Сўнг оламга ёйилар.  
Яхши билсак оламни,  
Яхши билсак одамни,  
Турмуш обод, зўр бўлар,  
Маҳаллада тўй бўлар.

## УЙГОНИШ

Наҳорий лаҳзада, мудроқ тарқалмай,  
Вужуд қафасига қамалган юрак,  
Тақдир пардасининг ортини кўрмай,  
Руҳимга ҳамоҳанг - эслатар бир дард.  
Бир дардки, аждодлар оҳи унда жам,  
Замондан - замонга меърос келгандай,  
Қайғу-ю шодликда ҳамиша ҳамдам,  
Оlam хилқатлари тилини билмай.  
Баландпарвоз сўзлар ниқобдир фақат,  
Хасталик ҳаётда давомли бир ҳол,  
Ташхисин билолмай келар дилга хат,  
«Қиши фасли ўтади, келади баҳор».  
Бу маккор хасталик одамлар аро,  
Низою урушлар уруғин сепар,  
Ҳар кимки, ахтарди бу дардга даво,  
Ҳақиқат йўлининг қурбони кетар.  
Наҳорий лаҳзада мудроқ тарқалмай,  
Хаёлот олами ўйлашдан толди,  
Оромга аталган тундан дил узмай,  
Уйғониш - теран бир уйқу кўринди.

## ЕР БАХТИ

Табиатнинг сири кўп,  
Билмоқнинг ҳеч кечи йўқ.  
Ер неъмати бизники,  
Еча олсак дунё тўқ.  
Шундай замон келади,  
Ҳамма буни билади.  
Ур ийқитлар йўқ бўлиб,  
Ҳамма Ерни асрайди.  
Ахир, ҳар кун ғанимат,  
Қисқагина умр бор.  
Одам, олам, жамият,  
Бир бўлмаса дунё тор.  
Бу кичик бир фалсафа,  
Даъвати бор азалдан.  
Етишмасми, ҳафсала,  
Одам ўтар одамдан.  
Келинг, Ерни асрайлик,  
Унда ўзни топайлик.  
Ер кўнглини оғритмай,  
Келажакка элтайлик.  
Бошиқа ҳеч бир сайёра,  
Бундай бахтга лойиқмас.  
Чунки улар бағрида,  
Тирик жонни асралмас.

\*\*\*

Итоат ва сабрга даъватлар ёлғон,  
Дангаса кимсалар тушунчаси бу.  
Синовли дунёда ғанимат ҳар он,  
Ватан, эл хизмати энг улуғ туйғы.

Риёкор рост, ёлғон сўзларни айтиб,  
Кишилар қалбини овламоқ истар.  
Қонуну, ахлоқни бир ёнга суреб,  
Ёвузлик, тубанлик уруғин сочар.

На диний иймон бу, на илмий иймон,  
Хоҳ бўлсин руҳоний, хоҳ-да билимдон.  
Кундалик онгимиз билишга қодир,  
Яхшилар эл учун ҳар дам қадрдон.

Зардуштнинг ҳикматин эсланг бир нафас,  
«Эзгу сўз, эзгу ният, эзгу амал».  
Йигирма етти аср олдинги бу сас,  
Башарнинг орзуси бугунга қадар.

Тариқат даъвати эзгу йўлида,  
Илми ҳаёт: «Дил ба ёру, даст ба кор».  
Ҳаётнинг ўзи ҳам билсак аслида,  
Танлашу баҳолаш ва қилмоқ инкор.

## АРМОН

Умримнинг ўтганин англаган бўлдим,  
Одамлар ичинда ўзлигим кўрдим.  
Қанчалар дилларни овладим, аммо  
Дилимнинг дилини тополмай ўтдим.

Ошиқлар қалбини тушунмас дунё,  
Севгига гўзаллик сочса-да зиё.  
Қисматга буйсунмай талпиндим, аммо  
Юракнинг борлигин оғринса билдим,

Дор томон етаклар истаклар бари,  
Ман-манлик ўтолмас мастиликдан нари.  
Хазондек тўкилди, қўл чўзган сари,  
Кўнглимнинг кўнглини ололмай ўтдим.

Оқсоқ дил-оқсоқ қалб руҳимга ҳамроҳ,  
Энг олис юлдузга тикади нигоҳ.  
Ақлимга эгалик қилолмай, эй воҳ!  
Ҳаққимни дунёдан сўролмай ўтдим.

Лек шодман кўз очиб оламни кўрдим,  
Истаклар зулмидан мен энди кечдим.  
Умрим интиҳосин кутмоқдан аввал,  
Худодод, қалбимнинг аламин тўклим.

\* \* \*

Дилга кулоқ тутдиму, оромимдан айрилдим,  
Бир гулни деб бут- бутун гулбоғимдан айрилдим.

Қайга борсам бир ҳадик, изламоқдан маъно йўқ,  
Ақлга зеб бергувчи, чироғимдан айрилдим.

Машваратга келганди, сабру идрок ва чидам,  
Хою ҳавас босдию, сарбонимдан айрилдим.

Аро йўлда қолди дил, ҳатто қўлда асо йўқ,  
Ёлғонларга эргашиб, чин ростимдан айрилдим.

Захми тикон заҳридан, энди танга даво йўқ,  
Пушаймонлик касб этиб, мен Ўзимдан айрилдим.

Ёқамни ҳўл айлаган, кўз ёшлардан фойда йўқ,  
Дунё бир кам деб ўйлаб, мен боримдан айрилдим.

Нидо келди дилимдан:-Айбдор менми, Худодод?  
Дилга дилдан ачиниб, дилдоримдан айрилдим.

## МЕХНАТ

*Мустақилликка интилган, ўз баҳтини  
ўз қўли билан яратишга аҳд қилган,  
шу йўлда ҳалол меҳнат қилишга бел  
боглаган ҳар киши камолот сари интил-  
ган кишидир.*

Кўзланган мақсадга эришмоқ учун,  
Билимга баробар ишчанлик керак.  
Ёруғлик манбай - олову учқун,  
Яшаш - чун албатта, ишламоқ керак.

Ҳар феълнинг гултожи - дилда садоқат,  
Бурчига, меҳнатга ҳамда Ватанга.  
Фойибдан омадни кутса гар фақат,  
Беминнат ёлчимас ҳатто кафандага.

Табиат бағрида нимаики бор,  
Инсонга аталган-неъмат Оллоҳдан.  
Уларни талабга мосламоқ даркор,  
Луқманинг ҳалоли фақат меҳнатдан.

Бошқалар ишининг назар солганда,  
Элингнинг нафида муносиб кўрсин.  
Ортингдан номингни эсга олганда,  
Бажарган меҳнатинг - фарзандинг бўлсин.

## МАТЬРИФАТ

Бу туш деманг ё хаёл,  
Менда бунга ассоң бор,  
Билим, ақлу эътиқод,  
Бир кун бирга чалар тор.  
Кунлар утар мафтункор,  
Маърифат очгай жамол.  
Руҳлар ҳеч чекмас озор,  
Фийбат саналади ор.  
Пора билан битмас кор,  
Ҳаққа ортар эътибор.  
Таъна қолмайди бирор,  
Кибр ҳам топгай завол.  
Шундай кунлар ҳам келар,  
Маърифат бизга бош бўлар.

Шахслараро адovat,  
Йўқ бўлар охир, албат.  
Илдиз отиб садоқат,  
Бош бўлади мурувват.  
Аёл зотида фақат,  
Қолар ибою - иффат.  
Нигоҳларда мұхаббат,  
Кўнгил олмоқ ибодат.  
Ҳаргиз меҳру вафодан,  
Топгай барча саодат.  
Эзгу фикру амалдан,  
Дилда қолмайди нафрат.  
Шундай кунлар ҳам келар,  
Маърифат бизга бош бўлар.

Ҳислар аро масъулият,  
Туйғуларга бош бўлар.  
Кишиларда орият,  
Мансабдан ўтиб кетар.  
Қалбларнинг ардоғида,  
Саховат юзин очар.  
Барча ақл баҳсида,  
Қарашлар ошно бўлар.  
Яхшиларнинг хокини,  
Канда қилмас зиёрат.  
Барча туйғу бошини,  
Етаклайди мурувват.  
Шундай кунлар ҳам келар,  
Маърифат бизга бош бўлар.



## ТАБАССУМ

Табассум қилмай не илож,  
Дил қувончдан олганда нафас.  
Кўз ҳуснга кийдиради тож,  
Кўнгил тўла орзу ва ҳавас.

Нигоҳларда ҳиссу ҳаяжон,  
Севилмоқни истар жуфт юрак.  
Ташвишлардан йўқ ҳали нишон,  
Қалбларда йўқ ҳижрондан дарак.

Табассум-ла кутар дилдорни,  
Табассум-ла кузатар ёрни.  
Оҳ! Бу орзу, қувонч- табассум,  
Шодлик билан безар дунёни.

Бу туйгулар етти осмонда,  
Дунё юзин кўрмоги аён.  
Севги шундай ширин экан-да,  
Мұҳаббатга бўлгунча ғулом.

## САОДАТ ЙҮЛИ

Оналар қалбини эъзоз этганлар,  
Оталар меҳридан мурод топғанлар,  
Кексалик чоғларин обод этганлар.  
Фарзандлик бурчини англаган бугун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ёрини ёр билиб, қадрига етган,  
Мұхаббат қуйнида оромин топған,  
Садоқатдан зафар түнини кийган.  
Инсонлық йүлиға етганлар бугун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ҳар синик дилларга муруват қилған,  
Үтгәнлар ёд этиб, зиёрат этган,  
Тангрини омадға кафолат билған.  
Иймону одобда нурағшон бугун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ёшини иззатга сазовор билған,  
Күнгилни шишадек нозиктаң күрган,  
Улуулар пандидан наф олиб түйган.  
Кексалар дуосин олғанлар бугун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.



## КОСОНСОЙ

Мунаввар тонг - фараахбахш, фир - фирм эсар шабода,  
Хаёлим кезар жаҳон, олис мовий осмонда.

Юрт бағрини түлдириб, пастда сой шовиллайди,  
Бўй таратар анвойи турфа гуллар жилода.

Тўрт уфқ ости - тўрт ёни, қалқон бўрон дўлларга,  
Ривоят бор бекорга чалинмаган қулоққа.

Юртни яратган Оллоҳ, асраб ёмон кўзлардан,  
Ўраб қўйди сўнг уни, қир - адиру тоғларга.

Табиат тартибига, кетади ҳушим менинг,  
Сехрига мафтунлигим, бермайди дилга тиним.  
На гўзаллик, на чирой, ололмайди дардини,  
Юрт меҳрига ташналик, юракда топса қўним.

Биламан мен уммондан, қанча баланд бу тупроқ,  
Яна ҳам тургим келар, ҳар тошига яқинроқ.  
Қалин қорлар босган тоғ, кўринади узоқдан,  
Қарофимда чопади, ҳар унгурдан бир ирмоқ.

Жаннатмакон маскан бу, ҳар гүшаси унумдор,  
Фаришталар тин олиб, сўнг яна этар парвоз.  
Илоҳий руҳлар кезар, ҳар лаҳзага у гувоҳ,  
Эъзозда қолди бугун, кўп йиллик Улуг чинор.

Мирзо Бобур ёзганди, мақтаб боғу ҳавосин,  
Келар, -деб, -Ахсига сув, сулим диёр Косондин.  
Фарзандлик меҳри билан, қасрдамас соҳилда,  
Бугун мен ўйлаб қолдим, кеча, бугун, эртасин.

Мунаввар тонг - фараҳбахш, фир - фир эсар шаббода,  
Оби ҳаёт мавжидан, ҳайратдаман соҳилда.  
Тонг либоси қирмизи - ширин ором, эмас туш,  
Қанча шодлик, қанча ғам излари бор бу жойда.

Ёлғизларни юпатган, ошиқлар учун сирдош,  
Севгиси рад этилган, кўнгилга берган бардош.  
Хотиротлар калити, соғинч қучган дилларга,  
Кездим соҳилда танҳо, она юртга этиб бош.

Шовиллаб оқмоқда сой, зилол сувдай йўқ чирой,  
Ташналаб далаларга, умидбахш ҳаётдир бу.  
Қирлардаги табассум, меҳнатга бергай камол,  
Кўнгил уйи мезбони, халқимга тилак орзу.

Биздан ҳам қолар дунё, кейин ҳам тонглар отар,  
Оlam тузоқларидан, биз ҳам эмасмиз озод.  
Эртанги кун авлодлар, биздан не мазмун топар,  
Келиб кеттанимиздан, бўлармикан улар шод.

Қурган ким, бузгани ким, сотгани ким парчалаб,  
Тилда дўсту дилда тун, шубҳа гумон йўқ эмас.  
Ўзи тўғри, кўнгли ўғри, не яна ундан талаб,  
Эл дардини билмаган, юртга у фарзанд эмас.

Фарзандини хотирлаб, қад ростлади минора,  
Ориф Махдуми Аъзам тиклаб умри дубора.  
Ноодил фикрлардан, маърифатга кўчса дил,  
Ватан тилга киради, кунни тўсмайди соя.

Кезаман соҳилда танҳо, бошда минг бир хаёл,  
Кутлуғ жойлар жуда кўп, тарихларда номи бор.  
Муқаддасдир ҳаммадан, киндик қон тўкилган жой,  
Ватанимнинг меҳроби - менга сўлим Косонсой.

Банд этган хаёлимни, юртни порлоқ чироги,  
Тенги йўқ баҳтим менинг, ўзни сезмоқ япроги.  
Ҳар қисматта ҳамиша, бағрин тутган Косонсой,  
Дилни олқишлилар ҳар чоғ, мисли жаннатнинг боғи.





Бир шоир керак деб, ўйлардим дилдан,  
Юртимнинг жамолин таърифин битса.  
Қаламин пок тутиб, қушиб ёзишдан,  
Муносиб сўз топиб, ҳақ йўлин тутса.

Менки бир жайдари қишлоқ боласи,  
Шарқироқ сойдану кундан сўзладим.  
Водийнинг бебаҳо ёрқин жилоси,  
Чизишга муносиб бир сўз топмадим.

Шоирлик мулкига қилдиму сафар,  
Шоирлар базмига менда йўқ даъво .  
Девона бўлишдан асрар ҳар маҳал,  
Шеър айтиб дардимга изласам даво.

Биламан шоирлик ҳар дилга ошно,  
Нидосиз юракни кўрмаган ҳаёт.  
Тунлари аламлар қилганда жило,  
Садосиз ҳайқириб,этаман фарёд.

Биламан сўзларим назмбоп чиқмас,  
Дилларга ўрнашиб дуога кўчмас.  
Ҳар кунга яраша жома киймасдан,  
Кўнгилнинг тўнини илиб юрсам бас.

## ОЗОР

Үзлиқдан кетиш не? Азизлар айтинг,  
Күргилик эмасми, дилни ранжитмоқ.  
Омадни тақвога ёйищдан қайтинг,  
Бахт ўзи ! Дунёда инсон туғилмоқ.

Уятдир күнгилга санчимоқ тикан,  
Ҳаммадан қолар бу- тұварап олам.  
Нур билан соядай, қалби битилган,  
Эркка ҳам, зулмга ҳам мойилдир одам.

Инсоннинг қадрини Инсонча билган,  
Кишилар дардидан ўзни айрmas.  
Маңкама қофозин, кафолат билган,  
Элдаги ишончнинг баҳосин билmas.

Обрўю мансаблар кўпдир дунёда,  
Ўзини танитмоқ ҳар ким орзуси.  
Лек буюк шахсларни Арши - аълода,  
Камтарлик хислатин эъзозлар Ўзи.

Омонат умримиз, ўтару кетар,  
Кеккайиб ҳеч кимса топмаган зафар.  
Ўйламанг пулсизу ночор юрганлар,  
Ки, дунё ишидан онгсиз бехабар.

Ҳаётга ташналик ортса ҳар қадам,  
Қадрингиз билмоқ чун олисга боқинг.  
Киндик - қон тўкилган шу азиз Ватан,  
Тафтида яралган - меҳрга ботинг.

\* \* \*

Мажнунтоллар тараб кокилин,  
Новдаларга илди күк маржон.  
Шохларини пастга эгиб жим,  
Юрагимни қилди имтиҳон.

Күкламни зор соғинган дилим,  
Англаб қолди дараҳтлар сирин.  
Мева тутса шохларин эгиб,  
Она Ерга қиласы таъзим.

Бош эгмаган тикка шохларда,  
Мева қолмас, шамолдан қочиб.  
Ёки гармсел баҳона, ёзда  
Қадрин топмас ҳосилдан кечиб.

Балки, шудир отам айтгани.  
Үсмоқ учун камтар бул, болам.  
Боғбон бутар кераксиз шохни,  
Кеккайганни сиғдирмас олам.

## ИҚБОЛ ЙҮЛИ

Умримиз оқар дарё, ортга қайтариб бўлмас,  
Фалакнинг гардишини, жиловин тутиб бўлмас.  
Не истасанг излагин, остингдаги тупроқдан,  
Ердан узилса илдиз, танда ҳеч япроқ қолмас.

Дилхастай рўзғорлар, саргашта бўлар доим,  
Кулги тоши босолмас, ғам - алам бўлар золим.  
Ётдир дўсту - қариндош - кўринса-да мулойим,  
На ёмғиру на шамол дардингга қулоқ солмас.

Билки дунё бўлмаган, ҳеч кимга буткул раво,  
Адашганда кўринар, бошда минг чоғлиқ бало.  
Чайқалса кунинг ғамда, ўйлама энди адо,  
Тўрт кунлик бу оламда, эртани кўриб бўлмас.

Қувонч нима, қайғу не, қайғуга қувонч ниқоб,  
Кимдаки бир лаҳзада, бўлмаса дилда жавоб.  
Қадамлари чангидা, ҳаётин кўргай сароб,  
Қалбида тўла ёшу, юракда олов қолмас.

Кўргилик ўтар эй дўст, иқбол йўлини кўзла,  
Қафасда асир қушни, ҳолига бокиб ўйла.  
Қанот қоқиб учмоқقا, тайёр турар не чоела,  
Фароғат кутмай киши, дардига даво топмас.

## ШАРПАЛАР

Тун шарпаси қалбимга ваҳмини солар,  
Иродам ҳам бу дамда кўринар ожиз.  
Ўранаман тўшакка кўзлар ёпилар,  
Юрагимга санчилар ҳадикдан бигиз.  
Ёлвораман қисматга хаёлга тўлиб,  
Наҳотки, бу кенг дунё бўлса менга тор.  
Тасалли топмоқ учун аксига олиб,  
На танда мадор бору на ёнимда ёр.  
Хаста кўнглим нишондир кўринмас ёвга,  
Гуноҳкор бир бандадай кутаман жазо.  
Руҳимни мағлуб этган макри зиёда,  
Шарпалар ташқарида кезади бежо.  
Дарадаги чўпоннинг чарчоқли туни,  
Йиртқичлардан хафв кутиб ўтган сингари.  
Ҳаёт талвасасида умрим ҳар куни,  
Эзфилайди дилимни аламлар бари.  
Тақиллайди ногаҳон уйим эшиги,  
Билмоқ учун ўрнимдан noctor тураман.  
Кўрсам бу ҳам ўйноқи шамолнинг иши,  
Мадад кутиб нигоҳим кўкка тикаман.  
Танамга заҳм етказмай гулғула сабил,  
Азму - шижоатимни олади бесас.  
Манглайим ҳам тер билан, қотади чигил,  
Қора тунни қуёшсиз парчалаб бўлмас.  
Гарчи буюк замонда кечсада ҳаёт,  
Тушкунлик ҳар нарсадан фақат дард топар.  
Эрта кунга кўз тикиб изласам сабот,  
Тонг отмасдан бошланар савдои дигар.

Уйғонади идроким мудроқ тарқалиб,  
Шукроналар айтаман боқиб ҳар томон.  
Кундалик ҳастиңда қолсанг қоқилиб,  
Интилишдан чекиниш ёмондан - ёмон.  
Ҳикмат бор: Рұхинг агар топса ҳаловат,  
Күзғалади қалбингда ғайрат шижаат.  
Курашларга киришсанг түшкүнлик кетар,  
Шарпаларга тиз чўкиб қоврилма фақат.



## БЕГОНА

Бу нима? Ўнгимми ёки туш, наҳот,  
Шунчалар кўр бўлса муҳаббат кўзи.  
Руҳият қасринга кирганим заҳот,  
Бегона кўринди оламнинг юзи.

Пок туйғу, мусаффо номуси кўркам,  
Сен қизга тиккандим иқбол оримни.  
Эндиҳи, хуснингга шайдолигим ҳам,  
Тўхтатиб қололмас, кўнгил зоримни.

На сену, на севги айблидир бунда,  
Вафодан хижолат кўрма ўзингни.  
Руҳият дунёси тўқнашган чоғда,  
«Алвидо» туйғуси айтди сўзини.

Не илож тақдирда бор экан бу ҳам,  
Қанийди тарк этсанг, кўнгил боғимни.  
Толеинг очилсин, баҳтили бўл ҳар дам,  
Ширин дард чекканда, эсла боримни.

## НАМАНГАН

Билимим бешигин тебратган шаҳар,  
Оламнинг юзини танитган шаҳар.  
Ёшлик орзуларим бағрига олиб,  
Камолот йўлига бошлаган шаҳар.

Қарзимни узишга арзигулик ҳеч,  
Бирон бир юмушинг бажармасам ҳам.  
Сершовқин Сардобанг аҳлидан то кеч,  
Яшашга иштиёқ завқин топаман.

Хоки орзулардан яралган шаҳар,  
Кулбадан қасргача кўтардинг қаддинг.  
Халқингнинг қалбида очилган гуллар  
Сабабки, «Гул шаҳри» номини олдинг.

Кўнгиллар меҳридан чароғон ҳаёт,  
Сенда-да кўраман умидим ошиб.  
Таъмиринг тадбири бормоқда шу тоб,  
Йўлларинг нурафшон чиройинг очиб.

Сўз билан қадрингни обод айлаган,  
Фозилу шоирлар Ватанидирсан.  
Бу фақир қалбимда ёнган меҳрингдан,  
Истадим, пойинга дил сўзим тўксам.

Сен Буюк Ватаннинг обод шаҳрисан,  
Кўксингда келажак нафаси ҳар он.  
Ишқимни паноҳинг олган шаҳарсан,  
Қалби пок Наманган-ибратли бўстон.

## ИШК

Қизнинг лабидаги майин табассум,  
Сөхри-ла йигитни айлади мафтун,  
Севги етакчиси - гўзаллик шу дам,  
Содда бир юракка ташлади учқун.

Бинафша гулидай нафис бу чирой,  
Муҳаббат орзусин дилга қўндириди,  
Илоҳий хилқатдай, кўринган баҳор,  
Ҳаёт машаққатин эсдан чиқарди.

Софинчда уйғониб, ҳар тонг саҳарда,  
Қалб - дили талпинар, ўшал нигоҳга,  
Ишқ тўрига тушган ҳолсиз йигитга,  
Тасалли беролмас севгидан ўзга.

Ишқ қанотин ёйди, қалбни эгаллаб,  
Муқаддас оловда қайнатмоқ учун,  
Ваъдаси бир олам - меҳру мурувват,  
Лек, фақат азобда кўрсатар кучин.

Севгига ишонмоқ керак, албатта,  
Бу ишонч туйғуга қул бўлмоқ эмас,  
Муҳаббат айланмай, ўткир оловга,  
Қалбларда мавжланиб турсагина бас.

## УЗИГА ТАН

Инсон кунглиниң қоронғи қатида,  
Хаёт ташвишининг шикояти бор.  
Кўзи очиқларга гўзаллик шода,  
Нокас кимсаларга дунё доим тор.

Хақиқат пардаси очилди менга,  
Хаётдан мукофот кутар ҳамма ҳам.  
Баҳорнинг қадрига етмаган, кузда,  
Ўзгалар ишига шубҳада ҳар дам.

Даладаги тўкин-сочинлик, ахир,  
Меҳнат қилган, деҳқонига тан.  
Ўзликни айбламоқ бўлса-да оғир,  
Билки: «Нима эксанг- шуни урасан».

Зиддият занжири аслида дунё,  
Сенинг хоҳишингча борлиқ ўзгармас.  
Ватан, эл нафъида яралса зиё,  
Руҳият олами бегона бўлмас.

## ЁМОН ЭКАН

Суратингга боқдиму кетди хаёлим,  
Нигоҳимда тикланди гулдек жамолинг.  
Нозик писта лабларинг, якдана холинг,  
Эслаб ноз-у ишвасин, ёндим аламдан,  
Үрганган ёмон экан, севиб қолишдан.

Айб айласанг минг бора, энди бу бекор,  
Рост, толиқкан қалбимни этгансан бедор,  
Севищда адашганман, яна не дард бор,  
Билолмасдан ожизман, қарши борищдан,  
Үрганган ёмон экан, севиб қолишдан.

Сенинг жоду кўзларинг, сирли қўлларинг,  
Жонимга - жон бергувчи, ширин сўзларинг,  
Руҳ-у танам тўрида, босган изларинг,  
Кетмас энди қалбимдан, қуийиб ёнишдан,  
Үрганган ёмон экан, севиб қолишдан.

На сен билан бирга ман, на сендан жудо,  
Тақдиримда борини кўрдим-ми хато,  
Билиб сени омонат, бўламан адо,  
Қалбимда оқар дарё, алам ёшидан,  
Үрганган ёмон экан, севиб қолишдан.

Шайдоман-ми, ё ошиқ, дилда ажри йўқ,  
Гоҳ ақл таънасидан дилга ботар ўқ,  
Нечун аввал билмадим, армонлари қўп,  
Шайдолик севги бўлмас, куйиб - ёнишдан,  
Үрганган ёмон экан, севиб қолишдан.

## ТАБИАТ

Шудринглар қолдириб, тарқалди туман,  
Ялтироқ күринди қуёшда япроқ,  
Үзаро сирлашиби, қуёш, ҳаво, нам,  
Гул, чечак завқила, яшнатар ҳаёт,

Енгил қанотларин ёйган капалак,  
Дунёга ҳокимдек бепарво учар.  
Асал арилари тинмай жон ҳалак,  
Гулларнинг бағридан шириналлик тўплар.

Самода юлдузлар ўйнатар кўзлар,  
Тун қорасин кесиб дилни ёритар.  
Қишдаги уйқунинг сўнги кўринмай,  
Навбаҳор ёмғири жонни уйғотар.

Бунчалар гўзалсан она табиат,  
Сен кулсанг - фаровон турмуш эшиги,  
Оlam ҳилқатларин сақлайсан абад,  
Бағрингда тебратиб ҳаёт бешиги.



## УМР БЕЗАГИ

Ишқ билан қувонар қалбим,  
Ишқ билан бошланар дардим.  
Азизим ачинасанми, айт,  
Кутгандан тез ўтмоқда умрим.  
Гар ишқ банд этмаганда дилим,  
Дунёдан мен кечардим барвақт.  
Балки менга суйган ҳамроҳим,  
Бўлар эди ароқу шарбат.  
Мени билиб-билмай ортимдан,  
Жаноб деб сийлаган ҳам бўлди.  
Балки шундай, жанобдирман ҳам,  
Хонимларга хушим бўлмади.  
Мен кимман? Бир қишлоқ боласи,  
Ўзимдек фариб, орзуласим ҳам.  
Гар мен айтсан гапнинг сараси,  
Оддий қизнинг ошиғидирман.  
Оддийгина қиз, сочи турмакда,  
Бошдан ҳеч вақт рўмоли тушмас.  
Ишқи олов асли юракда,  
Лек, феълидан ҳаё айримас.  
Ишқнинг бори ҳам, зўри ҳам шу,  
Соддаликда меҳр бошқача.  
Беғубор дил ўстирган туйфу,  
Умрнинг безаги сўнги кунгача.

## СЕН ҚҰЛЛАСАНГ

Менинг дардимни билмас ҳеч ким,  
Табибларнинг энг зўр-зўри ҳам.  
Айбим ҳуснингга шайдолигим,  
Ишқ бўлди олампаноҳим ҳам.  
Замондан шикоятим йўқ менинг,  
Ишқдан фақат хастаман холос.  
Тақдиримда сенинг пок номинг,  
Ишқ ҳарфи-ла битилгани рост.  
Ранжу азобга дилим ошно,  
Қалбингдан бир орзу кутаман.  
Ишқимни сен ҳам кўрсанг раво,  
Руҳимни пойинга тўкаман.  
Мехр билан солсанг менга назар,  
Айтганларим ўзинг биласан.  
Мени эслаб уйғонган маҳал,  
Фуурингдан балки тонасан.  
Ҳар сафар сени кўрганимда,  
Оlamни ўзгача кўраман.  
Сен кўлласанг, мен ошиқ банда,  
Кисматимдан зафар қучаман.

## НУҚСОН

Инсон аталмиш, олий мавжудод,  
Қил усти юргандек кечирар ҳаёт.  
Эзгулик, ёвузлик, Раҳмон ва Шайтон,  
Ораси бир қадам, бўлгин эҳтиёт.

Изтироб илдизин, ўзингдан қидир,  
Яхшида бир ёмон, бўлади албат.  
Айбин унотолмас, тутса ҳамки сир,  
Виждон гувоҳдир, ўчмас тоабад.

Инсонлик дафтарин варақлаган чоғ,  
Кўп мушкул вазифа ҳис этар юрак.  
Дунёнинг жилоси ҳар дам ялтироқ,  
Аслида шайтон ҳам шу бўлса керак.

Ахлоқий нуқсонлар интиҳоси шу,  
Азоб тўфонига отади, ҳайҳот!  
Жизғанак сахрода, илондек беун,  
Кувончу - армонга чидамас сабот.

## ШУКРОНА

Йўқликдан яралган бу жон,  
Сиздан нишондир отажон,  
Меҳрингиз ардоғи борки,  
Сийлар мени ёруғ жаҳон,  
Дўсту - мадорим отажон.

Ота рози - Худо рози,  
Шунда - дерлар, - ҳаёт сози,  
Дуоларда дил овози,  
Бахтимга сиз бўлинг омон,  
Ақлим қўёши, отажон.

Сочингизга оқлар тушиб,  
Қалбимга нур селдай сочиб,  
Шукроналар умрим кучиб,  
Билдимки сиз жонимга - жон,  
Кўнглимга дармон отажон.

Сизга айтар дил сузим қуп,  
Сиз борсизки, ҳаётим тўқ,  
Бўлсада феълим жуда шўх,  
Дилимда қолмасин армон,  
Пойингиз ўпай, отажон.

## ДҮСТИМ

Эҳ, дүстім! Ҳаваслардан қолмади дилда асар,  
Үйлаб - үйлаб бу ҳолдан, топдим фақат бир масал.  
Истакларнинг чеки йўқ, дунё гўё ким узар,  
Дерлар:- Ерни сув бузар, инсонни - инсон бузар.

Ҳунаринг бўлса косиб, наққошни қилма ҳавас,  
Ҳаловат топгай киши, топса лойиқ касбу кор.  
Бандадан чиқмас фаришта, ҳеч кимга бу сир эмас,  
Инсон ақли чайқалар, дунё бўлса унга тор.

Биз излаган ҳақиқат, ундан бир парча наво,  
Адолатнинг кўзини, олтин чанги кўр этар,  
Руҳоний ҳам қавмига, дейдики мушкулраво,  
Машаққат кўрмай ўзи, яшашни йўлин топар,

Беш кунлик дунё бу, остиигда бўлса ҳам «дулдул»,  
Бошқадан ортиқ киши, ўзидан ожиз бўлур,  
Яхшига тараҳҳум қил, амалларга бўлма қул,  
Элни билмаган бир кун, оғидан қоқилур.

Билки, ҳар ким дунёга-вазифа бирла келур,  
Умрини қилгай чаман, топса у меҳру фурур.  
Ҳаракат, билим, меҳнат ва ихлоски дилда бор.  
Яхшилик сари элтар, уйғотиб ақлу шуур.

## МОҲИМ

Номинг тилимга олсам,  
Ўқсик дилимга боқсам.  
Қароғимни куйдирап,  
Суратингга кўз солсам.  
Сирли эди кўзларинг,  
Ҳамда ширин сўзларинг.  
Моҳим менинг,  
Моҳим менинг,  
Хусни зебойим менинг.

Сажда қилдим пойингта,  
Жо бўлай деб жоңингта.  
Пок туйғуларим сочдим,  
Раҳим тилаб ҳолимга.  
Ишқим писанд қилмадинг,  
Ё назарга илмадинг.  
Моҳим менинг,  
Моҳим менинг,  
Дилда армоним менинг.

Ўзга уйнинг чирогин,  
Ёритди гул чиройинг.  
Энди билсам юракдан,  
Тегар менга дуойинг.  
Майли менга юзланма,  
Дуоларинг қизғанма.  
Моҳим менинг,  
Моҳим менинг,  
Дилдаги оҳим менинг.

Дунё бир кам дейдилар,  
Үша ками мен бўлай.  
Кўнгли ярим ҳолимда,  
Сенинг бахтингни кўрай.  
Шунда сендан кетаман,  
Ёнишлардан тонаман.  
Моҳим менинг,  
Моҳим менинг,  
Дилда ардоғим менинг.

## ОИЛА

Мехрни бўлишиб бўлмайди асло,  
Бир бутун эъзозлаб асрамоқ лозим.

Қадрини талашиб бошланса ғавро,  
Ҳар уйда бўлади қиёмат қойим.

Ота бор, она бор, фарзанд, қайнона,  
Шундадир мужассам ҳаёт безаги.

Бир-бирин олқишилаб, бўлса парвона,  
Хотиржам уради она юраги.

Яқинлар истагин ҳамиша оқланг,  
Ҳар уйни ёритсин инсон қиймати.

Оила муқаддас, авайлаб - асранг,  
Оила Оллоҳнинг буюк неъмати.

## БЕШИК

Бешикдир гўдакнинг чин хос хонаси,  
Унинг баҳосида бўлмас савдоси.  
Муқаллас орзуга мангу боғланган,  
Унинг ҳар нақшининг зебо жилоси,  
Қадрият бобида хосияти куп,  
Алланинг сеҳри ҳам унда яралган.  
Оеқ - қўйл боғланса унга гина йўқ,  
Қоматнинг созлиги унга қадалган.  
Фақат бир илтимос азиз оналар,  
Болангиз бешикда кулиб уйғонсин.  
Ҳаётда тўқнашса бундай тугунлар,  
Парчалаб ташлашга шижоат топсин.  
Аллага кўнишиб қолмасин юрак,  
Бу ҳаст фақат бир гулистон эмас.  
Эртанги кунига жўшқин дил керак,  
Шерюрак фарзанднинг қадди эгилмас.



## БОҒБОН

Оила бағрида топмаган тиним.  
Хаётда саргардон бўлмоғи тайин.

Ҳар кимки борига қилмас қаноат,  
Ўз ақлига фириб беради, албат.

Идроки бошловчи бўлолмас унга,  
Тебраниб юради ҳар шому тунда.

Зарурат боиси кезганингда йўл,  
Фалокат хавфидан титрап оёқ - кўл.

Умрингга нафс, ҳавас қўйса гар тузоқ,  
Зорингга ҳеч кимса солмайди қулоқ.

Гувоҳдир оламни яратган Худо,  
Ўз уйинг қиблагоҳ, бўлсанг жон фило.

Ватан ичра Ватандир оила баҳтинг,  
Авлодлар ардоғи-излаган тахтинг.

Оила боғининг боғбони бўлгин,  
Энг аввал даргоҳинг безагин, суйгин.

## ДАСТА ЛОЛА

Қасд этди ёрим, рашки ила бўлиб овора,  
Тинглашга сўзим, оташ бўлиб бермайди чора.  
Бемор юрагим ич-ичини, бир алам тирнар,  
Қайси айбу - гуноҳимга, берай мен пора.

Не хаёлга борар дилим, ҳар дам кирса тикан,  
Бошим узра не маломат, ё ёр билмасмикан.  
Ёки ақл чалғитиш, ёрни ҳийла - нозимикан,  
Янграп қулоғимда мудом, ул афгону - нола.

Ёр қалбин пок этгали, ҳар ранжига розиман,  
Мехри лаззати учун, ишоратни зориман.  
Сийнасига бош қўйиб, жон топар эъзозиман,  
Аразини ютолмай, булдим кунда овора.

Дилдаги оҳ боиси, бевафо куча иши,  
Мағлуби дунёлигин, кимга ҳам айтар киши,  
Дерлар: - Кетса давлатинг, ёринг ҳам қайратиши,  
Мен ғарибни қон қилди, йўқдир мендек бечора.

Кўнгил дейди: бу алам ширин турмушнинг фами,  
Рашксиз, аразсиз муҳаббатнинг лаззати қани.  
Не қиласай, жуфти ҳалол- Оллоҳимнинг бергани,  
Шаҳд туриб дасталадим унга атаб гул-лола.

## УЙИМ БЕКАСИ

Косонсойлик бир гўзал,  
Соҳилга тушди саҳар.  
Қирғоқ бўйлаб мен кезиб,  
Хаёлим ёйган маҳал.

Фараҳбахш тонги сабо,  
Завқин сочиб еларди.  
Дилда рашким уйғотиб,  
Қиз сочини силарди.

Ўртамиизда тошқин сой,  
Жонон у ён, мен бу ён.  
Юрагимга илиб тор,  
Сирли боқар мен томон.

Ёлвордим мен Худога:  
Қилма мени имтиҳон.  
Шу қиз бўлсин баҳтимга,  
Излаганим жонга жон.

«Яхши ният- ярим мол»,  
Айтсан, гапнинг сараси.  
Ишқим кетмади завол,  
Шу қиз-уйим бекаси.

## КҮНГИЛ

Күнгилни ардоқланг ҳар дам азизлар,  
Орзулар сарбони күнгилдир азал.  
Инсон күнгли меҳру мақтов ташнаси,  
Ном, номус талашиб ўтади кунлар.  
Кунғанимат, ғанимат ҳар тирик жон,  
Орзуу умидда яшайди инсон.  
Үлиму ҳаётнинг девори асло,  
Йүқлигин сезаман ҳамиша ҳар он.  
Орзулар манзилга ҳали етмасдан,  
Ажал ҳам топади минг бир баҳона.  
Үйламай буларми, бунга куймасдан,  
Умримизчалик қисқа нима бор яна.  
Касаллик, кексалик, қисматда бори,  
Үлимга элтар, омонат кетар.  
Талашиб, тортишиб күнгилнинг тори,  
Изтироб уйғотар, кунни йиғлатар.  
Ҳар күнгил ўзгадан шириң сўз кутар,  
Шириң сўзки, фидо бўлмоққа ярап.  
Күнгилга ёғилар бундан шукронга,  
Яхшини ардоқлар, ҳар вақт замона.  
Күнгил бу виждондир, күнгил бу ҳакам,  
Умримиз ардоғи - күнгил ягона.

## ТОНАМАН

Билиб-билмай кунда ёр,  
Дилимга берар озор.  
Аввал эди беозор,  
Гулдайин суюкли ер.

Аёл қалби мисли тор,  
Кутаркан-да эътибор.  
Шундай севилганим бор,  
Аммо дунё менга тор.

Яна қанча умрим бор,  
Эмас, у ҳам қизалоқ.  
Дегим келмас дилозор,  
Фақат сал-да соддароқ.

Нолиб нима қиласман,  
Айбим үзим биламан.  
Феълим шуки, қизғонса,  
Гуноҳлардан тонаман.

## НИДО

Алдамчи, бу дунё менга не керак,  
Менга бир лаҳзага ором бўлса бас.  
Азобда ўртаниб қолғанда юрак,  
Энг яқин йўлдошинг юпанч бўлолмас.

Хўрозлар патини юлгувчи қўллар,  
Машварат ўтказар пана - панада.  
Фийбатлар ортида қанча сўроқлар,  
Маҳрамга борсанг ҳам, турмас нарида.

Дунёниг у бурчи ё бу четида,  
Урушлар олови тинч қўймас жаҳон.  
Эшитсанг ҳар кунги тонгти хабарда,  
Тупроққа қўйишар қанчалар қурбон.

Аслида наслимиз Одам Атодан,  
Лек мисқол устида диллар бор гирён.  
Аламли бир нидо келар юракдан,  
Дунёни талашмоқ тугайди қачон?!

## САБОТ ТОПДИМ

Ёр сочидан тутсам бедор,  
Тутармикан жоми висол,  
Сүзларимни олмай малол,  
Күрармикан ишқда иқбол.

Олди дилим шундай хаёл,  
Қилмаслик чун дилни хароб,  
Илк муҳаббат жабри ҳалол,  
Деб, ўзимда топдим сабот.

Билиб - билмай йўлин тўсдим,  
Шодлик қушин шунда сездим,  
Аввал буни қийин дердим,  
Ёрда олам соғинч кўрдим.

Сўзларидан томади бол,  
Қувончимдан тилим ҳам лол,  
Ишқ юртига кетди хаёл,  
Борми бундан ширин бир ҳол.

## БИЛИМ

Оламни билишга қодир билимдон,  
Камолот йўлига кирмоғи аён.  
Унугиб, ташвишу дунёнинг иши,  
Етмаган чўққини кўргай қадрдон.

Билимга интилган кўнгил ҳеч тўймас,  
Меҳнатсиз билим ҳам келмас ҳеч қачон.  
Нотаниш йўллардан боришни қўймас,  
Билимга чин дилдан интилган инсон.

Атомни яратган даҳодир албат,  
Лек, башар наздида топдими у шон.  
Амалга ошдию ёвуз бир ният,  
Дунёнинг бағрида йиглади виждон.

Билим ниҳоясиз-тубсиз денгиздир,  
Қанча кўп билганда, шунча-да армон.  
Эзгулик нафасин бергани создир,  
Кашфиёт ортидан келмасдан қирон.

## ШУБХА

Шубха - хоин !  
Титратар қалбингни бедард.  
Кун бермас у, дўстлигу муҳаббатга ҳам.  
Олам сири кўринса ҳам сенга беҳад,  
Дилга яқин йўлатма - унда армон, ғам.  
Кўзу, қулоқ иши-да, тинмай ҳар қадам,  
Шубҳалар уйғотар, дилни вайрон этиб.  
Ахир рост деб, айтилган сенинг сўзинг ҳам,  
Кезар балки қайларда шубҳалар бичиб.  
Баски шундай, шубҳага қолдирма ҳожат,  
Ҳар жойда сирингни айтма гафлатда қолиб.  
Арзингни сен фақат, энг яқинингга айт,  
Токи сен ҳам юрганил, афсусдан тониб.

## СЕНДЕК ЮЛДУЗДАН

Мен сени олисдан кўргандим холос.  
Кўнгил ҳам бехабар ҳусни рўйингдан.  
Ва лекин руҳимни забт этгани рост,  
Ишқ нури ёйилиб сендеқ юлдуздан.  
Ёнаман кўролмай ҳамон рухсоринг,  
Ҳам нозу карашма, кўзи хуморинг.  
Борму яна бундан ўтар озоринг,  
Севгида банд этган, сендеқ юлдуздан.  
Изн бергил арз этиб, қошингга борай,  
Мафтункор чехрангни яқиндан кўрай.  
Куйингда куйган дил, изҳори этай,  
Қалбингни сўрайин, сендеқ юлдуздан.  
Кўзларга даъвогар бўлмасин юрак,  
Севдим мен, қисматдан бўлмоғи керак.  
Ёрим-деб, атасам кетма бедарак,  
Ишқ тафтин олайин, сендеқ юлдуздан.

## ҚҰШНИ КИЗГА

Маҳаллада дув-дув гап,  
Совчи келмиш уйинга.  
Отанг мендан аразлаб,  
Рози бўлмиш тўйинга.

Кулогингни тишлатган,  
Отам менга ҳўмрайди.  
Юрак сиримни билмай,  
Онам мени айблайди.

Куёвим деб сийласа,  
Отангдан мен қочардим.  
«Келин-куёв» деб кулса,  
Маҳалладан безардим.

Онамга ҳеч айтолмай  
Ич-ичимдан ёнаман,  
Отамга-ку тик боқмай,  
Мұхаббатдан тонаман.

Ишқ дунёси дарди кўп,  
Бир кун ақлим ийқитди.  
Тил бечора топиб сўз,  
Охир сиримни тўқди.

Мана энди дув-дув гап,  
Севгимиз чин-ошкора.  
Икки қўшни бир бўлиб,  
Тўйимизга овора.

## ТҮИ

Бу кеча муқаддас кеча, янграгай торлар,  
Муборак түй базмида, ўйнар еронлар.  
Келин күёв даврага шод-шодмон келар,  
Бахт тилаган олқышлар, фалакка етар.  
Икки дилни бу никоҳ, бир-бирга қўшар,  
Никоҳ тўйи ҳаётда, гултожи башар.

Күёв сизға бир сўзим, сир тутиңг фақат,  
Бирга ўйнанг ва қулинг, бирга олинг завқ.  
Ишқда ёнинг аммо, қул қилманг юрак,  
Жисму жонни ҳамиша асрамоқ керак.  
Туқнашганда ҳар доим чақнасин кўзлар,  
Жуфтлик тахти равони, турмушни безар.

Обод уйнинг калити, меҳру садоқат,  
Севги, ишонч дилларга берар ҳаловат,  
Келинга зеб берибди, Ўзи табиат,  
Бу чиройни эъзозланг, эмас бу сурат.  
Гўзаллик ҳам ҳаётда, гутождир азал,  
Жуфтлик тахти равони, турмушни безар.

Кунларингиз шод ўтсин, баҳтингиз кулсин,  
Даргоҳингиз ҳамиша меҳмонга тўлсин,  
Никоҳингиз қўллаган, Оллоҳим бўлсин.  
Ҳар кунингиз бир-бирдан мазмунли ўтсин.  
Жуфтлик тахти равони ҳар доим гўзал,  
Муҳаббатнинг камоли, дунёни безар.

Муҳаббатнинг меваси, вафодир фақат,  
Насиб этсин сизларга, чин инсонлик баҳт,  
Шубҳа гумон остида, кўрмангиз кулфат,  
Элу юртда ҳар доим, топингиз иззат,  
Ёрнинг қадрин зардан ҳам билингиз афзал,  
Жуфтлик тахти равонин асранг то абад.

## ПИНҲОН ЭКАН

Севгининг олис йўли, айрилди чироғидан,  
Кўнгил йиғлар аламдан, бош узолмай ҳеч ердан,  
Кўқда булатлар ҳайрон, дилда оққан кўз ёшдан,  
Энди бу аён бўлди, ёр сири армон экан,  
Ноз, табассум ортида, макрлари пинҳон экан.

Руҳимга раҳна солди, ҳар фитна-ю зардблар,  
Домига этди асир, ғамга тўла гирдблар,  
Ақлимни олди тамом, севгидағи озорлар,  
Чарх каби қайнар дилим, қолмади ҳеч бардошлар,  
Ёр нозин ҳаё десам, макрлари пинҳон экан

Торимга қулоқ тутсам, битмас ёрнинг гуфтори,  
Кўзим кўрмас-ку аммо, унда нақши дийдори,  
Овоза бўлмиш элда, ёрнинг ҳар кирду кори,  
Тарқ этмай қалбим алам, қиласар жаҳонимни танг,  
Лаби хандон ортида, макрлари пинҳон экан.

Эсим кириб, дармонга чиқсам ишқнинг қаъридан,  
Сигмас дардим дунёга, торим чертсамда баланд,  
Ишқсиз қолган ҳар нафас, умримдаги дард - алам,  
Аҳли ишқ билсин энди, бу ушшоқ Ҳудододдан,  
Муҳаббатнинг ортида ғам-алам пинҳон экан.

## КЕЧИНМАЛАР

Пинҳона кечинма қўпdir инсонда,  
Улар синалади соғинч, дийдорда.  
Ҳиссиёт жўш урап мисоли бир чўғ.  
Муҳаббат ва нафрат макони-дилда,

Қалбга гоҳ туйгулар, шодлик қўндирап,  
Гоҳида аламлар кийдиради кўқ.  
Ишончни бахтсизлик чандон синдирап,  
Изтироб юракка мисоли бир ўқ.

Энг баланд деворлар кўп намдан қулар,  
Энг буюк инсонлар ғамдан ийқилар.  
Ҳар неки кўринди ақлимга ошно,  
Кимга яхши, кимга ёмон кўринар.

Кўлида бўлса ҳам Мусо ҳассаси.  
Умидсиз кишининг шижоати йўқ.  
Кудрату - ҳикматнинг шудир боиси,  
Кўнгилни уйғотар фақат ширин сўз.

## ОНА ДИЁР

Косонсойнинг сувин - дерлар, - минг дардга даво,  
Тандир нонин таъми дилдан кетмайди асло,  
Соҳил бўйлаб ҳар гўшаси, зебо хушҳаво,  
Ошиқларнинг дил созига, қўшади наво,  
Қайда бўлмай ҳар нафас, қарогимда бу чирой,  
Қалбимда эрку баҳти, она диёр Косонсой.

Хур Ватан гулбоғи бу, топган қадри замондан,  
Қодир эгам бу неъмат, раво билган азалдан,  
Яратгувчи қудрати, ўзи асрар ёмондан.  
Топар диллар фароғат, табиатнинг сеҳридан,  
Меҳмоннаво бу даргоҳ, меҳру лаззатга бой,  
Тансиҳатлик маскани, элга сўлим Косонсой.

Йигитлари шиҷоати, тоғлиларга хос,  
Дуолардан қалб - дили шод, кексалари бор,  
Малаклари ишқ куйида, қилади гуфтор,  
Тили ширин қиз жувонлар, латофатга бой,  
Меҳмонлари зилол сувга, бўлади шайдо,  
Ёримда очган чирой, тоза ҳаво Косонсой.

Таърифи достонга сифлас, шаҳримга битсам наво,  
Тингласин аҳли жаҳон, куйларим элтса сабо,  
Камтарин халқимгаю, юртимга жоним фидо,  
Бу иншо Худододдан қалбида битмас нидо,  
Озимни кўпдек билинг, таъриф этсам бу диёр,  
Жаннатмакон бу Ватан, Косонсайдир - Косонсой

## АЗАЛИЙ ЖУМБОК

Хар киши күнглини қилмоқ учун шод,  
Ақлига монанд сүз, топгинг келади.  
Хақиқий неъматдир бизга мулоқот,  
Яхши сўз-жон озиғи, ҳамма билади.

Ва лекин бунда бор, азалий жумбоқ,  
Дилдаги ҳар гапни айтиб бўлмайди.  
Кўнгилни тилидан сўзла!-дер, бироқ,  
Ҳақ сўзлар, бошинга ғавғо тўплайди.

Юракнинг ишин кўр синмайди тошдан,  
Бир оғиз гапдан у дарров синади.  
Шу боис тилимиз аввалу бошдан,  
Энг ширин ва аччиқ, мулкдек келади.

Кувончлар йўлини тутган ҳар қалай,  
Аламин сочишдан ўзин сақлайди.  
Жафо-ю, қайгуни тилида тутмай,  
Юракнинг тубида сўzsиз асрайди.

Тақдир лавҳасида ёзиғи борму,  
Кўнгилдан кўнгиллар озор чекади.  
Коинот илмига даъвоси бору,  
Одамлар бир-бирин билмай ўтади.

## ЭСЛАШ

Жуда эрта, мактаб ёшидан,  
Сизни күргим келарди ҳар дам.  
Билмасам ҳам бу соғинч недан,  
Бир илиқ ҳис сезардим дилдан.

Кулишардик барадла қотиб,  
Эслаганда қизиқ ҳангома.  
Танбек берса, назардан қочиб,  
Бекинардик, қўркув бегона.

Мана, энди улғайиб етдик,  
Йўлингизни пойлайман ҳамон.  
Бугун билсам юракда ҳадик,  
Келмасингиз ёмондан-ёмон.

Аҳволимга назар солганлар,  
Айтишарки, ишқдан девона.  
Биздаги бу сирли боқишилар,  
Бошқаларга фақат ҳангома.

## ОТАМНИ ЭСЛАБ

Сочимга оқлар тушиб, ёш бир жойга етса ҳам,  
Чарчоқлардан ҳол тойиб, ақдим мендан қочса ҳам.  
Қарофимдан кетмас ҳамон, видолашган чоғингиз,  
Оқ соқолингиз нам этиб, чарақлаган ёшингиз.  
Үфлингизни сүнгги бор, безовта ўйлар билан,  
Бағрингизга босганды, алвидо сүзлар билан.  
Шивирлаб айтдингиз афтода бир ҳолатда,  
«Қонун йўл берар эди, қолсанг бўларди уйда.  
Станг бўлса бир фақир, мутлоқ кексаю ночор,  
Рўйхатга қўши сени, билмай қайси нобакор.  
Умидларим пуч бўлди, ярим йўлда йўқолди,  
Кўришмоқ энди болам, чин қиёматта қолди».  
Муродга етмаган дил, оҳимиidi бу сўзлар,  
Ёғариблик дастидан, ёшларканмиш у кўзлар.  
Оҳ, отажон ўша онда, аёнмиди Сизга бу,  
Ўлимдан бу шарпани, келтирганди не туйfy.  
Дилингизни тубида, бормиди ёки чигал,  
Қалбингизга фулғула солғанмиди ё ажал.  
Ўртаниб мен ўғилга, адo қилди сизни ғам,  
Қилмишимдан бу бошга, тушди қанча дард алам.  
Йўл - йўриқ билмай бошим, урдим не ўт - оловга,  
Бир мураббий йуқ эди, таскин берарга, жонга.  
Сиз билан баҳам кўрган, орзуларим бор эди,  
Ўзим ҳам кутмагандим, хизматга фармон бўлди.  
Тунда кўролган бойқуш, кундуз кўролмас дерлар,  
Ҳавасдан кўр бўлган дил, дардингиз қайдан билар.  
Ташналаб қалбингизга бўлолмадим мен малҳам,  
Ўлим Сизни берkitди, соғиниб келганим дам.

Тобутингиз күтариш қилмади менга насиб,  
Ё, фарзанд бўлиб қабрга, қуёлмадим энтикиб.  
Ҳаёт, борлик барчаси англанмаган бир жумбоқ,  
Юрагимни ўкситиб, тўймади қора тупроқ.  
Хоҳ юзаки, хоҳ жиддий, гина қилсам боламга,  
Қалбимни бир дард эзар, не қилгандим отамга.  
Ҳеч бандани бир-бирдан, фафлат жудо этмасин,  
Умрининг сўнги дами кўзлар муштоқ кетмасин.

## БИЛАМАН

Сендан мен вафо кутдим, ишқингда маст, беҳуда,  
Сўнг буни хато кўрдим, фироқ дарди кўйида,  
Сир қолар албат бу ҳол, ўзгага маълум эмас,  
Зеро, азоб пайкони зиҳримда ҳеч кўринмас.  
Қайларга мен кўз тикдим, тайёр ҳатто дўзахга,  
Кўчадан ахтардим кўча, бормоқ учун узлатга,  
Алловингни энди кўй, тўйдим мен ундан жуда,  
Ишқ ўйини не ҳожат, куч қолмаса гар танда.  
Бас, менга етар бўлди, ўз ҳолимга кўй энди,  
Ўзим билан ўзимни сўзлашга ҳам кўй энди,  
Тополмасам мен чора, суурингда қолақол,  
Дард тўрини узолсам, яна севгинг қил қурол.  
Дерлар: - инсон топса куч, ҳаваслардан енгилмас,  
Аста вужуд тобланса, асло руҳият синмас,  
Ҳавотирга ўрин йўқ, энди буни биламан,  
Менга яна кўз тиксанг, ишқда банди қиласман.

## ГҮЗАЛ

Қарашларинг ўқидан қалтирап ҳар дам юрак,  
Сенга талпинган дилим, қилас жонимни ҳалак.  
Сен кони малоҳатсан, муҳаббат гулшанида,  
Гүзалик мўъжизасин, илибди сенга фалак.

Ишқ - ла ўтган ҳар кунга, шукронада айтгим келар,  
Оху кўзу қошингдан, ёғилиб нурлар келар,  
Гул - гунча лабин тишлар, чиройингдан уялар.  
Жисми жоним ўртаниб, талпинар сенга малак,

Гулҳаессан, гулбадан, ё парисан мисли йўқ,  
Кулгичларинг домига, шўнғищдан умидим тўқ.  
Хижрон қадаҳин кўрсам, ёғилар бошимда ўқ,  
Озиқ истаб лабингга, етиш борму эй малак.

Ишқ олови муқаддас, кўнгил унинг мезбони,  
Вафо эшигин оч менга, кўйгил ҳажр карвони.  
Кўзу, дилу, жонимиз қўшиб айтсин розини,  
Ишқни ёмон кўзлардан асрар садоқат бешак.

Жон риштасин сочингга, бойламоққа тайёрман,  
Лутфу назокатинга, умрин тиккан шайдоман.  
Висолга амринг кутган девона Худододман.  
Ҳақ сўзимни ол дилга, биргина шудир тилак.

## СИНГИЛ

Хонадонда қиз бола мәхмөнлиги сир эмас,  
Садоқатда ҳеч бир хеш сингилчалик бўлолмас.  
Қарз эрур ҳам фарз эрур, сингил дилин шодламок,  
Ака-ука меҳридан сингил олис юролмас.

Инсонлик энг аввало, қондошлиқда билинар,  
Қалбингга яқин сирдош сингилдайин қуринар.  
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси оламдайин бўлса ҳам,  
Туғишганлар меҳрини сингил ҳар дам соғинар.

Бевафо дунёни деб, чайқалса кунинг ғамда,  
Билгинки ҳаммадан кўп сингиллар озор топар.  
Она меҳрин тафтини излаган ҳар қадамда,  
Ташна кўнгил кўксини фақат сингилга тутар.

Меҳрибонлик арзигай, ҳар не қилсанг сингил учун,  
Сингилни эъзозлаган, Оллоҳга ҳам мўътабар.  
Писанд қилмай вафоси, уйғонса қалбда тугун,  
Бемеҳр бундай юракка, алҳазар, минг алҳазар.

## КЕЧИР

Кечир мени, кечир маликам,  
Садоқатинг кўрмади ҳиммат.  
Муҳаббатим даре бўлса ҳам,  
Айирганди бизларни қисмат.

Мудом ўзим икки ут аро,  
Қийноқдаман қадримни топмай.  
Гуноҳкорман - бир юзи қаро,  
Орзуларга юзим тутолмай.

Никоҳ туни ҳаётнинг завқи,  
Михлаганди меҳру - ришталар.  
Шаҳид бўлган муҳаббат дарди,  
Узмайди ҳеч дилдан панжалар.

Муқаддасдир никоҳ тумори,  
Лек тўхтамас кўнгилнинг зори.  
Ишқий ситам, турмуш ардоғи,  
Омонатдек дилдаги ҳоли.

Изласамми, ёки мастиқдан,  
Бу вайрона кўнгилга сабо,  
Қочгим келар қадалган кўздан,  
Узлатми, ё бу дардга даво.

## ХАЁЛ

Үйқу күзга бегона, юрак ҳам бедор,  
Дил комида кечирмас, гина - қаҳри бор,  
Фам ялаган күнгилга топмоққа мадор,  
Бугун бир ногаҳоний тасалли даркор.

На дўстга маъқул ишим, на замонга мос,  
Нетайки борим бўлса, бир ўзимга хос,  
Инсоф билан боқса, бу баҳона халос,  
Адашган таёқларга қисмат харидор.

Томиримни қиздирап, ночорлик баъзан,  
Ҳақ томонда бўлсам ҳам, бўлолмай ҳамдам,  
Нечун инсон иқболи, бўлолмайди жам,  
Турмуш, ҳаёт, оқибат бўлмасми ҳамкор.

Кароматли тушлардай, келади хаёл,  
Бир тупроқда яралиб, қилгани малол,  
Ўрмонмас жамоатда, кечсада ҳаёт,  
Инсонда бор - инсонга нафрат, ситам, дор.

Улус ичра фидолик, яхшига ёрдир,  
Кечиримли кишида, садоқат бордир,  
Ўзгаларни билгувчи - ўздан хабардор.  
Қоқилмаган дунёда, фақат Худодир,

Ҳайқираман, азизлар ! Бўлингиз огоҳ,  
Мұҳаббатга тўлдиринг, кўнгилу - нигоҳ,  
Одам - одамга керак, ер юзи даргоҳ,  
Бу беш кунлик дунёда, ҳар ким ўрни бор.

## ИШОРА

Бир күн Мөхим қоматига қилиб ишора,  
Мен фақирга деган бўлди: - бўлма овора,  
Нози ила аллақачон дил эди пора,  
Истадими мен ғарибдан кечса бирвора,  
Билмасмикан, менда йўғин умри дубора.

Ваъдаларим ёр дилига бермайди таскин,  
Насибамни шу чехрада кўраман тайин.  
Ночорликда ишқ яна ҳам кўринар ширин,  
Ақлимни фақат ишқи уни қиласар идора,  
Не қиласман ёр десаки: - Келгин савора.

Таъна тўки юрагимни бир - бир ўлдирар,  
Руҳу - танни хаста дилим, ҳар дам сўлдирар,  
Вақтни бериб қўйганидан умрим куйдирар,  
Ишқимга гар топганимда бирор бир чора,  
Иқболига бош ураддим, кунда минг бора.

Ундан гина қилолмайман, ҳасратим ошиб,  
Кўнглимдаги «оҳ» туфайли ишқимдан қочиб,  
Ўлдирса жафоси, яна бораман шошиб,  
Дарди ойса ишқнинг кадри ортар тобора,  
Тавба кутиб десалар ҳам: - Ошиқ бечора.

Инсоф билан айтса эди, нима тилаги,  
Умидсизга тушмас сира ошиқ юраги,  
Мен бўлмасам, Мөхимга не ишқнинг кераги,  
Унга буни билдиргани топсан ибора,  
Иккиланмай муҳаббатга топардим чора.

## БАХОР

Баҳор, сени жуда соғиндим,  
Тоғ лоласин ўйлаб, уйғондим.  
Қир бағрида ёйилған гуллар,  
Чаманлари завқида ёндим.  
Айт! Сендами ўлчови иқбол,  
Сени жуда соғиндим, баҳор.

«Баҳорой», деб эркалар күзлар,  
Эңг сүйгани - гүзәл чехралар.  
Соғинчлардан чарчаган диллар,  
Қадлин ростлаб орзуга тұлар.  
Айт! Сендами ўлчови иқбол,  
Сени жуда соғиндим баҳор.

Уйғонганда борлық - табиат,  
Ишқ аҳлига боқади омад.  
Боқишиларда чақнар садоқат,  
Булутлардан ёғилар неъмат.  
Айт! Сендами ўлчови иқбол,  
Сени жуда соғиндим баҳор.

Шодланишни севади Инсон,  
Гүзәлликни сезгани замон.  
Кунлар сенда фараҳбахш ҳар он,  
Бағринг тұла шодлигу - қувонч.  
Айт! Сендами ўлчови иқбол,  
Сени жуда соғиндим баҳор!

## ЭЙ, ҲАЁТ

Бас, етар! Синовинг қўй энди ҳаёт,  
Етолмай чарчадим эрам бофингга.  
Хоҳ эъзоз, хоҳ ғамда сийлагин, ҳайҳот,  
Манзилим охири, қаъри хокингда.

Неларни қидириб югурдим, юрдим,  
Ортимдан соядек қолмади ғамлар.  
Ночор қулоқ тутсам, боримни қурдим,  
Ҳасратим ошириб, кулди аламлар.

Фалсафа ўқийман қисматга ўзим,  
«... ўн беши қоронғу, ўн беши рўшно».  
Мақсадлар йўлига умримни тўқдим,  
Қолдим мен ёлғизу - дардларга ошно.

Энди кўп чўмаман хаёл қаърида,  
Ўйлайман дунёдан нимани ютдим.  
Кўраман ўтмишни, кўниб барига,  
Топишдан доимо кўпроқ йуқотдим.

Ўтинч бор дилимда, сўрамайман тахт,  
Бафингда яшнасин, кулсин адолат.  
Жонимга азоблар берсанг ҳам беҳад,  
Одамлар ичида юрганим - шу баҳт.

## ОНАЖОНИМ ЙҮҚ МЕНИ

Сийламай тақдир мени, оташ аро отган куни,  
Дардимдан ой қизариб, юлдуз аро сузган туни,  
Дилга яқин борган сайин, яна ҳам билдим буни,  
Хаста күнглигимга таскин, меҳрибоним йүқ мени,  
Күкрагида ардоқлаган, онажоним йүқ мени.

Хасталик бағрида ётиб, билдим бу нола абад,  
Дуоларини ёд этиб, руҳидан күтдим мадад,  
Ид - ҳайит қабри етолмай, йиғлагандым беадад.  
Иқболим күтган бор аммо, дил маконим йүқ мени,  
Йүлларимга күзин тиккан, онажоним йүқ мени.

Беролмадим мен онамга, бир нафас шодон куним,  
Гоҳ армандан қалтирап, тупроққа қўйган қўлим,  
Тириклик оҳин эслаб, ўзимдан оғрир дилим.  
Дардимга сирдош бор аммо, меҳрибоним йүқ мени,  
Меҳрида нурлар туганмас, онажоним йүқ мени.

Мехробга қўнса капалак, руҳи деб ёлвораман,  
Кунда қадрин билган сайин, ич - ичимдан ёнаман,  
Ҳаловат топмай уйимда, адашган бегонаман.  
Қалбим мадори бўлган, дўсти жоним йүқ мени,  
Руҳи равоним чашмаси, онажоним йүқ мени.

Қодир Эгам ! Бир лаҳзага намоён қил онамни,  
Розим айтиб дуо олай, кессин тифи аламни,  
Кўнгилда бардош тополсам, малҳамлайин ярамни.  
Таҳсин-у раҳматта лойиқ, меҳрибоним йүқ мени,  
Меҳр бериб, меҳрим қонмаган онажоним йүқ мени.

## ДУСТ БИЛАН СИЙЛА

Майли, Сен ғам билан бағримни тиғла,  
Рұхымни сүлдириб, ҳасратда сийла,  
Ҳар жангу жадаллар ичра күрсанг ҳам,  
Ёлғизлик дардидан қалбимни асра.

Майли, Сен ишқ билан қалбимни боғла,  
Ҳар қадам йўлимда синовинг қўзла.  
Қолсам ҳам йўлимда ҳайратлар бирла,  
Армону орзуда кўнглимни овла.

Майли, Сен адаштириб, алдовга бошла,  
Гуноҳга ботириб, сўнг ўзинг тузла.  
Ҳар неки қилсанг қил, фақат эй Тақдир,  
Биргина вафоли дўст билан сийла.

## ҲАР ДАМ ЭСЛАЙДИ

Дўстим Мубаширхон Патиљлаев хотирасига

Уммондек кўринган-тасаввур холос,  
Оламнинг сирларин ҳеч ким билмайди.  
Яратган ҳукмига йўқ-ку эътиroz,  
Бемаҳал ўлиминг дилга сигмайди.

Дерларки:-Руҳ учса Худога томон,  
Рўшнолик тезлиги камлик қилади.  
Ўзи-ку! Келтирган қилиб имтиҳон,  
Келиб кетиш бизнинг қўлдан келмайди.

Бу ажиб ишни кўр, бир соат олдин,  
Соғ омон юрганинг ҳамма кўрганди.  
Багрингни тўлдириб, қизлару келин,  
Отаси уйига меҳмон келганди.

Бу жонсиз танангга боқиб сўнгги бор,  
Фарзандлар қошингда титраб йиғлайди.  
Тасалли беришга стмайди мадор,  
Бобосин набира қайта кўрмайди.

Қазога кўнишиб даркор аслида,  
Барча ҳам дунёга ўлмоқ чун келди.  
Дилгири эдинг Сен, яхши - ёмонга,  
Дўстларинг ушбу кун қайфуда қолли.

Ота-ю онанинг дуосин олган,  
Идроким сенингдек Инсон кўрмади.  
Қабрингга қўйдилар жигарлар куйган,  
Одамхўр бу тупроқ сира тўймади.

Ҳаёт, дунё, фалак ҳаммаси ҳамкор,  
Сен учун абадий ҳаёт бошланди.  
Иймоним комилдир билганларки бор,  
Дуо бирла сени, ҳар дам эслайди.

## ЁР КЕЛДИ

Холим сўраб, ёр келди,  
Қалбимга баҳор келди.  
Висолни ихтиёр этсам,  
Чеҳра тўла ибо келди.

Яшириб мен нима қилдим,  
Нозингни қуй, сўйла дедим.  
Арзимни ошкор айладим,  
Сўзим очиқ равон келди.

Хайрият, ёр билмай малол,  
Тутди ўзин чун хосу ой.  
Умидимга очди жамол,  
Сўзи ширин, майин кулди.

Қалбимни тарқ этди титроқ,  
Сезди дилим, ёнган чироқ.  
Энди менга ётдир фироқ,  
Ҳаётимга қуёш келди.

Кунда мени кутар дилдор,  
Дилваслига чин интизор.  
Қандай ширин энди бу ҳол,  
Мехру вафо кулиб келди.

## ПАРДА ТАНЛАГАН АЁЛ

Деразамга парда танлаган аёл,  
Қоқ бозор ўртасида менга йўлиқди,  
Каловлаб турсам мен, кўрмайин малол,  
Холис бир ниятда, ҳамроҳлик ўтди.

Ораста матони кафтигма олиб,  
Мададкор йўлдошни йўқотиб кўйдим,  
Сўроқقا тутолмай, кўзимни очиб,  
Наздимдан пинҳона сурганин сездим,

Уйимнинг зийнати муносиб гултож,  
Пардани фаҳмига фақат у етди.  
Сергак бу қалбимга - таскинга муҳтож,  
Ширин бир туйғуни, жо этиб кетди.

Одамлар гавжумин кезаман ҳар кун,  
Сарабал неларни олмоқ бўламан,  
Пардавор матолар ёнида тушкун,  
Қанчалаб, мададкор кўтиб тураман,

Минг - минглаб одамга одам рўбарў,  
Кўзингда бир бутун бир дунёning акси,  
Ахтариб ўтасан, фақат ул гулрў,  
Сездирмай жо этган, юракка нақши.

## ЧАРЧАДИМ

Ташвишлар синдириди фурур, эс-хушим,  
Фовуллаб огрийди бетиним бошим,  
Күзларим хирадир қайғу-аламдан,  
Кутарга қолмади, сабру бардошим.  
Оллоҳга күз тикиб, кутаман нажот,  
Үзинг деб бергувчи, елғиз сирдошим.  
Гүзаллар ҳуснидан битсам гүзал сүз,  
Энг аввал сўрардим баҳтим, қуёшим.  
Ярим йўлу, ярим баҳт остонасида,  
Юрарга мадор йўқ, йўқ ҳеч йўлдошим.  
Кексалик бўйнимга илмай келсам-да,  
Ҳаётдан яна бир кетди тенгдошим.  
Оёққа туришга шайлласам ақлим,  
Қалбимни тинч қўймас хоҳиш-кундошим.

## ЧУМОЛИ

Карвонга қирон келди, узилди қатор бошлар,  
Мажақланди таналар, учди фалакка руҳлар.  
Йўл соз эди-ю аммо, қолиб оёқ остида,  
Сочилди майдонга, сон-саноқсиз мурдалар,

Тақдири шу эканми, ё юрганмиди саёқ,  
Митти бўлгани сабаб, устида ўйнар таёқ.  
Бизни силаган Худо, Одам қисматин берди,  
Фалакка нисбат биз ҳам, чумолидан кичикроқ.

## НОМУС ОРИНГНИ

Дадил бўлиш, энг туғри ғояни ҳимоя қилиш  
кишининг инсонийлик бурчидир. Барча ман-  
саб, обрўю имтиёзлардан инсонлик шаънигни  
баланд кўйгинг келади.

Омадинг тарқ этиб, бойлигинг кетса,  
Хушторинг нигоҳин сендан ўгирса,  
Мардум таънасидан ҳолинг қолмаса,  
Кимсага ишониб тўкма зорингни,  
Фақат пок сақлагин, номус орингни.

Кўз ёши бўлмаса, ҳаёт тотимас,  
Умримиз қадрини қайфусиз билмас,  
Ҳар қандай кулфат ҳам давосиз бўлмас,  
Кулфатдан тоқатсиз тўкма зорингни,  
Фақат пок сақлагин, номус орингни.

Йўқотган номусни қайтариб бўлмас,  
Номусни сотганда бойлик тотимас,  
Чин номус эгрига тоқат қилолмас,  
Номусни юқотиб тўкма зорингни,  
Фақат пок сақлагин, номус орингни.

Виждонинг мажруҳлик кўрмасин десанг,  
Ожизлик касридан қутулмоқ бўлсанг,  
Ўзингда матонат кўрмоқ истасанг,  
Идроку ақлингга айтгил зорингни,  
Фақат пок сақлагин, номус орингни.

## ГҮЗАЛСАН

Сўз пирларидан тоҳ,  
Сўрайман мадад,  
Таърифинг этсамки, кўнгиллар ёнсин,  
Яширин ҳуснингни очолсан агар,  
Энг яқин кишинг ҳам ҳайрагда қолсин.  
Чунки сен гўзалсан, чиндан-да гўзал,  
Шубҳага борганлар, кўзимда кўрсин,  
Нозингни билмоқ чун, шошилсалар гар,  
Хол сўраб бир нафас, қалбимга кирсин.  
Гўзаллик китоби битилган маҳал,  
Яширин ҳуснингни очардим, албат,  
Чехрангнинг бичимин чизгунга қадар,  
Термулиб - термулиб олардим лаззат.

## ДОҒ

Дилдаги доғ эмасми,  
Изтиробдан оқизган кўз ёш,  
Хижолатдан ер чиздинг,  
Нигоҳларга беролмай бардош,

Мунофиқни дўст тутдинг,  
Билдинг, ўзинга яқин сирдош,  
На ундан вафо топдинг,  
На бўлолдинг покиза йўлдош.

## КЕТДИНГ

Жонимга сен жон бўлиб,  
Жонимни олдинг-кетдинг.  
Ишқим тупроққа кўмиб,  
Буткул ташладинг-кетдинг.  
Сен кетдинг,  
Менда ярим жон қолди,  
Ишқдан етим жон,  
Фамга асрарда жон.  
Орзулар қалити,  
Севгининг ўгити.  
Сен билан эди,  
Сенда у кетди.  
Фамлар ҳадиси, муҳаббат тобути,  
Кўлимда қолди,  
Дилга дард солди, ишқ мени сотди.  
Кун ўтди, ой ўтди, йил ўтди,  
Ногаҳон бир ҳадис  
Ақлим уйғотди.  
Билдим,  
Бахт-бахтсизлик ҳамиша ҳамроҳ,  
Муҳаббат ва нафрат ҳар инсонга хос.  
Умринга эгалик қилсанг-да бандा,  
Сенда кўпларнинг насибаси бор.  
Кимдир мендан ширин сўз кутар,  
Кимлардир кутади дуо.  
Ва қанча битилмаган кор.  
Бу учун, албатта, яшамоқ даркор.  
Бевафо дунёга қуюнмоқ бекор.

## ИШОНЧ

Хира күринди Ой булут ортида,  
Қоронғу зулматда зиёдан нишон,  
Юлдузлар беркинді туннинг қаърига,  
Кўз илмас Ойданда нурафшон жаҳон.

Дунёга ғам билан нигоҳ ташламанг,  
Мусибат журъатга баҳона берар,  
Бахтсизлик кунида дардга берилманг,  
Толеъга тақдирда дарча кўринар.

Умидсиз бўлишдан энг ёмони йўқ,  
Тасаввур қилгандай бахтсизлик бўлмас,  
Ташвиш умрингизга отилган бир ўқ,  
Ишончда қудрат кўп, умид ҳеч сўнмас.

Ишончла барқарор меҳр калити,  
Ишончда улғаяр севги, садоқат.  
Ҳар кимки, билса гар ишонч қудрати,  
Кутилган манзилга етади албат.

## ИРОДА

Рұхим аста бошлади йүлга,  
Дунё юзин таний бошладим,  
Борлиқдаги мұхитдан аввал,  
Аста ақлим йиға бошладим,  
Хаёт чироги - ақл оҳиста,  
Иродага йүл очди секин,  
Умрингни бошқармогинг учун,  
Ироданг ҳам бўлсин дер метин,  
Хаётнинг ўнқир - чўнқирларида,  
Не кунларни кўрмади бошим,  
Лек, мұҳаббат синовларига,  
Топилмади сабру - бардошим,  
Мен севгига нодонларчамас,  
Дарвешона бўлдим мубтало,  
Севилгандай бўлдиму, аммо  
Мен дардимга топмадим даво,  
Алданишни изтироб йўли,  
Мен бандани четлаб ўтмади,  
Челаклаб қўйган насиҳатдан,  
Кулғимга томчи кирмади,  
Бахтсизларга насиҳат қилиш,  
Дердим, бахтлиларга осон,  
Ихтиёрни севгига бериб,  
Ўзи эга бўлмаслик ёмон,  
Озурдаман орзуларимдан,  
Битмас дардга этди мубтало,  
Бевафо ғам-аламларидан,  
Бўлгим келар узлатга раво,  
Ёлвораман ақлимга бугун,

Иродага йўл берсин, ҳайҳот  
Қайсарликдек ахмоқ қафасдан,  
Чиқмоқ учун топсин у сабот,  
Ҳар инсоннинг фарқли белгиси,  
Иродадир азалдан - азал,  
Тақдир синовга чорлаган чоғи,  
Иродага таянмоқ афзал.

## НУР - ҲАЁТ

Тун ниқобин парчалаб кўринди-ю ой,  
Зие сочиб оламга очди у чирой.  
Булатлардан қутулган ойдин бу кеча,  
Эртанги кун чирогин кутлашга тайёр.

Олислардан кўринди юлдузлар бир-бир,  
Уммон ичра Зуҳал ҳам бўлди намоён.  
Ҳар ким ҳам юлдузидан излайди таъбир,  
Гарчи дунё чексизу, йўқ унда поён.

Эрта тонгда нурини сочганда Офтоб,  
Табиат жунбишидан англадим хитоб.  
Бутун борлиқ ўзгача жилога кирап,  
Қуёш борки, оламда барқарор ҳаёт.

Танасига ҳаётни юклаган Замин,  
Буюк қуёш ортидан кезади олам.  
Лек, инсоннинг қалбини англамоқ қийин,  
Ёнма-ён юрганлар ҳам сирли бир олам.

## НОЛА

Қисмати бечоралик, күрдими менга раво,  
Кулфати ночорликдан, озордаман қон ютиб.

Қайга борсам бир ҳадик, етмас менга тинч ҳаво,  
Дилтангману мотамсаро, сабру бардошим кетиб.

Үқитувчи давронни бу кун, элтдию тонги сабо,  
Куйдириб кул қилди қанча, дардларим дилга ўтиб.

Сиртидан озод жағоним, битдию хушхол наво,  
Ички дунё ҳеч қўймагай, орзуларга қул этиб.

Бағримни очмоқчи бўлсам, бир четга қўйиб ибо,  
Арзим айтиб қайга борай, мен тақдирга қасд этиб.

Келганимдан қувонгандим, истаб оламдан сафо,  
Кетмоқ олди ўйладим кўп, ўтди умрим не кутиб.

Икки олам ўртасида, юргандан топмай вафо,  
Тўғри борсам бўлмасмиди, ёлғон оламдан кечиб.

Кўз ёшидан фойда йўқку, бермаса асли Худо,  
Тавба айлаб қўл силтайин, ғам ниқобин тарқ этиб.

Дерлар:-Худодод сажда қил, дардларинг билгай Даҳо,  
Бандасига бергай бир кун, тақдирга тўъфа битиб.

## С О В Ч И

Ёр билан дилкаш, сұхбат чеңида.  
Харир дил пардаси аста күттардим,  
Қалбларда тошиған ишқ қучоғида,  
Сочини силашга жүръят ҳам топдим.

Хислардан чүчиган құрқоқ бармоқлар,  
Күзларга етолмай, ортига қайтди,  
Нигоҳдан олганим ширин лаззатлар,  
Орзуга қоришиб, юракка ботди.

Ташналаб қалбимга босдию қадам,  
Хаёю - ибони ортига ўтди,  
Тинглашни истаган құшиғим шу дам,  
Рұхимга ҳамоҳанғ навосин топди.

Бунчалар ширин бу, севги ҳислари,  
Мажнунни девона қылганича бор,  
Тун демай сайраган, булбул сирлари,  
Ошиқлар қалбини қиласкан ошкор.

Вужудни күйдирмай эҳтирос кучи,  
Күнглимга меҳмонни сийлаш буюрдим,  
Ҳадяси жо этиб, қалбимга ишқни,  
Ёримнинг уйига совчи юбордим.

## СОХИЛДАГИ ИШҚ

Күрдим гүзал - ой жамол,  
Сузганидай күкда Ой,  
Келар соҳилда танҳо,  
Гүё сирдош шошқин сой,  
Мехру - латофатга бой,

Ишқнинг ширин аъмоли,  
Банд этдими хаёли,  
Юришлари иболи,  
Маст этди мени бу ҳол,  
Сайр айласам, Косонсой.

Унга томон борайми,  
Ё келишин кутайми,  
Қалбим йўлга солайми,  
Топмаску жавоб дарҳол,  
Севги қийноқларга бой.

Боқдим ёрга термулиб,  
Дилимдан сўзлар териб,  
Руҳимга руҳин қўшиб,  
Кўнглим очай деб дарҳол,  
Дардкаш тутдим оқар сой.

Англади аҳдимни ёр,  
Мен томон ташлаб қиё,  
Деган бўлди: - «Ту биё»  
Шовиллаб оқарди сой,  
Дардкашим шўх Косонсой.

## СҮРАМАНГ

Мен, Ҳаёт фарзанд ман,  
Тангрининг дилбандиман,  
Чизган нақши Ўзиман,  
Гоҳ кам,гоҳ зиёдиман.  
Ҳаловат топмай жонда,  
Адашган бир бандаман,  
Мен ҳақимда сўраманг,  
Девона деб ўйламанг.

Руҳ, ҳақиқат йўлидан,  
Қайтмадим мен ҳеч бир дам,  
Бедаво ҳасталикдан,  
Тор кўринар кенг олам.  
Кўнгилга хуш келмаган,  
Ишларда фариблик ҳам,  
Мендан ҳолим сўраманг,  
Девона деб ўйламанг.

Манзил энди хилватдир,  
Завқли меҳнатроҳатдир,  
Адашмаган Худодир,  
Юрак борки дард бордир.  
Сабр тоши матонат,  
Қувонч дилга даводир,  
Мендан ҳолим сўраманг,  
Девона деб ўйламанг.

## ҚАДРИЯТ

Яхшилик дилингизда топганда камол,  
Садоқат қалбингизда очганда жамол.  
Камтарликтан сиз учун бўлса эътибор,  
Одамларнинг ичинда, топасиз паноҳ,  
Истагингиз ижобат кўради Оллоҳ.

Табассумли кишини олқишиланг ҳар чоғ,  
Самимий қулгиларга юраклар муштоқ,  
Очиқ чехра кишида, йўқ ортиқ сўроқ.  
Инсонни севганларга, керакмас гувоҳ,  
Бандасини суйганни, севади Оллоҳ.

Суҳбатдош сўзини ортга қайтарманг,  
Кишининг хатосини кескин гапирманг,  
Ноҳақ туриб хақликни, даъвосин қилманг.  
Ҳақ йўлида ирода қурдати ҳамроҳ,  
Ўзини билганларни қўллайди Оллоҳ.

Хар яхшию ёмоннинг савдоси кўпдир,  
Уларни ажратгувчи ҳикмату кўздир,  
Ҳар саломга яраша алик ҳам бордир.  
Яхшилар амалига тутингиз нигоҳ,  
Инсондаги софликни сўрайди Оллоҳ.

Таъмагирлар зулмидан ғазаб уйғонса,  
Бу дунёнинг доғлари кўнгилга қўнса,  
Безовталик дардидан-изтироб кулса.  
Луқма учун нокасни қилманг эътироф,  
Қадрини билганларни қўллайди Оллоҳ.

Инсонлик моҳиятин авайлаб асранг,  
Руҳият иқлимини мусаффо сақланг,  
Киши салоҳияти буюкдир, ўйланг!  
Ҳаётда қалқишлиар бор, бўлингиз огоҳ,  
Ўзига суянганни сийлайди Оллоҳ.

---

## ОДАТ

Бизнинг одатга кўра,  
Тобут ушланмас узоқ.  
Қўлма-қўл ўтиб борса,  
Бағрига олар тупроқ.  
Узоқ ўтмиш замондан,  
Шундай одат яралган.  
Марҳумни тез кузатмоқ,  
Элда иззат саналган.  
Инсон асло ҳеч ишга,  
Жанозадек шошилмас.  
Қабристонга етганча,  
Бошқа жойга ютурмас.  
Тобутга кифтин тутар,  
Ҳатто ёту душман ҳам.  
Ана шунда билинар,  
Ки, ҳам зоти одам.  
Марҳум ким бўлганда ҳам,  
Кўрсатамиз биз ҳурмат.  
Исми шарифи Одам,  
Элда бор шундай одат.

## ГУФТОР

Изн беринг ўйлай озгина,  
Идрок билан қилайин гуфтор.  
Тушда кўрган чаманлар,  
Дил чашмасин этдилар бедор.  
У қайнаб тошмоққа тайёр,  
Хаёт денгизига шошилиб,  
Руҳимга тушдию кўзим,  
Бемор қалбим излайди дийдор.  
Юрагим қолганди афгор,  
Шодлик боғин тарқ этган маҳал,  
Эрта-кеч ҳасратдан безор,  
Ақлим буни қилолмади ҳал.  
Қарофум ўғирлар тунлар,  
Осмондаги олмосранг Зуҳал,  
Кун ўтар кечаги кундай,  
Яна қанча бегуноҳ айбдор.  
Ҳаловат топмаган кундан,  
Ғуссаларнинг чеки йўқ бирон,  
Дилдаги ҳар бир ғалаён,  
Умримизга келтирап қирон,  
Билмай энг ёмони қачон;  
Хотираларга таслимдир жон,  
Ҳар қанча ўйламанг обдон,  
Ожиз томон бўлади айбдор,  
Фаросат аҳлидан сўзла,  
Эй кўнгил, нокас ҳарфини қўй,  
Кўз, тилу, қулоғинг боғла,  
Фитна тўла бу оламни қўй,  
Юракни ҳовучлаб ҳар чоқ,

Муруватга қул бўлмоқни куй,  
Гаддор нафс пардасин ташла,  
Умр лаҳзасин ўтказма бекор,  
Хуррамлик асоси дилда,  
Иноқликни қилсак одат,  
Юлдузлар шодасин кўр-да,  
Изла бунга муносиб оят,  
Меҳмонга келдик бир дамга,  
Баҳсларга бормикан ҳожат,  
Кеча, ё эртани ўйлаб,  
Бугун фамга бўлма гирифтор.

---

## БЕМОР

Виждану ҳақиқат йўли биттадир,  
На амал, на мақом изоҳи зарур,  
Кўнгилнинг зийнати инсоф ва иймон,  
Эътиқот калити доно сарбондир.

Ибодат юракдан чиқкувчи наво,  
Камтарлик Оллоҳга яқин боришидир.  
Инсофдан кечган ҳеч топмайди даво,  
Илоҳий жонга бу берган озордир.

Маънавий хасталик давомли бир ҳол,  
Маърифат бу дардга нодир даводир.  
Ташхисин билгувчи ҳар бир шифокор,  
Ўз қадрин топмаган сарсон-бемордир.

## КҮРМАДИНГИЗ БАҲОРИМ

Боққа бир жуфт гилос экдим,  
Сиз ёқтирган қора гилосдан.  
Дарров гулга кирдилар дедим:  
Онажон, күрсангиз-ку бу дам.  
Кўчат кўкарғанидан хурсанд,  
Ўйладим илк қўйганим қадам.  
Қувонч дилингиз сифмай, балки,  
Ийлагандирсиз ҳам ўшал дам.  
Кечагина эккан кўчатларда,  
Ҳосил фунчалари кўринди.  
Жон қўшиб ўстирган бу танда,  
Фамлаб дилим, қисмат айирди.  
Ўлим ҳар бошда бор дейдилар,  
Абадий эмас, биз билган жон.  
Фақат, аламим кунда билинар,  
Баҳорим кўрмадингиз онажон.  
Сиз тупроқ остида қолдингиз,  
Мен тупроқ устида дил гирён  
Мени авайлаб ўстирдингиз,  
Ўтмади бир кунингиз хандон.  
Меҳр ибтидоси эдингиз,  
Меҳрга зор кетдингиз, Онажон  
Соддагина муштипар онам,  
Жон мағзини ўстирган онам.  
Момо Ҳаво тимсоли онам,  
Ўксик бағрим тўлдирган онам.

Йўқдан мени бор қилған онам,  
Мехр бериб ололмаган онам.  
Нодон ақлим тузатмоқ учун,  
Умрин қурбон айлаган онам.  
Омонат бу кунлар деб, ҳар кун,  
Насиҳатин уқтирган онам.  
Тобут узра кафанда ётиб,  
Сүнги дарсин беролган онам.  
Сиз кетдингиз дил ғамда қолди,  
Ақлу идрок ўйлашдан толди.

Оҳ, бунчалар шафқатсиз дунё,  
Ҳаёт билан ўйнашиб гүё,  
Ўлим билан дилни тиғласа.  
Яхшиларни эрта овласа.  
Энди сиз йўқсиз, оромим йўқ,  
Давлатим, умрим сарвари йўқ.  
Кунда дилзада кирсам уйимга,  
Етим дилни дилгири ҳам йўқ.  
Шунда мен ҳолимдан куяман,  
Кунимдан, бахтимдан тонаман.  
Афсус, надоматим ичимда,  
Сизсиз бу олам, ғамда кўраман.  
Айрилиқ чорасин ўйлаб гоҳ,  
Қабр устида йиғлаб ёнаман.  
Дилга таскин излаганим чоғ,  
Фарзандларимга кўз тикаман.

## ХОЛАТ

Алам билан бокдим юзингта,  
Сен маликам ўзга ёр эдинг.  
Мен йўқласам, келиб қошимга,  
Бугун менга не гап бор, дединг.

Ночоргинанг хаста дилида,  
Не гап борки, билмайсан наҳот.  
Бегоналик туғилса бизда,  
Унда менга не керак ҳаёт.

Сени кўп ҳам қийнаганим рост,  
Тунлар мени бедор кутардинг.  
Девонангни этганингда ёд,  
Рашк ўтида ёниб ётардинг.

Бугун эса фафлатда ўзим,  
Ёдинг ила бедор турман.  
Сенга берган озорим учун,  
Армонлардан озор кўраман.

Бунда кўп ҳам кўрмайман алам,  
Бевафолик интиҳоси бу.  
Гарчи менга кўринмас олам,  
Омон бўлсанг, бор оламим шу.

## ҲАЁТ КҮРКИ

Эҳтирос чўққиси онгли муҳаббат,  
Йўқ, сеҳрли-унингдек туйғу дунёда.  
Бахтингга хазина - берар саодат,  
Иқболинг кўринса ёрнинг уйида.

Кўр-кўронга севги шунчаки ҳавас,  
Бемаҳал ҳижрондан олов ёнмасин.  
Савдоий севишда ҳаловат бўлмас,  
Муҳаббат идрокдан айри юрмасин.

Гуноҳга айланар bemahal севги,  
Тушунмоқ зарурдир унинг тонгидаги.  
Муҳаббат соғлиги ҳаётнинг кўрки,  
Эҳтиром топсин у, турмуш боғида.





Гўзал табиат кўнгилга таскин беради, хавотирларни аритади, ҳузур-ҳаловат бахши этади. Кўнгли ғаш, хира бўлган кишилар шовиллаб оқаётган сой бўйида фикру хаёлинни ёйсин эди, аҳволи кескин ўзгариб, тушкун ва лоқайд ҳолатни енгиб кутилиб кетишга ўзида журъат ва ишонч топадилар. Гўзал табиат меҳр-оқибат, вафо ва садоқат ҳисларини уйғотади кишида. Турмушга файз, шукуҳ, мазмун бағишлийди. Табиат шайдолари карам фикрли, ўзгаларни тушунадиган кишилардир.

## ЖАНЖАЛ

Мен ёмонми, ёки Сен ёмон ?  
Гоҳ сокинмизу - гоҳи бўрон,  
Қайсар онгда руҳий жараён,  
Бермас бизга ҳеч бир ором,  
Кунлар шундай этса гар давом,  
Умримизга келгани қирон,  
Савдони пишира олмаган,  
Фақат бизми, ҳаммадан нодон.

Ерга авайлаб қуямиз пой,  
Қоқилишни йиқилмоғи бор,  
Дилларга кўп берамиз озор,  
Вужудимиз нақ арқонсиз тор,  
На сен толдинг бундан эътибор,  
На мен бўлдим меҳрингдан бедор,  
Бўлмасмикан ўйласак бир он,  
Истаклару, манзилу - макон.

Мұхаббатнинг чехраси сўлғин,  
Жанжалга ем, доимо дилхун,  
Юракларни хуркитар ҳар кун,  
Аразлару - нотинч ўтган тун,  
Севишингга менда йўқ гумон,  
Гап сотишдан тўйдим беомон,  
Ўйлайсанми бўлганда шодон,  
Ким биздан яқин, биздан қалрдон.

Билдим энди изтироб бекор,  
Ҳар инсоннинг ўз олами бор,

Фаниматдир ҳар кунги дийдор,  
Дилозордан худо ҳам безор,  
Гуфторингни эътироф этгум,  
Хоҳишларинг баҳосин битгум,  
Меҳрим билан сугориб қалбинг,  
Ич - ичингда ўзни яратгум,  
Шунда сокин оламан нафас,  
Сен соғинчим қондиролсанг бас.

---

## НАСИБАМ КҮРДИМ

Қараб турсам қизгина,  
Кўзларини сузди-ё.  
Ҳолим кўриб бир зумда,  
Мажнунлигим сезди-ё.

Кўзлар тўқнашган чоғда,  
Чин насибам кўрдим-о.  
Нигоҳининг сехрида,  
Ўзлигимдан кечдим-о.

Жонимга жон кўрдиму,  
Тандаги жон талпинди.  
Ишқ дилимга қўндию,  
Ҳаловатим йўқолди.

Йўқдир ишқда раҳнамо,  
Сарбон фақат қиз нози.  
Ҳаққимга қилсам даъво,  
Бўлармикан ёр рози.

## АЖРАЛИШ

Күй, азизим!  
Зўрлама дилни бехуда,  
Бўлди бас, кетаман куйиш не кунда.  
Кўнгил қолди, алдовдан - аразларингдан,  
Эрталик ёлғонлардан, кечай ҳозирда.

Гул чеҳранг бичимиға қилдимми ҳавас,  
Кўзларимга эрк бердим, ҳар куну - тунда.  
Юрагимга теккани, асли бу эмас,  
Биргамизу нигоҳлар, ётли дунёда.

Бегонадай, тергашга ҳаққим йўқ энди,  
Тақдир пайконига учдим мен қайда.  
Наҳотки танти фалак, хукмидан қонди,  
Биз ажрашсак бир - бирдан, мўъжаз бир уйда.

---

## НУҚТАИ НАЗАР

Инсонлик ўзида синаган одам,  
Бошқани қалбини билмоққа қодир.  
Яхшилик келтирап ҳатто ғам-алам,  
Уҳашашлик бўлса гар, қараашда зоҳир.

Макону авлоднинг эътибори кам,  
Одамнинг шахсидан беришда хабар.  
Баҳолаш омили бўлади ҳар дам,  
Ундаги идроку нуқтаи назар.

## ДИЛНИ АЙИРМА

Ишқда сабот топмадим,  
Бунда гуноҳ кўрмадим,  
Азобидан мен тўйдим,  
Сен ҳолимни сўрама,  
Асло мендан нолима.

Айтар сўзим бор эди,  
Қалбим сенга зор эди,  
Ташна дилим кур эди,  
Муҳаббатим аяма,  
Вафосиз деб койима.

Сенга ахир бирон бор,  
Берганмидим ҳеч озор,  
Севсамда ҳазор-ҳазор,  
Бунга орингни тикма,  
Дилга ишора қилма.

Оқ оралаб сочимга,  
Баҳо берар ёшимга,  
Ишқ сифмас бардошимга,  
Ачинмагин зорима,  
Қийнаб тегма жонима.

Сағир қўйма дилимни,  
Меҳрингда кўр йўлимни,  
Ортга отма сўзимни,  
Кўнгилни ҳеч айирма,  
Ишқ томонга қайирма.

## БИЛДИМ

Үлтириб дилбар қошида,  
Бахтимни бедор ўйладим.  
Мушкилли қисмат дилимда,  
Қолмаслигини кўзладим.

Ишқа ташна қалбим қулфин,  
Очгим келди, сочгим келди.  
Ишқимнинг гулдастасин,  
Ёр дилига таққим келди.

Келгин, эй ишқим қувончи,  
Ўзга сифмай мастинг бўлай.  
Жиловлаб жонон ишончи,  
Кўшни дилнинг ҳукмин кутай.

Оҳ, - дедим, унсиз юракдан,  
Ноёб ҳусн адоги бўлдим.  
Тутдиму маҳкам қўлидан,  
Насибам топганим билдим.

## **САХРОДЕК БИР ГАП**

Бўлмаса ёнингда дўстинг, сирдошинг,  
Сен учун жон фидо-яқин йўлдошинг.  
Мехрибон ёрингу фарзанд-қувончинг,  
Бу ҳаёт сен учун - сахродек бир гап.

Ёнмаса дилингда тупроққа меҳринг,  
Садоқат кўрмаса дарахту боғинг.  
Тоғдаги тошлар ҳам билмаса боринг,  
Бу ҳаёт сен учун - сахродек бир гап.

Қайгули кунингда ишонган ёринг,  
Аламни сезмаса, номусу оринг.  
Орзуда оқмаса томирда қонинг,  
Ўз юртинг сен учун - сахродек бир гап.

Фазандлар уйкудан турмаса кулиб,  
Ҳаловат қолмаса - рўзғоринг ғариб.  
Ҳамхонанг юрса гар кўз ёшин тўкиб,  
Ўз уйинг сен учун - сахродек бир гап.

## ЎЗИНГ БҮЛИБ ҚОЛ

Ўзингни кимлигинг анлагин, ўғлон,  
Мардлигу шижиат номингга посон.  
Адолат ҳаётнинг шукуҳи, билгин,  
Курашсиз меҳнатинг бўлади хазон.

Томоша эмас бу, кўрганинг ҳаёт,  
Яшашнинг ҳар они кураш демакдир.  
Яшамоқ, ҳис этмоқ ва топмоқ сабот,  
Ва унда тезкорлик баҳтга кўмақдир.

Она янглиғ оқ ювиб, улғайган Ватан,  
Сендан-да кутади, фидолик бурчин.  
Жасорат топмасанг, умрингда ҳар дам,  
Келганинг, ул қора тупроққа текин.

Пул азиз, ҳаётинг азиз ундан ҳам,  
Номардга ўзингни кўрсатма майин.  
Бошқалар баҳтини кўзлаган одам,  
Ўзини баҳтини топмоғи тайин.

Ночорлик наздида тиз чўкма зинҳор,  
Қараашлар жангидир бу турмуш баттол.  
Ҳаётда битилган сенинг номинг бор,  
Кураашлар ичинда, Ўзинг бўлиб қол.

## САОДАТ ЙҮЛИ

Оналар қалбини ҳар дам этган шод,  
Оталар меҳридан тополган мурод,  
Кексалик чоғларин этолган обод.  
Фарзандлик бурчини англаган бу кун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ёрини ёр билиб қадрига етган,  
Мұхаббат қүйнида оромин топған,  
Садоқатдан зафар түнини кийған.  
Инсонлик йүлиға етгани бу кун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ҳар синиқ дилларға муруват қылған,  
Үтгандар ёд этиб, зиёрат этган,  
Тангрини омадға кафолат билған.  
Иймону одобда нурағшон бу кун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

Ёшини иззатга сазовор билған,  
Күнгилни шишадек нозиктаб билған,  
Улуғлар пандидан наф олиб түйған.  
Кексалар дуосин олгани бу кун,  
Саодат күшкига чиқарлар бир кун.

## ҚАДРИНИ БИЛГИН

Фироқ дарров айтдими сўзин,  
Кўзларингда майингина ёш.  
Ҳадикдами юрагинг сенинг,  
Танлаб букун умрингга йўлдош.

Шундай бўлар ўзи муҳаббат,  
Қисмат севги билан-да ширина.  
Қалбингдаги ишқ - олов албат,  
Ҳали қанча ёниши тайин.

Муҳаббатдир туйғулар шоҳи,  
Айри юрмас мудом ҳижрондан.  
Гоҳ ийғлатар, кулдирап гоҳи,  
Ишқ ғамининг дилкашлигидан.

Ёш доғини артгил сингилжон,  
Ишқ юртида шод - қувноқ юргил.  
Гул умридек бўлмасин хазон,  
Илк севгининг қадрини билгил.

## МУСИБАТ

Эркакнинг қалбини синдириди абад,  
Фуур, шаън комини ялайди нафрат.  
Дунёнинг энг мудҳиш қора тунида,  
Мұхаббат томирин кесди хиёнат.

Дарғазаб күзларни қоплаган булат,  
Ағсусдан юракни ўртайди сукут.  
Хаёлда ер ютиб, вулқон отилса,  
Жон билан бу алам бўларди унут.

Хиёнат чоғида чақнаган күзлар,  
Ерга тикилганча, орсиз ялтирас.  
Титрайди, кўргандай гўё надомат,  
Вужуди қалтирас, учади лаблар.

Эркакда уйғонган нафратнинг ўти,  
Букилмас сабрининг қирғогин бузди.  
Хиёнат маҳв этган аёл ҳолига,  
Ачиниш ўрнида жирканиш сезди.

Мұхаббатнинг бутун сеҳрини юлиб,  
Юракдан отса ҳам аламдан тўймас.  
Ифлос истак доги билан бўзариб,  
Турган бу башара ҳаёни билмас.

Аёлни муқаддас билган ишончлар,  
Ёрига суйкалиб олган қувончлар.  
Омонат ҳазондек тўкилди дилдан,  
Қалбига битилди нафрат аламлар.

Мұхаббат ҳарчандки дилга яқинроқ,  
Нафратнинг наздиди ёқолмас чироқ.  
Бадбаҳт уй дўзахдай туюлди кўзга,  
Эр билди тўғри йўл, уйни тарқ этмоқ.



Хотин тавба қилиб, қасам ичарди,  
 Ўзини оқлашга ёлғон бичарди.  
 Нафратдан дилида чексиз ғалаён,  
 Эр эса газабдан куйиб-ёнарди.

Номусин тўкканди, қасамхўр хотин,  
 Энди у дунёни кўрмасди бутун.  
 Муҳаббат учун у, олса интиқом,  
 Шу пайт тайёр эди, тўкмоққа ҳам қон.

Намозу рўзани фарз билған хотин,  
 Гўё нозли шайтон кўринди шу вақт.  
 Бузуқ қалб эгаси очдию юзин,  
 Ёлғонга курбон, этилдиқу бахт.

- Лаънат, -дер,- ҳаёсиз бўндан аёлга,  
 Илондек тўлғанганд, бадхулқ маккорга.  
 Севгимга бу бўлди берилган жазо,  
 Уятдир эр бўлиш беор хотинга.

Йўқотмай ўзидан ақлу эҳтиёт,  
 Бўлса ҳамки хотин, энди унга ёт.  
 Чиқазмай фалокат оғир қайғуда,  
 Кетди у уйидан, «қайдан бу сабот».

Жазосиз қолдириди, чиқмасин деб гап,  
 Урчиса миш-мишлар, ўғлига уят.  
 Ёлғизи - ўғлини ғурури сабаб,  
 Ўртада сир бўлиб, қолди хиёнат.

Одамлар ичига киролмай ҳаргиз,  
Ёлғизлик ҳәётин танлади абад.  
Қондошлар дил хуфтон сүрсалар негиз,  
-Асабим чарчаган, - дер эди фақат.

Узлатга кеттандай ғамга күмилиб,  
Тоғ-дара қўйнига қўйди у қадам.  
Кўл билан тошларни битталаб териб,  
Ер билан дардини кўрди у баҳам

-Ақлидан озди у,- деганлар бўлиб,  
Шаънига қанчалар гап-сўз ташлади.  
Сўнг боғин камоли кимлардир кўриб,  
Кўшнилар туғилиб, ерни қашлади.



Ой ўтди, йил ўтди эрдан йўқ дарак,  
Наҳотки айирди уларни фалак.  
«Ақлидан озгани» рост бўлса агар,  
Ҳадикда яшамоқ, энди не керак.

Касали тўғри деб, гапларни қилди,  
Эрининг шаънига бўхтоналар ёғди.  
Тақдирдан кўрқмаган номақбул аёл,  
Хатосин унутиб қисматдан кулди.

-Биргина ишимни санади «беор»,  
Истасам ҳуснимга юзлаб харидор.  
Қариндош ришталар не берди менга,  
Боримдан ҳаттоки акам ҳам безор.

Танлади ҳаётнинг энг енгил йўли,  
Боласин ташлаб, у юрар тун бўйи.  
Мурғак қалб ўрганди, қўрқувни билмай,  
Совғалар тутарди, онанинг қўли.

Эсламас боласин, айшу ишратда,  
Қўнгилни овламок, касби ҳар вақтда.  
Ўзига яраша дўстлар бор эди,  
Нафсини ўйлаган харидор эди.

Синамоқ бўлдими ҳис-туйғу кучи,  
Қанчалар дилларни олди у ҳуши.  
Барига бағишлаб, тотли садоқат  
Тамошо қиласди, сўнг кўнгил иши.

Болада тафаккур тиклана борди,  
Баъзи бир танишни эслаб ҳам қолди.  
Сўрашса онаси рўйи хуш бермас,  
Кўчада ҳеч бири уни танимас.

Бир туни онаси изидан бориб,  
Нотаниш бир уйга меҳмонга кирди.  
Мезбон ҳам болани иззатин қилиб,  
Эркалатиб уни кўнглини олди.

«Амак» кўрди-бала кетмоқ истамас,  
Ё гапдан толиқиб, бир ён ухламас.  
Алдади, тор уйга қамаб тинчитди,  
Она ёдига бу, саҳарда тушди.

\* \* \*

Шўх бола аразлаб ота қидирди,  
Изидан бориб у қирга ҳам етди.  
Кучоқлаб бағрига ширин боласи,  
Отаси билдирмай кўз ёши тўқди.

- Меҳнатим, ҳайрият зое кетмади,  
Болам бор, боғимга эга чиқади.  
Оз қолди улғайиб вояга етса,  
Камолин кўриб ҳам, бағрим тулади.

Рости ҳам боғ қилди, жуда ҳам кўркам,  
Тоғнинг ҳавосида дилкашу хуррам.  
Зиёрат қилувчи дўстлар кўпайди,  
Унда тун ўтказмоқ, ҳар дардга малҳам.

\* \* \*

Бола ҳам улғайди кундан кун сайин,  
Ақли ҳам жойида камоли тайин.  
Ўртоқлар ортидан янги дўст топди,  
У билан ўтказган, ҳар дами ширин

Кунларнинг бирида боғга бордилар,  
Гилосга хўп тўйиб, йўлга қайтдилар.  
Хайрлашув чоғида гапдан гап чиқиб,  
Нохосдан икки дўст сифмай қолдилар.

Чунки дўст айтдики, онаси бир кун,  
Айтганда танибди унинг онаси.  
«Эрини саргардон этган у аёл,  
Энди ким бўларди, унинг боласи?»

Бу гапдан боланинг жаҳли уйғонди,  
Билиб бу ҳақорат аламдан ёнди.  
Оналар баҳона зардаси тошиб,  
Икки қалб күзлари нафратга тұлди.

Оқибат мезонни четга сурдилар,  
Аямай бир-биргә муштлар солдилар.  
Ички иш нозири тутиб уларни,  
Бўлимга етказиб, сўроқ килдилар.

\* \* \*

Дўстининг отасин чақирган маҳал,  
Унинг ҳам онаси келганди аввал.  
Онасин кўриб у ачинди дилдан,  
Ўғлидан хавотир чарчаган ҳолдан.

Не кузла кўрдики бу келган одам,  
Бир пайтлар кўргани онасин дўсти.  
Сал бўлса дилига таскин кўнди ҳам,  
Урушнинг сабабин айтмади рости.

Ходимнинг олдида истеҳзо қилмай,  
Ўғлига бақириб минди ғазабга.  
Ҳолатнинг сабаби сўрамай - нетмай,  
Тарсаки туширди ўғли юзига.

-Фоҳиша ўғлига нега дўст бўлдинг,  
Мисқоллаб ортирган обрўйим тўқдинг.  
Қуриб қолди наҳот, сенга бошқа зот,  
Шуларга бугун сен, мени teng қилдинг.

Она-чи, индамай сақларди сукут,  
Эшитган ҳақорат ичига ютиб.  
Не илож ўртада борда қанча сир,  
Шунчалар қийинми бўлмоги унут.

Маҳкама эгаси шаҳд билан турди,  
Жаҳлда ота томон бир қадам юрди.  
- Сен ўзинг лойиқсан асли жазога,  
Хозироқ, узринг айт, бу ёш болага.

Боланинг кўзида қалқиган кўз ёш,  
Юзидан думалаб ерга тўкилди.  
Узрини айтгандай кўтардию бош,  
Кўчага отилиб, йиғлаб югурди.

---

Онаси борарди ортидан юриб,  
Ўғлидан чиқмасди бирон-бир нидо.  
«Қанийди отаси қилмаган қилиб,  
Уриб ўлдирса-ю, у топса жазо».

Отаси сингари ўғли ҳам босиқ,  
Дардини тўколмай йиғлаб борарди.  
Нафаси бўғилиб кўзлари синик,  
Она ҳам эзилиб, кўз ёш тўкарди.

Оҳ, пичоқ қадалиб суякка етиб,  
Бу хотин хатосин сўнггина билди.  
Ўғил қоматига суқилиб боқиб,  
Улғайиб қолганин илк бора сезди.

Үғлидан азизроқ кими бор унинг,  
Кўзининг қораси шу ўзи ахир.  
Үлгани яхшийди кўргандан буни,  
Наҳотки бу ҳаёт шунчалар тахир.

Кўз олди корайиб баҳуш ва беҳуш,  
Неларни ўғлига айтмоқчи бўлар.  
Фарзанди азобда, эмасди бу туш,  
Қалбини очиб, у додлаги келар.

Оила бағрида ўтказган кунлар,  
Бешикни тебратган уйқусиз тунлар.  
Ширин бир туш каби келарди ёдга,  
Билмасди қисматдан энди не кутар.



Кун бўйи ўғлига ялинди ёнди,  
Ундан-да бир оғиз чиқмади садо.  
Отаси ёнига жўнатмоқ бўлди,  
Болага бўй йўл ҳам кўринди хато.

Шубҳалар, гумонлар юрагин эзиб,  
Қалбини болалик тарк этди буткул.  
Сиқилар тушунмай аламга тўлиб,  
Онадан бу гапни сўрамоқ мушкул.

«Фоҳиша ўғли бу» қийнайди ҳамон,  
Умрида осонми кўтармоқ бу ном?!  
Онаси танитган дўстларни эслар,  
Қай бири яхшию, қай бири ёмон?

Тиз чўқдию, она қошига келиб,  
Онаси юзига боқолмай дадил.

- Шу гап ростми она? - зўрга сўради,  
Онанинг меҳридан узолмасдан дил.

Онада бу сўзга жавоб йўқ эди,  
Эркалик қилишга ҳадди йўқ эди.

- Тинчлан болам, - дерди, овози хаста,  
Бундан ўзга унда зори йўқ эди.

Ҳаётидан тўйган бир нотавондек,  
Ўғилда етмасди журъат, шижоат.  
Кечаги тўп тепиб юргани тушдек,  
Бугун-чи, ўзига изларди шафқат.



Faфлат босиб она сезмасдан қолди,  
Ярим тунда бола бирдан йўқолди.  
Оёги толгунча қидирди шўрлик,  
Аzonда ўзи ҳам ҳолсиз йиқилди.

Қалбини қалтироқ эгаллаб она,  
Оллоҳга ёлвориб қиласди фарёд.  
«Наҳотки әнди у, менга бегона,  
Сен уни асрагин, ол мендан ҳаёт!».

Ваболик ҳовлида қолдими ўзи,  
Касал олиб келган вақтини ўйлаб.  
Авзори бузилиб ташвишдан юзи,  
Оқариб кетганди, қимиirlамас лаб.

Яна у эмаклаб қидирмоқ турди,  
Қазноқда осилган жасадни күрди.  
Үзинг айт, эй фалак, қандай бу жазо?  
Додидан бир бора атроф уйғонди.

Ота бу шум хабар, унсиз эшиитди,  
Гүё у кутгандай қисматдан бу ғам.  
- Наҳотки бу ишинг дунё тузатди,  
Ортимдан йиғласанг бўлмасми болам?

Ахир шундай бевақт, ўлимга сабаб,  
Хасис гурурини ўйлагани вақт,  
Хиёнатдан қочиб, қилдими ғалат,  
Энди ахир у, ундан ҳам бадбаҳт,

Уни ютсин эди тубсиз жаҳаннам,  
Ошкора жазосин берганда аввал.  
Минг афсус, кўрмади ҳеч бир чора ҳам,  
Ўғлини қолдирди, нега у маҳал.

Гуноҳсиз ўлдими умри меваси,  
Ўлдирувчи ким? Бас, ота-онаси.  
Хотин содиқ бўлса, покиза бўлса,  
Алишмасди ҳеч вақт, бир соч толаси.

Шу қатъий чегара чизди ўзига,  
Бу ифлос ишларга интиҳо, деди,  
Муҳаббат, хиёнат кўриниб-кўзга,  
Ўғлининг ёнида ўзини кўрди.

Тогу-тош ораси гумбурлаган ўқ,  
Яна бир ҳаётни фазога отди.  
Ов милтиқ юракка қадалгани чоғ,  
Адашмай юракни тешдию, ўтди,

Мусибат босдию, бутун туманни,  
Боисин билолмай одамлар ҳайрон.  
Отага ҳамроҳдек кўмди болани,  
Аlamга чидолмай титрар қабристон.

Билғанлар аёлга нафрат тўкарди,  
Билмаслар Худодан бардош тиларди.  
Ачинарли қисса тилдан ёйилиб,  
Ўзича ҳар кимса достон битарди.

Девона сингари турарди аёл,  
Ўлмоқдир истаги, йўқ бунга инкор.  
Бундан сўнг яшамоқ энди бу не ҳол,  
Маърака ўтгунча топарми мадор.



Афсусдан фойда йўқ энди билади,  
Гоҳида ўзидан тинмай кулади.  
Уйқу дорини дам-бадам бериб,  
Яқинлар хавотир, кунда келади.

Аламлар ром қилди сабру тоқатни,  
Даҳшатли ўлимлар кўздан аrimас.  
Кунда бир мозорга билмас етгани,  
Шомгача ўтирас, бир ўзи қайтmas.

Мотамнинг айборин сўрамас ҳеч ким,  
Тун зулмат қоплаган ёлғиз у уйда.  
Бегуноҳ қурбонлар, олиб суратин,  
Тонгача ялайди, уйқу йўқ кўзда.

Ўлғанлар кетару қолар тириклар,  
Күнгилда бўлса ҳам чексиз ҳадиклар.  
Қайноға бир куни келинни йўқлаб,  
Келди у қалбидаги не-не битиклар.

Фотиха ўқилиб сўнг қилгач дуо,  
Келинни оҳиста ёнга чақирди.  
Ҳол-аҳвол сўраб у сақлади ибо,  
Хотиржам ўтиргач аёлга деди:

- Эрингнинг боғи ҳам қолди қаровсиз,  
Меросхўр йўқ унда, қисмат туфайли.  
Қараашга биламан, ўзинг иложсиз,  
Бирон-бир кишингга тортиқ қил, майли.

Қайноға қайтди-ю, узрини айтиб,  
Аёл ўзин отди, ерга мадорсиз.  
Бир маҳал қўшниси дод солди қўрқиб,  
Бечора ётарди батамом ҳушсиз.

Неча ой, неча йил эслаш ҳам қийин,  
Шол бўлиб, михланиб ётар тўшакда.  
Нафаснинг сўнгиси қачон - нотайин,  
Ўлимин кутарди, иложсиз хаста.

Fam-fusса кўрмаган тарихда олам,  
Ота-бала ўзин қурбон қилгандай.  
Азобда она ҳам қийналар ҳар дам,  
Ўлимга интизор, қувонч кутгандай.

Билмаскан ҳеч кимса қисматнинг кучин,  
Кимларга илтифот ва кимга жазо.  
Тушунса хатони зифирдек олдин,  
Тантана қиласарди, дунёда вафо.

## ЕР БАХТИ

Табиатнинг сири куп,  
Билмоқнинг ҳеч кечи йўқ.  
Ер неъмати бизники,  
Еча олсак дунё тўқ.  
Шунлай замон келади,  
Ҳамма буни билади.  
Ур-йиқитлар йўқ бўлиб,  
Ҳамма Ерни асрайди.  
Ахир, ҳар кун ганимат,  
Қисқагина умр бор.  
Одам, олам, жамият,  
Бир бўлмаса дунё тор.  
Бу кичик бир фалсафа,  
Даъвати бор азалдан.  
Етишмасми, ҳафсала,  
Одам ўтар одамдан.  
Келинг Ерни асрайлик,  
Унда ўзни топайлик.  
Ер кўнглини оғритмай,  
Келажакка элтайлик.  
Бошқа ҳеч бир сайёра,  
Бундай бахтга лойиқмас.  
Чунки улар бағрида,  
Тирик жонни асралас.

## ЕТ БҮЛСИН

Маъюс курсам ҳолингни, ўзни маҳзун сезаман,  
Сени хуррам кўрмоқ чун, не йўлларни кезаман.  
Сен кулганингда дилдан, мен ҳам бирга куламан,  
Касал бўлсанг ба ногоҳ, ўзни бетоб кўраман.

Наҳот севги шундай куч, икки юрак бир бўлар,  
Яшамоқлик истаги, муҳаббатдан жўш урап.  
Фироқнинг сал фурсати аламдайин кўринар,  
Дилга дилнинг муҳтожи, ҳар дам шундан билинар.

Сенга шайдолигимни қирқмоқчилар кўп бўлди,  
Хавфу-хатарлар гоҳи, бўғиб бўғзимга келди.  
Нетай, ахир, феълимни ишқ ўзига ром қилди,  
Сендеқ санамга ошиқ, иқболимдан дил тўлди.

Севгингга сен ишонсанг, қалбинг меҳримга тўлсин,  
Бахтинг бегона қилмай Оллоҳ бахтимда кўрсин.  
Севги синовларидан ширин хотира қолсин,  
«Алвидо» сўзи доим муҳаббатга ёт бўлсин.

## ДИЛ ИЗХОРИ

Кўрдимки, ҳар кимсанинг нек ному аъмоли,  
Ҳар икки жаҳон яхшилиги дилхонасидан.

Нафс фами-ю ҳою-ҳавас олса камоли,  
Чехра сўлиб, бир кун утар паймонасидан.

Қилмайди бирор сенга ҳасад, ҳеч бир замон,  
Гар-да назар ташламаса, ҳирсхонасидан.

Бу беш кунлик дунёда мавсуми ғамдон,  
Тўлдиради озори дил вайронасидан.

Ишқни малол кўрмагандага асрори дил,  
Ошиқ аҳли куймас эди, дардхонасидан.

Туйғу қучиб, бермаса йўл ҳолинг хароб,  
Бошинг чиқмас ҳалқуму ёр ғамхонасидан.

Тадбири шод истар бўлса сенда ҳамроҳинг,  
Мехрингни беру кутма жавоб таънасидан.

Мискин вужудинг Худодод, билмаса ҳолинг,  
Бўш қўйма сира, дилни ёр аҳдномасидан.

## РУХАФЗОЛИК

Маломат тошини бўйнимга илиб,  
Тунларда кезаман бсдор ва бсхуш,  
Осмонда юлдузлар учганда кулиб,  
Шабистон қалбимни кўраман нохуш.

Сочингни силаған қўрқоқ бармоқлар,  
Рұҳафзо танамда эркалик қиласар,  
Қарогимда доим сирли нигоҳлар,  
Кузатиб аҳволим жонимни олар.

Учрашган эдикми, ажрашмоқ учун,  
Хатолар армони ҳолим қўймайди,  
Орзу - умиддан тополмай учқун,  
Хароба кўнглимни фироқ ялади.

Ой ўтди, йил утди тополмай узим,  
Қайғуда эслайман йўқотган изим.  
Йироқлаб борса-да кунлар кун сайин,  
Кўзларингни ҳамон соғинар кўзим.

## ХОВЛИ

Тор кўринди ҳовлимиз бироз,  
Ўсдиларда ёшлар, дарахтлар.  
Биз чўмилган ариқлар саёз,  
Унда дунё сабза кўкатлар.

Илк нигоҳга тушган бу олам,  
Энди мўъжаз кўринар кўзга.  
Кенг ўлкага баҳор келса ҳам,  
Бу боғни мен кўраман тўрда.

Киндик қони тўкилган бу жой,  
Макон менга отадан мерос.  
Обод бўлса, шод қувончга бой,  
Юртда демак, яшинар баҳор - ёз.

Остонамас Ватан чизифи,  
Мсҳробдадир унинг меҳвари.  
Ёруғ ёнса уйнинг чироғи,  
Шудир асли Ватан баҳори.

## ШАЙТОН

Шайтон бир кун баногоҳ, ажал кўрди йўлида,  
Бандага қўйган тузоқ, титроқ сезди ўзида,  
Оллоҳга у нолиди: - Мени нурдан яратдинг.  
Нечун жонзот тақдирин, менга раво кўрсатдинг.  
Нидо келди ғойибдан: - Сенга бердим куч - қудрат,  
Ҳатто бандам дилидан, кўрсатдим сенга хилқат,  
Одамлар синови учун, жой бергандим дунёдан,  
Йўқотмаса ўзни деб, кериб кибру ҳаводан.  
Деди шайтон: - Нафс ўлгур инсонларда зўр экан,  
Нафси ёмонларида, виждон кўзи кўр экан,  
Ахир менда не гуноҳ, нафсни ўзи тиймаса,  
Бир - бирини кўролмай, ўз ҳолига қўймаса.  
Ҳар қадамда бир бўлиб, бир - бирини алдайди,  
Ишин кўриб ҳаттоки, «Шайтон» деб ҳам қарғайди,  
Ўзимни ажратмоқ учун, баъзан ниқоб кияман,  
Ниқобим ҳам ўхшаса, ўзим аранг юраман.  
Раҳми келиб шайтонга, Оллоҳ уни кечирди,  
Шайтон ниқобин кийган, бандалардан ўгирди.  
Хулоса шу дунёда шайтонларнинг зоти кўп,  
Бири қолмай - биридан, тинч бўмайди ҳеч инсон,  
Ҳаммадан ҳам хавфлироқ, ёвузликда тенги йўқ,  
Юракка қўнса агар, «Мен» номидаги шайтон.

## СЕНСАН

Тақдир ҳукми измиди, зебо баҳорим Сенсан,  
Қалбим қасри түрида, жону жаҳоним Сенсан.

Турмушим шириң этган, Сенинг шакар гуфторинг,  
Бахтим - бахтингда курсам, қадру камолим, Сенсан.

Изтироб дардин четлаб, ўтсин бизнинг муҳаббат,  
Чин муҳаббат аслида меъёрни билмас албат.  
Рашқ шубҳаси - қутқуси элтмасин Сени ғалат,  
Кўзу, дилу - жонимнинг ороми фақат Сенсан.

Қисмат қайтмас изига, ўргамизда ришта бор,  
Ёшлиқ ўтида ёнмоқ, ўйламоқ энди бекор.  
Сени қандай севишим, таърифлаш ўзи малол  
Сен жуфти ҳалолимсан, дилга мадорим Сенсан.

Мехрингла обод уйим, қилмагил жонга жафо,  
Қаҳрингдан ҳам жозиба, излайн кўриб вафо.  
Сенинг шол кўрмоқ учун борлиғим бўлсин фидо,  
Моҳтобни излаб келсам, офтоб ҳаётим Сенсан.

Шубҳа юртига сафар, керакмас йўқдир нафи,  
Кўнгил жосуси бўлган, туйғуни қўйгил нари.  
Билки тақдирдан улуш, алам ўтган дамлари,  
Ҳар икки жаҳонимда, ёлғиз баҳорим Сенсан.



Келар даврон, кетар даврон,  
Бунга асло бўлманг ҳайрон.  
Ман-ман деган кўнгиллар ҳам,  
Гоҳо фамдон, гоҳо шодон.

Фам танламас вақту макон,  
Айбли бўлмас ҳеч вақт замон.  
Менга жазо бўлар ҳар он,  
Гар оғринса дилда Виждон.

---



Девонани келдинг сен асраб,  
Тойишдан, бехуд ёнишдан.  
Айтчи бунга не эди сабаб,  
Садоқат ёки севишдан.  
Ёнгинангда сарсон эдим мен,  
Қуёшдан ойни сўроқлаб.  
Юрганимидим висолни излаб,  
Тониб сендек сабри тошдан.  
Оҳ, бу қандай туйғу бўлдики,  
Аросатда ўртанса юрак.  
Мунис қалбда жондай жой олиб,  
Кутса у бевафодан баҳт.

## ФОЙДАЛИ КҮРИНСАНГ

Бахт учун яралган аслида инсон,  
Инсонлик қалбларда гулласа агар,  
Бахтли бўлишинга ҳар доим ишон,  
Энг бахтли куним деб, уйғон ҳар саҳар.

Бахт топмоқ - ҳаловат топмоқ демакдир,  
Қалбимиз ҳамиша бунга даъвогар,  
На ҳаво - на сувда кўринмайди у,  
Ўзгалар баҳтидан қалбинг мунаvvар.

Ўзингдан аразлаб қўйма ҳеч маҳал,  
Хиёнат этганда мол - давлат сабил.  
Ватанга фойдали кўринсанг агар,  
Ўзингни албатта баҳтлиман деб бил.

## СҮЛМАС

Йўқлигу - борлиқнинг сўнги кўринмас,  
Алдовдан иборат дунёнинг ўзи.  
Бир дамлик умрингга ёлғон тотимас,  
Факат кўр бўлмасин ақлингни кўзи.

Кунларнинг ўн беши қоронғу бўлса,  
Ўн беши нурафшон келади дерлар.  
Бўлмағур хаёллар қалбинг банд этса.  
Бехуда ўзингга михлама кўзлар.

Ҳар кимни қилмиши, ўзига аён,  
Бирлашмаган элда ҳаловат бўлмас,  
Карвонни бошқарса, муносиб сарбон,  
Фозиллар дунёси ҳеч қачон сўлмас.

## ВАТАН СЕВГИСИ

Туйгулар гавҳари - Ватан севгиси,  
Халқ этиб инсонни - инсонга қушар,  
Бу ишқнинг сеҳридан бенасиб киши,  
Жаҳолат дунёси қурбони кетар.

Гўзаллик тимсоли - эъзозда гуллар,  
Илдизи илинган тупроқни севар,  
Ватани - гулзордан айрилган маҳал,  
Тез сўлиб, ахири ахлатга тушар.

Хаёлдан бир мақол ўчмайди сира,  
Ҳар маҳал бу сўзни тиклар хотира.  
«Ўз юртинг гадоси бўлгани яхши,  
Ўзга юртнинг шоҳи бўлгандан кура.»

Бунда бир ҳикматни англадим яна,  
Ватанинг севгисин кучи ҳам шунда.  
Қай жойда бўлмагин, қайларда юрма,  
Маҳалла аҳлини эслайсан кунда.

Шу муҳит оламни танитган менга,  
Ўзгалар юртида бу муҳит бўлмас.  
Қасрлар қуришим мумкиндирикунда,  
Бундайин қушнилар унда туғилмас.

Ватан севгисини илдизи ҳам шу,  
Инсоннинг тафтидан жонланар инсон.  
Ҳаётнинг безаги бу гўзал туйfy,  
Муқаддас саналган ҳар вақт, ҳар замон.

## ИЗХОР

Тўйдим мен, бедаво ишқнинг дастидан,  
Кечдим, касбу ҳунару дунё баҳтидан.  
Ҳарчанд қолмали менда, сабру-қаноат,  
Муҳаббат армонлари кетмайди дилдан.

Бу ҳаёт саҳросини яёв кездим мен,  
Бўлари бўлдику, деб ичга ютдим мен.  
То билгунича ақлим, сўнги йўқлиги,  
Қадр кечаси келар деб, роса кутдим мен.

Ўтмишим, соясимон қувар ортимдан,  
Умрим бир қўрқинчли уйқу, бўлса ҳам.  
Ишқ қушини тутишга чўзилди қўлим,  
Фақирона кулбада куним ўтса ҳам.

Билдимки, тор-хароба мен юрган йўлим,  
Бахтсизликдан нишона ҳар айтган сўзим.  
Севгидан арз қилсам ҳам, яна ва яна,  
Муҳаббатдан паноҳ кўзлайди дилим.

## ТААЖЖУБ

Фам-алам келаркан, келгани сари,  
Хар қадам ташвиши наrimас қошдан.  
Ҳаётнинг ачифи шундадир бари,  
Ё инсон боши чин яралган тошдан.

Эришса қувончга қувонч қўшилиб,  
Ҳаётнинг сурори маст қилар дилдан.  
Баногоҳ йўлида тойса қоқилиб,  
Манглайига уриб, дер: - пишмаган лойдан.

Таажжуб босади дилимни ҳар дам,  
Борга ҳам, йўққа ҳам камдек бу олам.  
Ҳар дилнинг тўрида кунда йиғилган,  
Туйгулар бисоти қувонч, алам, фам.

## НОМ

Оддийгина номим бор,  
Отам қуйган ном.  
Луғатда йўқ, эътибор,  
На битди, фарҳанги забон.  
Илоҳий хислат излар,  
Номига ҳар бир инсон.  
Ҳар дам номда кўринар,  
Яхши фазилат, иймон.  
Ҳамда инсон номида,  
Яширин рангин дунёси.  
Ҳар ким номи ўзига,  
Сўзларнинг энг сараси.  
Ҳар кишига ҳеч бир сўз,  
Номдай гўзал кўринмас.  
Ҳатто зарни қулоқ, кўз,  
Ўз номидай асрамас.  
Ўз номини ҳар киши,  
Муқаддас деб ардоқлар.  
Вақт келиб ўтса ёши,  
Номда «Мен»-ни кўринар.  
Балки шунга азалдан,  
Яхши ном топмоқ фарзdir.  
Фарзанд кўрса отадан,  
Яхши ном ҳар вақт қарзdir.



Менинг дардим билмайди ҳеч ким,  
Табибларнинг энг зўр-зўри ҳам.  
Айбим ҳуснингга шайдолигим,  
Ишқ бўлди олампаноҳим ҳам.  
Ранжу азобга дилим ошно,  
Қалбингдан бир орзу кутаман.  
Замондан шикоятим йўқ, аммо  
Ишқдан бедаво бир хастаман.  
Меҳр билан солсанг менга назар,  
Айтганларим ўзинг биласан,  
Фариблигим сен писанд қилмай,  
Ҳолим билмай ўтиб кетасан.  
Ҳар гал сени кўрганимда,  
Оlamни ўзгача кўраман.  
Сен қўлласанг, мен ошиқ банда,  
Кисматимда зафар қучаман.

## ШИВИРЛАР ТАКРОР

Куклам келди,  
Бунда баҳор ифодаси.  
Табиат қулмоқда майин,  
Изҳорида тоғлар лоласи.  
Баҳорга ташна маҳзун дилимда,  
Софинчлар юкини ошириб кунда.  
Хотирамни безамоқ истар,  
У шўрлик, бечора севги -  
Кўнгилнинг зода боласи.  
Димогим тўйдирав,  
Яна ва яна  
Хаёлимга босиб келган,  
Муҳаббат гулларин бетакрор иси.  
Мени ғамга боғлаган ёр,  
Ҳис-туйғуларим этиб бедор.  
Қалб қулогига шивирлар такрор  
Наврӯз муборак !  
Наврӯз муборак !

## ФИРОҚ

Учрашган эдикми, ажрашмоқ учун,  
Хатолар армони ҳолим тирнайди.  
Орзу-ю, умиддан тополмай учқун,  
Хароба қалбимни фироқ ялайди.

Маломат тошини бўйнимга илиб,  
Тунлари кезаман бедор ва беҳуш.  
Осмонда юлдузлар учади кулиб,  
Шабистон қалбимда гўёки бир туш.

Сочингни силаган қўрқоқ бармоқлар,  
Руҳафто танамда эркалик қилар.  
Қарогимда ҳамон, сирли нигоҳлар,  
Кузатиб аҳволим, жонимни олар.

---

---

## ДАВЛАТИНГ

Айтар эди отам:- «Шошилма болам,  
Тегирмон навбати келар сенга ҳам.  
Гар турмуш илмидан теролсанг зиё,  
Идрокинг ҳамроҳинг бўлади ҳар дам.

Билгинки, ҳаётда ёлғиз юрганлар,  
Беҳуда югурап, умрин сўлдирап.  
Бир парча нон учун пора олганлар,  
Яшамоқ дардida пора берарлар.

Бу дунё саҳнида ўзлигингни тут,  
Донолар наздида сақлагил сукут.  
Топганинг кам бўлса-ю, ғам бўлмаса,  
Шу сенинг давлатинг бошқасин унут».

## ГАПИРСИН КҮЗЛАР

Кўзингни кўзимдан олмагин, Моҳим,  
Кўзларинг ғамида ҳар доим кўзим.  
Ибою ҳаё-ла гапирсин кўзлар,  
Кўзларга даъвогар бўлмасин дилим.

Умрингни ўтказиб, изҳорим пойлаб,  
Шошқалоқ ҳаётдан кутма саховат.  
Кўзингни қочирма, қадрингни синааб,  
Ўчмасин қаловсиз қолиб муҳаббат.

Чашманинг сувидай покиза севгим,  
Юрагим тубидан оққувчи анҳор.  
Кўзингдан қочмаса босган ҳар изим,  
Сени севишимга керакмас изҳор.

Менинг bemорлигим соғлом ишқимдан,  
Сендан ўзга бу дард давосин билмас.  
Кўзларинг нурида ёнган ишқимдан,  
Кўзларим кўзинга ҳеч қачон тўймас.

## ҚАЙТМАЙДИ

Эрта тонг саҳарда, субҳидам чоғи,  
Шабнамлар сийлаган гуллар япроғи.  
Қуёшнинг тифидан уйғониб чандон,  
Еқди-ю хушлади, күнгил чироғи.

Баҳорни соғинган бесабр бодомлар,  
Ҳосил ғунчаларин ёйиб ташлади.  
Новдалар мўлтираб кўкка тикилар,  
Парсимон булутлар дилни ғашлади.

Бодомнинг гуллари тўқилса бевақт,  
Бўғозли дамлари яна қайтади.  
Йиғлоқи қалбимдан, оҳ чиқди шу вақт,  
Умримнинг баҳори энди қайтмайди.

Умринг баҳори - етилган маҳал,  
Бор эди шижоат, имкону қудрат.  
Тўкилиб бормоқда кунларим чигал,  
Ногаҳоний бир баҳт, кутаман фақат.

## ДИЛДА

Насибам бор жонбахш лабингда,  
Мехру садоқат макони дилда.

Ёлғиз умидим, танҳо қувончим,  
Ишққа беланганд, ором йўқ дилда.

Хаёл асири, бу мулки орзу,  
Сенга битилган, ашъори дилда.

Шаъни муҳаббат, севги тумори,  
Ҳам баҳти бедор, нигоҳи дилда.

Қочирма васлинг, қизғанма дидор,  
Ҳусну жамолинг эъзози дилда.

Насибамни ёр кесмагин бекор,  
Тақдир жиловин соҳиби дилда.

## ЯХШИ ОДАМ

Ҳар неки яхшилик саналса хислат,  
Менда гар топилса, шундайин одат.  
Билинг, бу меники эмас, отамникидир,  
Отам яхши эди, шудир ҳақиқат.

Ҳар ёмон одатки, менда курсангиз,  
Умримни бесамар, саёз курсангиз.  
Бу бари меники, мендан билингиз,  
Отам яхши эди, бу сўз ҳақиқат.

Дунёда яхши кўп, яххиси отам,  
Отам яхши одам, бўлганди ҳар дам.  
Вақт ўтиб афсусда билсам чинакам,  
Отам яхши эди, шудир ҳақиқат.

Боламга боқиб гоҳ, хўрсинаман ҳам,  
Бобонгга ўҳшагин дейман ҳар қадам.  
Отам яхши одам десин сени ҳам,  
Отам яхши эди, бу сўз ҳақиқат.

## ОХИРЗАМОН КЕЛМАЙДИ

Күчамизниң болалари,  
Жуда қувноқ чиқдилар.  
Томларга тош отища,  
Бизлардан ҳам ўтдилар.  
Буни күриб кексалар,  
Охирзамон дейдилар.  
Интернетда айтган деб,  
Бунга аста күндилар.  
Масжидда имом почча,  
Панд насиҳат қиласи.  
Китоб ўрни токчада,  
Ёшлар қулоқ илмайди.  
Замон тезкор замон-да,  
Ахборот келар кунда.  
Шунда ҳам ёмон хабар,  
Тез тарқалар жаҳонда.  
Яхши ишлар ҳамиша,  
Парда ортида қолар.  
Бизга ёқмаган бари,  
Ёмондайин күринар.  
Шундай тезкор замонда,  
Қалбни бирор курмайди.  
Бунга машин яратмай,  
Охирзамон келмайди.  
Ривоят бор кигобда,  
Сендан яхшилик қолар.  
Яхши амал дунёда,  
Бир кун ҳокимлик қиласи.

## МУҲАББАТ АРМОНИ

Мажруҳи замон бўлдим, авжиди куйди дилим,  
Кувонч-қайғу бирдайин, бераҳим бўлди - ғаним,  
Олис - олисда қолди, висолга зор дамларим,  
Муҳаббатим ўйласам, келар фақат дарду ғам,  
Айрилиқ жиловини, тақдир тутган бўлса ҳам.

Куёш меҳри тафтидан, ёритганда Ой осмон,  
Юлдузлар ҳам чарақлаб, кўринар рўшно жаҳон,  
Аммо қалбим зулматда, умримга келган қирон,  
Муҳаббатга ошноми, вафосизлик ҳар қадам,  
Муҳаббат ҳазон бўлди, жонимга жо бўлса ҳам.

Бахтим шўр экан нетай, сўнди умрим баҳори,  
Сўйласа дил асрори, англар ким унинг оҳи ?  
Кечалар ҳамроҳ менга, малакларнинг арвоҳи,  
Муҳаббатга юз тутиб, шайдолик келтирди ғам,  
Муҳаббат армон қолди, жоним фидо бўлса ҳам.

Ишқ қасрини қурмади, ҳеч кимса мендек ҳашам,  
Энди - чи, вайрона - дил, мунисим дарду алам,  
Ёдинг тарқ этмоқ учун, неча бор ичдим қасам.  
Очиқ қолган дафтарда, битилгани ғам-алам,  
Умрим бир бевафога қурбон бўлган бўлса ҳам.

Дерлар: «Бўлма девона, йўқотдинг ҳою ҳавас,  
Мунгли чиққан ҳар оҳанг, бу ҳали ушоқ эмас»  
Ошиқ бўлган юракка айрилиқ сира сиғмас,  
Тупроққа кўмолмайман, ўтмишдаги дард ситам,  
Айрилиқ жиловини, тақдир тутган бўлса ҳам.

## ЁРИМ АТАЙИН

Моҳим, ҳамон қалбимда моҳи тобонсан,  
Ноз ила маст этгувчи, гўзал зебосан,  
Иzlарингдан сочилар, райҳоннинг иси,  
Гулзор ичра хушбў-ю, гули танҳосан,  
Жонимга жон бергувчи, ширин гуфторсан.

Мени кўп койир эдинг, ишқдан очсам гап,  
Кўнгилга солиб ўзинг, ўтли муҳаббат,  
Айрилиққа асло йўқ, ҳеч энди ҳожат,  
Саодат оламида, унган - раъносан,  
Висолга етдим десам, ҳар дам пинҳонсан.

Сенга қандай айтайн, топмасам тиним,  
Нафасингдан жон олиб, урмаса дилим,  
Ишқ ўтида ёнсаму, куймаса таним,  
Муҳаббат боғига ўзинг боғбонсан,  
Юракка нур ғизоси - мисли Офтобсан.

Қўйгил энди ноз этма, ёrim атайин,  
Тақдиримга жисмингни, ёзиб битайин,  
Ошиқлар ўқиб унда, кулсинлар майин,  
Дил синашда тенги йўқ, аҳли доносан,  
Худодод вафо кутган, аҳди пинҳонсан.

## СҮЙГАН ҚИЗЛАРИМНИ ...

Үжарлик рашк ила қоришган замон,  
Турмушда ҳаловат бўлмаса аён,  
Фарзандлар эзилар, юраги гирён.  
Тушунмай меъзонни, йўқотиб қўйдим,  
Суйган қизларимни йиғлатиб қўйдим.

Азизим, аразин ўтказмоқ бўлди,  
Гоҳи меҳр, гоҳ азоб ўтида қолди,  
Мағрурлик ҳислари қалбимда сўлди.  
Аламда бошимни алдоқقا қўйдим,  
Суйган қизларимни йиғлатиб қўйдим.

Ожизлик менга ҳам бегона эмас,  
Ҳаётий хатойим балки арзимас,  
Миннатлар олишга қўймайди нафас.  
Инжиқ бир кимсага айландим - қолдим,  
Суйган қизларимни йиғлатиб қўйдим.

Оддий бир иштиёқ ўйладим буни,  
Кўринмоқ истарму турмуш устуни,  
Чекиндим исёnlар тўқнашган куни.  
Майлига ихтиёр топшириб қўйдим,  
Суйган қизларимни йиғлатиб қўйдим.

Меҳрида адолат қўрмасам нетай,  
Ё, Машраб сингари бош олиб кетай,  
Қувончу - кулфатга мали дил тутай.  
Ўтгувчи аламни тақдирга қўйдим,  
Суйган қизларимни йиғлатиб қўйдим.

## САРХИСОБ

Хандон лабинг, нигоҳинг олди жаҳоним,  
Шўх-шўх ширин сўзларинг, хуш этли ҳолим.  
Барча сирлар устидан, узилди парда,  
Орзулар оғушига кўмилди қалбим.

Кўрқар эдим ҳар нафас, мудом ҳижрондан,  
Тасалли деб кўнгилга, йўқлардим шароб.  
Латофатинг кўрдиму, жонбахш лабингдан,  
Чанқоқ дилим кўзлади, чин оби ҳаёт.

Тарк айлама энди ёр, тақдирдан қочиб,  
Аҳли вафолардан бўл, юрагим қучиб,  
Бўлса сендек нозли ёр, умримга ҳамроҳ,  
Яйрап кўнгилда ишқим, дил дилга кўчиб.

Ҳар қанчаки муҳаббат, қилди имтиҳон,  
Хуснингга сен ҳамоҳанг, кўрсатдинг одоб.  
Қолар умрим нақшида- михланиб бу он,  
Бедор ўтган тунларга, бўлиб сарҳисоб.

## ҮШАМАН

Маъюслик тутуни ортида кўриб,  
Одатий ноз бу деб, сархуш бўлибман.  
Орзулар оғуши - ўтида ёниб,  
Хаёл пардасини девор билибман.

Маъсум чеҳрангга маҳлиё бўлиб,  
«Севгига дард битик», сезмай қолибман.  
Айрилик қийноғин, азобин татиб,  
Алданган юракни, қийнаб қўйибман.

Наздингда ҳисобин йўқотган сароб,  
Умримдан нолимай куйиб бораман.  
Бепарво дилингга садоқат солиб,  
Севишга ундалган нодон боламан.

Хаёл кўзгусига нигоҳинг келиб,  
Висол дамларини қўмсаబ қоламан.  
Умрим ҳам ўтди-ю, дарёдай оқиб,  
Софинчда мен ҳамон, ўша - ўшаман.

## ҮЛИМНИ ИСТАМАС ДИЛИМ

*Үлим-фожиа. Бу хусусият шахс ҳәётининг қайта тикланмаслиги ва тақрорланмаслиги билан белгиланади. Үлимни бўйинга олишилик касалликдан ўзга нарса эмас.*

Ғанимлар эгдилар, бу мағрур бошим,  
Ҳасратга чўқдилар, қон - қариндошим,  
Ҳәётдан тўйса-да, бу азиз жоним,  
Ночорлик ўлимни истамас дилим.

Рақибмас нокасдан келди бу савол,  
Умидлар сўниши умримга завол.  
Ноҳақлик қасдидан кўнгилда озор,  
Бесамар ўлимни истамас дилим.

Кўнглимга ачиниб, битсам садоси,  
На мансаб қулиман, на пул гадоси,  
Балки, шу бўлдими умрим хатоси,  
Фариблик ўлимни истамас дилим.

Билмадим, маликам қай кунга қолдинг,  
Адолат истаб Сен, қайга бош урдинг,  
Кимларнинг олдида ялиндинг - ёндинг,  
Мехрингдан ўлимни истамас дилим.

Кўз ёшинг ҳаққини қайтармай туриб,  
Нокаслар фитнасин, фош этмай қўйиб,  
Яхшилар бу ишдан, бехабар қолиб,  
Ожиз бир ўлимни истамас дилим.

## КЕРАКМАС

Ҳаётимдан асло нолишим бекор,  
Озурда дилимга юпанч керакмас.  
Осмону - заминдан қидирдим ҳар ҳол,  
Рұхимга муносиб Юлдуз күрінмас.

Қийналиб бахтимни излаганим рост,  
Виждоним юракнинг амрида бўлди.  
Гўзаллар ишқидан бўлолмай халос,  
Умримнинг дафтари ҳасратга тўлди.

Ҳамиша ростликни қилиб ихтиер,  
Эзгулик ишига, жон фидо бўлдим.  
Ҳаёлга келмаган зарбадан безор,  
Ёлғизлик дардидан армонга тўлдим.

Дунёнинг ғамини кўтарай майли,  
Тепамда дағдаға қилса ҳам осмон.  
Судралиб қолсам ҳам синган қуш каби,  
Ачиниб боқмангиз асло мен томон.

Ҳар неки бўлса ҳам тақдирдан билай,  
Малҳамдан битарми қалбаги яра.  
Чорасиз қолганда узлатга кетай,  
Нокас миннатига қолгандан кўра.

## БИЛСАМ БАС

Нигоҳлар түқнашди, қалбларда түгён  
Фалокат қадримиз айлади хазон.  
Айрилиқ дамлари ифволар сабаб,  
Бевафо қисмат ҳам бўлди намоён.

Нечун сен ҳолингдан бермадинг хабар,  
Дилгириңг келди ё кетганим замон.  
Кўз ёшиңг артдими қалбингни силаб,  
Ё мадор топмадинг, чекиб оҳ - фифон.

Адаштириди мени - сенинг ёлғонинг,  
Хатодан онт ичиб, бўйин товладинг.  
Тилим ҳам лол эди, тинглаб сўроғинг,  
Ақлимни алдадинг, кўнглим доғладинг.

Идроким олдида ким деган бўлдим,  
Бу таънага борми, оқил бир жавоб.  
Наҳотки севгидан разиллик кўрдим,  
Билолмай юрагим, қиласи хитоб.

Энди сен ростин айт, сабрим қолмади,  
Хаёлинг олдими, ўзгача ҳавас.  
Шубҳалар азоби, қалбим боғлади.  
Менга сен ким эдинг, шуни билсам бас.

## ТИЛАК

Турмушни тушунмас савдолари кўп,  
Шодликда шод, ғамда ғамхона керак.  
Ҳар юрак бир олам, маънолари куп,  
Бу унга Оллоҳдан берилган безак.

Тақдирда неки бор барини териб,  
Кимлар кулмайди, йиғламайди ким.  
Қалб қийноқларин, айткиси келиб,  
Дилга яқин киши қўмсамайди ким.

Шундайдир аслида беш кунлик дунё,  
Адолат ҳамиша мадоринг бўлсин.  
Борлифинг титратиб, тарқ этса зиё,  
«Ножинс» кимсаларга кунинг қолмасин.

Гоҳида аламдан дил этса фарёд,  
Бир ўзи ҳаттоки, оламга сифмас.  
Дардини куйласа йиғлаб солиб дод,  
Оҳини Оллоҳдан бошқаси билмас.

Ҳаётда барчага бир тилагим бор,  
Ўксик дил этмасин одамни ҳеч дард.  
Дардкаши бўлишсин чекканда озор,  
Аёл - аёл билан, мардлар билан мард.

## ЖОЙ ТАНЛАР

Косонсой дарёсининг  
Мафтункор соҳилида,  
Хаёллар оғушида,  
Оқар йўлин тикладим дилда.  
Юртларни кезиб, сирларга туйиб,  
Келар гоҳ сокин, гоҳо шовқинда.  
Тоғ-тошларни кечиб, топганин ташиб,  
Ташна дилни қондирап,  
Ҳар ўнгу сўлда.  
Табиат миннатин англаган бўлдим,  
Оғир бу феълимиз обдон ўйладим  
Дарёning кенг ҳавзаси бўйлаб,  
Ватан танлаб одамлар,  
Яшар, талашар, сарҳадлар тикар,  
Улуғ неъмат қадрини билмай.  
Тутолган жойини ўзники ўйлар,  
Ердан-да, шу жойни ўз ҳаққи билар.  
Қисқагина умрда ҳаққа даъвогар,  
Кўнгилни оғритар, ўздан ҳам кетар.  
Ҳаётга тўймасдан бу қора кўзлар,  
Олдинроқ бу ҳаёт биздан зерикар.  
Ҳаёт занжирини узганда ўлим,  
Тинчгина жой танлар, бизга бошқалар.

## Ү З И М

Үзим билан үзим қолганда ёлғиз,  
«Англадим дардимни» күйлайди ҳофиз.  
Фам билан овора күрингидим ожиз,  
Не қилай, бу фамни оттирган үзим.

Гоҳида ростликни қучоқлаб маҳкам,  
Тилим ҳам дилимга санчади тикан.  
Сўзларим ортидан келади алам,  
Не қилай, бу тилни сийлаган үзим.

Үзимдан үзим гоҳ ўтиб кетаман,  
Ақлимга бўйсунмай айдан тонаман.  
Ўлигим, тиригим билмай қоламан,  
Не қилай, айбларни орттирган үзим.

Пуршитоб замонда үзимдан қочиб,  
Бораман, бораман, бораман шошиб.  
Нотаниш йўлларда йўлга йўл қўшиб,  
Умримни саргардон қилган мен үзим.

Шеър ёзиб юрагим гоҳда ёзаман,  
Қадрингиз қадрини излаб юраман.  
Гиналар баҳридан бир-бир кечаман,  
Дилимга тасалли бергувчи үзим.

## АЗИЗИМ

Азизим ! Муродинг айт,  
Борим, билмайин ўтдим.  
Гуноҳим иқрор бўлдим,  
Сўраб, ялиндим-ёндим.  
Бор меҳримни юракдан,  
Тўплаб куйладим-куйдим,  
Фалокатлар бошимда,  
Таъна - дашномда қолдим.  
Кечир дедим жонгинам,  
Сендан ўзга кимим бор.  
Сен ҳам мени ташласанг,  
Дунё бўлар менга тор.  
Дердинг: «қилмишларинга  
мен ҳам жавоб бераман,  
Қаро этиб таъбингни,  
Мағрур бошинг эгаман».  
Менга қарши бир қадам,  
қўёлмасдинг билардим.  
Йиглаб туриб дилимда,  
Сени жондан севардим.  
Шундан қарфишларинга,  
Парво қилмай ўтардим.  
Аразласанг лабингдан,  
Софинч билан ўпардим.  
Энди эса айрилиқ,  
Тўхмат жонга қасд қилди.  
Эгилмаган бошимни,

Энди сенга кам билди.  
Яна келдинг қошимга,  
Күэларингда жиққа ёш:  
«Сизни қутқазмоқ учун,  
Энди урай қайга бош».  
Ох, азизам шунчалар,  
Менга жонинг куйдими.  
Ё билмадим бу ҳолат,  
Видолашув сўнгими.  
Сўрай дедим ўзингдан,  
Софинчданму бу алам.  
Ё ачиндинг юракдан,  
Кўнглинг бошқа бўлса ҳам.  
Ҳолимга сен ачинсанг,  
Умринга мен ачинай.  
Гар сен ёнимда турсанг,  
Зулмат қулфини очай.  
Агар севсанг айтақол,  
Вақт ғанимат билайн.  
Қаро тунни тарқ этиб,  
Курашларга кирайин.  
Қинғир фалак гардиши,  
Этган бўлса бизни хор.  
Үйғоқ ҳали идроким,  
Толе бўлар бизга ёр.

## УМР ГАШТИ

Чолу-кампир боришар, олдинма кейин,  
Бечора чол ҳансиар, юргани сайин.  
Халта ота қулида, бир қулда ҳасса,  
Кампирга туюлдими, қария хаста.  
Ана, -деди-хўжайн сақланг ўзингиз,  
Айтмабмидим эртаёқ букир белингиз.  
Кампирга бир ҳўрмайиб боқди ясама,  
«Таъналаринг ҳақ, лекин, жаҳлим қўзғама».  
Кампир англади дарров, қилди хижолат,  
Чол дилида сўнмаган, гайрат-шижоат.  
Бу ибратда яна бир сабоқни кўрдим,  
Кексалиқда топган меҳр - чин баҳтигин билдим  
Ҳаммага насиб этсин, шундайин юриш,  
Кампир ёнида ҳамроҳ, умрнинг гаштин суриш.

## СУКУТ

Майли сен гапирма, сақлагил сукут,  
Баъзан маъноли бу, кўї таплардан ҳам.  
Дилинг куймасин, барини унут,  
Хижолат жавоби шунда мужассам.

Ақлингдан далолат, эмас бу қолинг, п в X  
Айтар сўз бўлмаса - асли бу одоб.  
Афсус, изтиробдан титрар ёноғинг,  
Севги синовига беролмадинг тоб.

Майли сен, гапирма, сақлагил сукут,  
Сукутдан тузукроқ гапинг бўлмаса.  
Хиёнат алдови сирин маҳкам тут,  
Кўнгиллар аламдан унсиз сўзласа.

Минг шукур билан ёд ол, ёруғ дунёда;  
Бахтсизлик ҳамиша синайди одам.  
Эҳтирос - ақли бўш туйғу аслида,  
Фақат яхшиликка қўйгин сен қадам.

Майли, сен олдимда сақлагин сукут,  
Сўлдирма ҳаётинг, кечма баҳтингдан.  
Руҳингни бўйсиндир, ажримини кут,  
Севгидан воз кечиб, қилган аҳдингдан.

## КЕКСАЛАР

Шағарни билемайман, қишлоқ жойида,<sup>A</sup>  
Аввалгидек, чолларнинг қадри қолмади.  
Нуроний чехралар, <sup>M</sup> нозик қалбидар,  
Зифирдек бўлсада файрат сулмади.<sup>M</sup>

Сўз таъсир қилмаган, ёшларга ҳайрон,<sup>K</sup>  
Тўпланиб сўзлашар, диллари зада.  
«Тентакка насиҳат қилиш ҳам ёмон»,<sup>VII</sup>  
«Кўй - дейди, бошқаси, - йўқдир аслида».

Кўтар - кўтар гаплар ўтди энаи рост,<sup>M</sup>  
Далиллар мақташи керак одамни.  
Шунгада, чоллар ҳам ўзларига хос,  
Эслашдан чарчамас ўтган дамларни.

Чийрикдан ўтказар ҳар бир сўзларни.  
Шунинг чун кечгача тұрунг тутамас.<sup>K</sup>  
«Намәзшом қазоси қутар сийларни!»,<sup>VII</sup>  
Йўқловчى набира сабри чидамас.

Кексалик ҳаёти шундайдир балки,<sup>M</sup> <sup>qB</sup>  
Инжиқдек кўринар, ёш ўтгач одам.<sup>M</sup>  
Маслаҳат сўрасанг улардан, билик,<sup>M</sup>  
Ўгитин оласан, унга бу малҳам.

## СОЗ БИЛАН

Айб айламанг, юрагим тошиб,  
Хасратимдан наволар битсам,  
Мұхаббатдан шодалар түқиб,  
Куйламоқни дилга жо этсам.

Қалбим олган бебаҳо дилбар,  
Тинглар бу күн күнгил торимни,  
Йүқса, жонон қайдан ҳам билар,  
Ишқ үтида куйган ҳолимни.

Учрашганда - висол онлари,  
Дилим айтсам, сукутдан ўтmas,  
Севдим десам, шаҳло күзлари,  
Ерга қочиб, сирини очмас.

Тарк айлашга беором дамлар,  
Қалб сўрашни йўлин ўйладим,  
Шундан, барча борлиғим - ҳислар,  
Куйга солиб, дил розим битдим.

Ёр йўлига чиқай соз билан,  
Айтилган - ишқ изҳорим бўлсин,  
Мұхаббатим ўтиб қалбидан,  
Томирида қон билан оқсин.

## ОШИКЛИК

Ер узра қўнганда Инсон деган зот,  
Ишқ дарди битилди ақлга қундош.  
Шоир зоти борки ошиқ ҳолига,  
Ачиниш руҳида битади ашъор.

Фозиллар ибратли ҳикматлар битар,  
Ҳофизлар ишқ аҳли қалбин йиғлатар.  
Машварат кўшкида донолар ҳатто,  
Мұхаббат азобин қисматга қўшар.

Лек ҳамон ошиқнинг раҳнамоси йўқ,  
Барбод бўлган диллар интиҳоси йўқ.  
Ишқ қасби бўлсада шунчалар оғир,  
Ошиқ бўлмасликнинг иложи ҳам йук.

## ХОТИРА

Яшил қирлар ортида,  
Күринади бир қишлоқ,  
Тераклар соясида,  
Висол жойын бор - ўтлоқ.

Шамол, бүрөн ногида,  
Күмүшранг терак паноң  
Ишкө олови күйдирса,  
Унга суюндардым төхөнхүүд шиннина

Чиройида ёндириган, дың ғылыми  
Кизнинг дили сир-аскор, даңғыл  
Қалбим торларын тарапт, даңашыл  
Қилолмасдым мен ошкор.

Бугун үзга уйида, шо номых жаңы  
Ёритади у чироқ, даңғыл поды  
Менга бергани уни, даңыл  
Фақат бўлди дард, фироқ, жиҳон

Шафақлар ёйилганда,  
Терак учи қарайман,  
У ҳам эслаб, шу онда,  
Кўз тикишин ўйлайман.

## ТОҒЛИК ҚИЗГА

Тоғлик қыз бир нафасга,  
Бергил менга ишқ ғасли,  
Олий истак ишқимда,  
Үзни билдиrmок асли.

Не иложки бутун сен,  
Үзга сарҳад - заминда,  
Ишқ майдони дерлар кенг,  
Бўлган ҳар бир замонда.  
Тушган эдинг юртимга,  
Балки, үзга ҳавасда,  
Үзинг билмай ишқ қушим,  
Солиб кетдинг қафасга.

Кирғизмисан ё тожик,  
Ёки ўзбек париси.  
Эъзозлашади ишқни,  
Тоғликнинг ёш қариси.

Илоҳийдир ишқимиз,  
Бунга менда гумон йўқ,  
Қондош билиб, аҳдимиз  
Кўллар Оллоҳ, кўнглим тўқ.

## САБР

Кўнгилнинг бебаҳо гавҳари - иймон,  
Ҳақ йўлга элтувчи - ягона сарбон,  
Илоҳий руҳимиз маскани дилда,  
Эзгулик, ёвузлик ҳислари пинҳон.

Эзгулик ишига эришмас, танҳо,  
Меҳнатнинг бирлиги жамоат тузар,  
Багоят баркамол инсон ҳам гоҳо,  
Наздида мададкор кўрмоқни истар.

Шукронга айтиш ҳам, инъом бебаҳо,  
Сабрли кишининг умиди сўнмас,  
Керакмас, бирордан ранжимоқ асло,  
Яхшию - ёмонлик жавобсиз қолмас.

Инсоннинг идроки олий мулкидир,  
Дардига улардан топса гар қалқон.  
Руҳини бенуқсон тутишга қодир  
Бўлганлар, аламдан кўрмайди зиён.

## САРСОНЛИК

Тонмайман, омадим кулди куп бора,  
Ҳар неки истадим Ҳудойим берди.  
Лек, севгим қисмати, сарсон-овора,  
Қалбимда ишончнинг олови сўнди.

Ёлғонлар юртида, ақлимдан кечиб,  
Ҳукмимни тақдирга тутқазган бўлдим,  
Дилимга армондан, аламни кучиб,  
Ночорлик дардида кунимдан тўйдим.

Орзую - умидни оқламай севги,  
Энг қиём паллада ташлади, кетди.  
Қаловсиз ишқимни, тутуни ошиб,  
Аччиқ бир ҳақиқат, нафасни тўсди.

Ишқ заҳридан бугун, хароба кўнгил,  
Фам кўрасидан-да, излайди нажот.  
Элдан яшираман, оғринса ҳам дил,  
Писанд қилмай фироқ, кўринаман шод.

## ФИЙБАТ

Такаббур деб бировни,  
Бирев түрга тұртади.  
Тулкідек айёр биров,  
Ёлғончидан утади. мө .нәмнәмнәт  
Фийбатчи нигөхидан, . нән да X  
Дил ортиға қайтади. ж иниғиң 1  
Айбсизлар ҳам ёлғондан, ым әнди K  
Айби бордай кетади.  
Айбсиз одамни асло, коя қалоғы i  
Тавба қылдирмоқ ёмон. инимнәт X  
Айбдор кишиға парво, а винги D  
Қылмаслик үндан ёмон. жи тоғи H  
Сизни ёмон десалар,  
Этманг дилингиз вайрон, - әкүәп O  
Эътиборда тутсадар, . си и . ти€  
Бўлинг сиз ҳам қадрдон. индошд J  
Парво қылманг гапларга, д . си /  
Фийбат ҳам бир тушунча.  
Шундай бўлар аслида, . и . жи N  
Одам Инсон бўлгунча.  
Бўлмасди уруш - жанжал, . и . ии€  
Ҳамда турли қараашлар. и . и . вон P  
Үйлашганда ҳар маҳал,  
Ўзгани имкон қадар  
Ҳар бир одам бир олам,  
Ўзлигига қадри бор.  
Қолмасди дарду алам,  
Бўлса дилга эътибор.

## ЧАКИ НЫТЧУТ

ЛЯСКОЖНХ БЫМДЫ НЕДОСТИГНИНДИ.

ЛЯСКОЖНХ КАПСАТ АРДЫСТА.

ЛЯСКОЖНХ КАПСАТ АРДЫСТА.

ЛЯСКОЖНХ КАПСАТ АРДЫСТА.

\* \* \*

Адашган хамиша юради мағур,  
Күйиниб Сиз унга бермангиз сабоқ.  
Алдовлар ортида тополмай суурү,  
Пинҳона кўзига суртар у тупрок.

\* \* \*

Чекиниш одатмас, куйсада беун,  
Дўстни ҳам ўзига қўймас яқинроқ.  
Ишончу қувончга бегонадир у,  
Ва на бир дардкаши, қилолмас сўроқ.

\* \* \*

Унинг чун дунё бир- яралган кўзгу,  
Ўзгалар қалбидан, у жуда узок.  
Шунчалар хатодан англагани шў,  
Шунинг, чун аламдан туради йироқ.

\* \* \*

Ўзи билан ўзи қолгани мақул,  
Майли, у ақлидан қидирсин чироқ.  
Фурур деб ўйламанг- ундаги туйфу,  
Адашиб қўймангиз, Сиз унга тузоқ.

\* \* \*

ЛЯСКОЖНХ НАОКАД НАОСИХ ТИНИШ  
ЛЯСКОЖНХ ОНОРОК КОДАК НЕДОСТИГНИНДИ  
ЛЯСКОЖНХ КОДАК НЕДОСТИГНИНДИ  
ЛЯСКОЖНХ КОДАК НЕДОСТИГНИНДИ

## ТҮРТЛИКЛАР

Айбингни айтгандан бўлма хижолат,  
Қалбига муносиб курсат адолат.  
Хатони беғараз фақат дўст айтар,  
Дўст йўлида сени, кутмас разолат.

\* \* \*

Ҳар кимга дил очма хатога қўмиб,  
Айби кўп одамнинг ҳокими ҳам кўп.  
Осмондан туманлар кетар ейилиб,  
Руҳингда ўчмасин умид, олов - ўт.

\* \* \*

Баъзи бир одамнинг гапи кўп бўлар,  
Тиканли сўзлардан жароҳат келар.  
Оғиздан чиқсан сўз, ёвузлик бўлса,  
Эгасин дилига тикан қўндирад.

\* \* \*

Бемаҳал ниш олган оддий бир туйфу,  
Умрингни уммонга элтиши мумкин.  
Ақлингга эгалик қилганда жоду,  
Лоаққал қалбингда иззатда тургин.

\* \* \*

Яхшилик турмушни этади обод,  
Ёмонлик қўнгилни қиласи хароб.  
Пушаймонлик дилга таскиндири, холос.  
Эзгулук бўлмаса тотимас ҳаёт,

\* \* \*

Турмушнинг ҳисоби ўлчови баҳтдир,  
Инсондан соядек қочиб юрса ҳам.  
Нафрат ва ҳасаднинг қора кучлари,  
Ҳар қадам йўлига тузоқ қўйса ҳам.



Телба бу қалбимни оғритиб қўйма,  
Турмушга асло сен шубҳада боқма.  
Мұҳабbat шубҳадан топади завол,  
Бошда азоб бериб. сўнг яна сўйма.



Эзгу ҳар тилак ҳам яхши биламиз,  
Аламу шодликка доим эгамиз.  
Ҳар неки бўлса ҳам ҳаёт - деб, тотли,  
Кунга бир, муносиб жома тикамиз.



Дўстлик мұҳабbatдан камроқ учрайди,  
Ардоқлаб - асрангиз юракдан, албат.  
Самимий дустликни ишонч қўллайди,  
Дўстликнинг меваси фақат садоқат.



Ишқ йўли тиконли-қийин бўлса ҳам,  
Ишқ савдоси дилни вайрон этса ҳам.  
Бу дарддан Оллоҳга шукrona етар,  
Ишқ тўрига тушмоқ насиб этган дам.



Улус ичра фидолик яхшига ёрдир,  
Кечиримли кишида садоқат бордир,  
Ўзгаларни билгувчи - ўздан хабардор.  
Қоқилмаган дунёда фақат Худодир.



Гўзаллик, севгига баҳона, холос,  
Оловли мұҳабbat илоҳий туйфу.  
Ҳаёт тергаса ҳам айбдорига хос,  
Тарк этмас юракни то мангу уйқу.





Армон ва изтироб ҳар дам енма-ён,  
Кувончга пешвоз бормоқ, ўзи бир қувонч.  
Ёлғон соясидаги қувонч ортидан,  
Келар охир-оқибат изтироб, армон.



Изларим хаёлдаң бирма-бир ўтди,  
Яхши ҳам, ёмон ҳам ўтмишда қолди.  
Пешонам кафтимга қўйиб ўйладим,  
Неки мен баҳт билдим, хиёнат кўрди.



Қора тун қундузга айланар-аён,  
Шодлику қулфатда бўлади, поён.  
Замон ҳасратидан маҳзун бўлишдан,  
Ҳар кимга дил дарди, этманғиз баён.



Йўқотган нарсаларга ачинманг зинҳор,  
Ўтмишнинг хатосига ғамда йўқ нажот.  
Адашмаган, дунёда айтинг қайда бор?  
Умрингизни эговлаб, этмасин барбод.



Дейдидар магурни юраги бир тоғ,  
Димоғдор ҳамиша эгар устида.  
Яна кимга дунё кўринади тоғ,  
Нафаси бўғилар тупроқ тафтида.



Дунёнинг ишлари қизиқ, экан-да,  
Ҳақ билан ноҳақлик тинч бермас кунда.  
Ақлига муносиб топганлар қадри,  
Кўғирчоқ бўлмайди, тақдир қўлида.

Мұхаббат хұқмига таслим ҳамма ҳам,  
Берса ҳам ҳатто у доим дарду ғам.  
Чин инсон аслида севгисиз бўлмас,  
Севгисиз Одамга ачингин ҳар дам.

Мұхаббат одамни гадо қылса ҳам,  
Юракда вақт сайин ортади қадри.  
Мұхаббат қудрати юксак бўлса ҳам,  
Шарафдир ошикка гадолик касби.

Қадрини талашгаң ёмон қўринар,  
Иzzатталаб бўлма, дейди катталар.  
Ўз иззат-хурматин билмасдан туриб,  
Ўзини англарми ахир, бандалар.

Умр баҳори утар, қолади ҳижрон,  
Мангу роҳат истаб бўлмагин сарсон.  
Камоли ҳаётда изтироб пинҳон,  
Гул чирой очганда узади боғбон.

Журъат путур кўрар, еш утган ҳамон,  
Бир кун юмушингга қолмасин товон.  
Ҳазон қылма умринг, бўлса гар ҳали,  
Сени тушунгувчи биргина Инсон.

Аслида бу дунё алдовдир фақат,  
Яхшилик хислати улуғ бир неъмат.  
Яхшилик гўзаллик тимсоли бўлса,  
Ёмонлик дунёда энг хунук иллат.



Аҳмоқ ҳам турса жим доно күринар,  
Доно ҳам күп гапдан аҳмоқ күринар.  
Тинглашга лаёқат топған ҳар одам,  
Хурматта лойиқу соғдил күринар.



Эзгулик яхшироқ гүзалликтан ҳам,  
Инсонни дардига инсондир малҳам.  
Бу фоний дунёда Инсон бўлишдан,  
Мушкулроқ қасбу кор кўрмаган олам.



Ишқ шамоли бошни силагани дам,  
Юракка қуяди пинҳона қадам.  
Севгидек шириňлик йўқдир дунёда,  
Хижрону оловда кўнгил ёнса ҳам.



Ҳаёт йўли узоқ, тўқ дами оздир,  
Ҳар кимса ўзлигин билгани создир.  
Яратиш, бузишми аслида қасби,  
Ўтмишу эртанинг жавоби бордир.



Ҳар инсон яшаса, дадил ва магрур,  
Эзгулик ишидан топса у сурур.  
Ҳамиша ростликни қилса ихтиёр,  
Ақлидир раҳнамо, қалби тўла нур.



Мулк эгаси бўлгин, талаби замон,  
Борингта Оллоҳим баракот берсин.  
Номус ҳам мулкингдир унутма ҳеч он,  
Бойлиқдан номусинг юқори турсин.



Ҳар нарсага баравар етишиб бўлмас,  
Икки дўстга тенг билиб, дил ғриб бўлмас.  
Янги дўстинг, эски дўстдан зал кўринса,  
Билки, сенга ҳеч қачон чин дўст топилмас.



Бепарво бўлма сен, гафлатда қолма,  
Жон фило дўстлардан риштани узма.  
Шодлик ато этмоқ - ноёб фазилат,  
Кишига яхшилик қилишдан толма.



Афсус, ноумидлик ўткинчи бир ҳол,  
Сен ҳали тириксан, дил узма зинҳор.  
Олисни кўзлаб, қадамингни бос,  
Ҳали кўринмаган, юлдузларинг бор.



Рұҳингга эрк бериб йиглама, кулма,  
Дўстлар даврасида одобни бузма.  
Энг яхши нарсалар келар инсондан,  
Дилсўзи бўлгину таъмагир бўлма.



Орзуга тўймаган бунгача ҳеч зот,  
Истаклар қалбинга бўлади қанот.  
Фарахбахш умидлар туғилган заҳот,  
Фаровон ҳаётга топилар сабот.



Фам-алам қаттолга берманг эътибор,  
Севинчу қайғунинг туйғулари бор.  
Душманнинг фами ҳеч шодлик келтирмас,  
Андак умиддан ҳам куч олмоқ даркор.

\* \* \*

Хардамки ночорсан, идрок бил сардор,  
Бахтсизлар ҳар доим күринар айбдор.  
Хатарни ўйламоқ хавфдан ёмонрок,  
Умидdir - ҳаётда сабру куч, мадор.

\* \* \*

Дилинг ҳеч куймасин кувонч, аламдан,  
Яқинлар шод бўлса, шириндир жондан.  
Оғир бахтсизлик ҳам узоққа бормас,  
Дўстларинг ўз маҳал тутсалар қўлдан.

\* \* \*

Юзта дўсттинг бўлсин, бир душман бўлгани ёмон,  
Мунофиқни душманликдан ҳам дўстлиги ёмон.  
Ёлғизлик яхшидир, ёлғон дўст сохта меҳридан,  
Дўстингдан чиққан душман ёмондан ҳам ёмон.

\* \* \*

Кимлардир қувонар, кимдир йиғлайди дилдан,  
Чархпалак дунё, ўхшамас кунларга - кун ҳам,  
Гоҳи адолат, гоҳ надомат тоши баланд,  
Ҳаёт майдонини, нечун тенг кўрмас Олам.

\* \* \*

Қўш эшик бу дунёда, умрни йўли узоқ,  
Тонгдан яна тонг қадар, гир айланмоқ даркор,  
Бунда ким ёниб юрар, ким қўяди тузоқ,  
Ҳар юмушни соҳиби - эгасига гашти бор.

\* \* \*

Армон билан изтироб, ҳар дам ёнма-ён,-  
Қувончга пешвоз бормоқ, ўзи бир қувонч.  
Ёлғон соясидаги қувонч ортидан,  
Келар охир-оқибат изтироб, армон.



## ЖУФТИ ҲАЛОЛИМ

Санобарим,  
Жону дилга баробарим.  
Номусу орим, күнгил баҳорим,  
Бағримни түлдирган, қалбда ардоғим.  
Шодлику ғамимда жонга мадорим,  
Мұхаббат күшкіда ёңған чироғим.  
Дилимга зеб берган, анвойи гулим,  
Санобарим,  
Жону дилга баробарим.

Онамдан фидолик меросин олған,  
Мен тузған тақдирга бүйинин эккан.  
Қон ютған кунларим, вафо күрсатған,  
Мехрию, қаҳрини ич-ичга ютған.  
Рашқ ила йиғлатған жафокорим,  
Вафо күрмай ўксиган вафодорим.

Ортимдан ҳамиша овора ёrim,  
Санобарим,  
Жону дилга баробарим.

Мен қачон туғилдим, қайларда усдим,  
Ким сабаб бўлди-ю, сенга унашдим.  
Қолмади қиймати ва на зийнати,  
Куз ёшларинг куриб, огрийди дилим.  
Кўп ўйлайман ўтган куним, изларим,  
Дунё кезиб дилинга етмади кўлим.  
Фанимат дер хаёл, бугунги куним.  
Санобарим,  
Жону дилга баробарим.  
Бевафолик асли дунёнинг касби,  
Фамда ҳеч бўлмаган, сарҳад сармоя.  
Кунда бир дод солиб, йиғларсан балки,  
Тобут кўриб, умрим, топса нихоя,  
Биласан, кун сайин беқарор қалбим,  
Дастидан тинмайин чўкар юрагим.  
Айт-чи, шу аснода борми керагим,  
Санобарим,  
Жону дилга баробарим.

Не юртларда бўлдим, неларни кўрдим,  
Оловдайин ёндим, гоҳида синдим.  
Орзулар бағрида дарёдай тошдим,  
Севилдим, севиндим, ишқ кўрдим-севдим.  
Мен ўша-ўшаман, топмаган қўним.  
Сен билган Ҳудодод-бир кўнгли ярим,  
Қарофимда ҳаргиз сўнмас чирофим,  
Санобарим,  
Жону дилга баробарим.

## ҚАДРИЯТ

Сүкротдан «дунёдаги энг қийин иш нима?» деб,  
сүралганда, «Инсоннинг ўз-ўзини билиши», -  
деб, жавоб берган экан. Дарҳақиқат, биз ҳаёт  
мазмунини қандай тушунсак, турмуш тарзимиз  
ҳам шу изга тушади.

Бўстонга кириб, захми тикон тотиб кўрдим,  
Уммон сари борар йўлга кириб қолдим,  
Бир лаҳзага дунё менга бердию ранг,  
Хилват топиб, ҳасратларга раво бўлдим.  
Бора - бора билар бўлдим, охири йўқ,  
Ночор ожизу - зўрдир доим ўзига тўқ.

Хаёлимдан ўчмас сира бу хотирот,  
Луқма борки, кимга ҳаром, кимга ҳалол,  
Хою - ҳавас домида - инсонга ҳаёт,  
Ҳар фитнаю ғавгода, бирор нафъи бор,  
Истакларни инсон учун, охири йўқ,  
Ибрат бўлмас, энг яқини кийса - да кўқ.

Яшар қўшни, қўшнисидан дилда гумон,  
Етти авлод қўшни тутиб, билмас ҳамон,  
Ажабланар дор остида кўрса уни,  
Четда туриб шивирланиар, «Экан ёмон»,  
Ўзни тутиб қайтса яна, гинаси йўқ,  
Энди уни ҳаммадан ҳам дилгири кўп.

Эзгулик чун дунёга келса-да инсон,  
Ҳирсу ҳавас домида кезади сарсон,

Тупроқдан чиқибоқ, бузилғанмидик биз?  
Қачон меҳр - оқибатдан, тузилар замон,  
Инсон қадри тенглигини ўйлаганлар кўп,  
Ҳар қанчаки ўтса ҳам, бунга жавоб йўқ.

Малҳам билан қалб яраси даво топмас,  
Ямалган нарсалар ҳеч аслига қайтмас,  
Ночорга таъна қилма, бергин ширин сўз,  
Эътибордан бошқаси, далда бўлолмас,  
Бора - бора кўнар бўлдим, охири йўқ,  
Инсон қалбин аямасдан отилар ўқ.

Инсонгагина эъзозлаб, «Кўнгил» берилган,  
Фариштаю - малакларда бунга йўқ изн,  
Кўнгил ато бўлганда Шайтонга бир дам,  
Иккиланмай қиласди, Инсонга таъзим,  
Оҳ, инсон бўлишни ҳам, меҳнатлари кўп,  
Муқаммал инсонликка, кўп ҳам даъво йўқ.





## РАҚОБАТ

На макону на забону на насаб,  
На мақому на дунёю на мансаб.  
На камолу на калому на қалам,  
На забону на жамолу ва на таъб.  
На ишончу на қувонч ва на ғам.  
На ақлу дониш ва на нури қарам,  
На қаноат, на маломат ва на гап.  
На севги ортидан келгувчи алам.  
Йүқ ҳеч бирда қудрат, ишқә рақобат,  
Мұхаббат күнгилда қўним топган вақт.



Чинорлар күп эди боғда,  
Ундан фақат бири қолди.  
Келгани қулида болта,  
Кирди-ю кесди-ю кетди

Оҳ, бу кунга не тонг бўлди,  
Шамол турса хазон тўлди.  
Чўпонларга бўри ҳамроҳ,  
Тулкини ҳам куни кулди.

Кўксим куйиб борар бундан,  
Дилга дармон сўрай кимдан.  
Мен айтмасам хабар кимдан,  
Садоси йўк тилим куйди.

Қайсар бошим суқмай десам,  
Бурилмайди ҳеч йўлларим.  
Кўрмай ўтиб кетай десам,  
Гуноҳга ботар кўзларим.

Ер қаттиқ-осмон йироқ,  
Ҳар ишга ҳам бордир суроқ.  
На виждон, на иймон ҳалол,  
Кўлга дилим бўлмиш тузоқ.

## ЙҮЛДА

Синглимни соғинчидა, қишлоққа йўлим тушди,  
Боғаро борар йўлда, маҳвашга кўзим тушди,

Салом берди одобдан, алик олдим шодимдан,  
Унинг бу илтифоти, хуснidan ошиб тушди,

Синглимга етиб - етмай, бу кўнгил ҳукми битди,  
Юракни ширин туйғу, шу ондан асир этди,

Ортга боқсан термулиб, изида равон кетди,  
Ҳамроҳи борай десам, кўрқувим аро тушди,

Осмону - замин зебо, бошимда ёрқин фалак,  
Ишқ ҳаваси ногаҳон, кўзимга юзин очди,

Исми ҳам маълум эмас, маконидан йўқ дарак,  
Йўлда бу йўлиққан қиз, жонимга ғизо тушди,

Бу бахтни менга Худо, боғичра ато этди,  
Дардеки дилга кўнди, мен билдим - дилим билди,

Тез энди етай дедим, синглимга - сирдошимга,  
Синглимга бўлган меҳрим, соғинчдан ошиб тушди.

## СУВИ ЗИЛОЛ СОЙ

Косонсой дарёси Сирдарёning ўнг ирмоги бўлиб, Чотқол тоғ тизмаси тоғларининг музликлар ва қорлар қоплаган қисмидан Чилқудуқсой номи билан бошланади. Дарё шарқ ва жанубий-шарққа оқади. Косонсой дарёсининг узунлиги 154 км бўлиб, ҳавзасининг майдони 1650 км.кв.ни ташкил этади. Ўртacha баландлиги - 2347м.

Косонсой дарёсининг юқори оқими қўшни Қирғизистон Республикаси худудига тўғри келиб, Косонсой шаҳари яқинида дарё тоғдан чиқиб, водийда, жанубий йўналишда оқади, Тўрақўрон туманига бориб, катта ёйилма ҳосил қиласди. Дарё қор-музлик ва ёмғирдан тўйинади, сувининг деярли ҳаммаси суғоришга сарфланади. Косонсой дарё режимини тартибга солиш мақсадида Косонсой водийсининг торайган Ўртатўқай чуқурида (Қирғизистон Республикаси худудида) Косонсой сув омбори барпо этилган бўлиб, у Фарғона водийсидаги дастлабки ҳисобланади. Того тошларга урилиб турли минералларга туйиб оқиб келадиган Косонсой дарёси сувининг шифобахш ҳосияти азалдан ана шундай иншоотлардан.





## ҚУЕШ КОСОНСОЙДА КУЛИБ БОҚАДИ

Косонсой. Буюк Ватаннинг эрка гўшаси. Сеҳру жодуларга гарқ бўлган хушманзара табиати билан кўнгилларни мафтун этгувчи бағрикенг диёр. Бу юртда ҳар куни инсониятга ёруғлик бергувчи Куёш кечда мамнуният билан гарбагатоғлар ортига ботиб, эрта тонгда яна Шарқдан кулиб чиқиб келиб, Еру осмон ўрталиғидаги ҳаёт қобиғини ривожга чорлайди. Қалби пок, эзгу ниятли кишиларни руҳиятини баланд кўтариб, яратгувчига яқинлаштиради. Бу ёруғлик нопок кимсаларнинг башарасини ёритиб, эл

иичра кўэ-кўз қилиб, қалбига фулгула солади. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Косон-сой дарёси хушбўй тоғ ҳавосини эргаштирганча элга рисқ-насиба келтираётганидан мамнун. Тошлар орасига чуқур илдиз отган соҳил ниҳолларининг чангсиз покиза барглари жала, селлардан омон қолганига шукроналар айтиб қуёши нурларидан баҳра олиб яйрайди. Баҳор капалаклари енгил қанотларини ёйиб тунги шудринглардан покланаётган ниҳолларнинг япроқларидан бир-бир ўпаётгандай тез-тез жой алмашади. Ёлғизликдан соҳилга тушиб дарди ни ёйган бечораларга бу ерда фаришталар ҳамроҳ, улар сўзсиз мулоқотда бўлиб юпатади, дардини олади. Водийнинг беғубор ҳавоси, хотиржамлиги кишининг қалбига ўтади. Табиат ёйган пойандоз устида босилган ҳар бир қадам, юрак билан ҳамоҳанг танангизга куч бағишлайди, руҳингизни тетиклатиради. Кимларга сирдош бўлмаган бу жойлар. Ҳалокат ёқасига келган муҳаббат ҳасратларини, бевафо дунё ишларининг зулмидан парчаланган кўнгилларнинг қалб нидоларини тинглаб, уларга таскин берган, хотиротлар қалитидир бу жойлар. Мехрга ташна дилларда гул-чечаклар ундириб, яшашга, ҳаётдан завқланишга ундайди бу жойлар.

Бетакрор юртимнинг бебаҳо инсонлари ҳар тонг қуёшни меҳр ва муҳаббат билан ҳамжиҳатлика кутиб оладилар. Унга қаратса шукроналар айтадилар. Қуёшга табассум билан боқадилар. Токи Қуёш бу юрт кишилари турмушидан мамнунлигини, шундай юртни Ватан қилгани

учун Оллоқта ҳамду-санолар ўқиб, әдәт кечиң ётганини ҳис этсин. Қуеш юрт ки ылари қал-  
бидаги оловни күриб, яна ва яна ҳаётни ёри-  
тишга интилади. Кечда видолаш, з чоғида, бар-  
ча ботиб бораётган қүёшни табасу һ билан кузатади. Тоғлар ортига ботаётган қүёшга кулиб  
боқадилар. Кундалик ҳаёт ташвишларидан орт-  
тирган чарчоқларни ундан яширадилар. Чунки  
уни эртага яна келиши бор. Қуёшнинг вазифаси  
фақат эзгулик келтириш. Шунинг учун унга  
фақат ёруғ юз билан, кулиб боқиши лозим. Юр-  
тим аҳли ҳамиша қүёшни кулиб қарши олади-  
лар, кулиб кузатадилар. Қуёшни яширган тоғлар  
соясида намозшом бошланаркан, одамлар кун-  
дудза орттирган шодлиги ғамларини тун билан  
сирлашгани уй-уйларига қайтадилар. Олам су-  
кунати бошланар гүё. Минг-минглаб юлдузлар  
осмонни ёритиб, чексизликнинг улуғворлигини  
кўрсатади. Юлдузларга қараб туриб, бизнинг  
қуёш ҳам ўшаларнинг бири эканини тасаввур  
қиласиз. Одамлар барча дард-аламларини тунга  
тарқ әтиб, эрта тонгдан қүёшни кутиб олгани  
кулиб уйғонадилар. Зеро, Қуёш Косонсойга  
кулиб келади.

Косонсой табиатининг жозибали манзаралари турмушга файз, шукуҳ, мазмун багишлайди. Бу ерда ҳаёт табиат хусусиятлари, маҳаллий удумлар, анъанавий маслакларни қамраб, инсоннинг баҳт-саодати, оиласвий осойишталик, табаррук кексалик ҳақидаги азалий орзуларни ўзида мужассамлаштириб давом этмоқда. Табиат билан узвий мулоқот қилиш, тўлақонли ҳаёт кечириш имконини беради. Тупроғи унумдор, шамолу Офтобга бағри очиқ аири-тепаликларда, тоғёнбагрида барпо этилган боғлар юртнинг гўзал табиатини такомиллаштириб ниҳоятда юксак погоналарга кўтарганки, унинг кайфиятни яхшилайдиган, кунгилларга таскин берадиган баҳаво хосиятларини таърифлашга тил ожиз. Ички зиддиятлар, дил қаърига яширинган тажовузкор ҳислар гўзал табиат қўйнидагина инсон қалбини тарк этади. Шунинг учун хам Косонсой дарё-сойи соҳиллари ёз кунларида подий аҳлининг сайргоҳига айланади.





## КЎҲНА ВА ҚАДИМ КОСОН

Жуғрофий шароити қулай, кўркамлиги ва табиий гўзаллиги билан мафтункор бўлган Косонсой шаҳрининг илк ривожланиш босқичи антик дунё даврига тўгри келади. Фарғона водийсининг шимолий миңтақасида жойлашган бу шаҳар номи араб-форс тилларида битилган ўрта аср адабиётларида кўп тилга олинади. Косонсой шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тарихий манбаларда анча мавхум ифодаланган. 1948 йили Косонсойда кең масштабли қазишма ишларини олиб борган А.Н. Бернштам, Косон Кушонлар давридан илгари барпо этилган бўлиб, водийдаги энг йирик шаҳар ҳисобланганлиги, қадимий қурилиш иншоотлари билан алоҳида ажralиб турганланганини ғайд этади. У шаҳар

маказидаги шаҳристонда оташпаратлик динига хос ибодатхона - оташкада жойлашганлигини белгилайди (Бернштам А.Н., 1952, 233-244 бет.).

Бундан, «Зардустийлик» дини юзага келишидан олдин ҳам қадимий Косон ўтроқ аҳоли манзилгоҳи бўлган деган хulosага келиш мумкин. Чунки, «Зардустийлик» оташпаратлик дини эмас, у ваҳдоният (якка худочилик)га асосланган энг биринчи жаҳон дини ҳисобланади.

Зардуст яшаган ва «Зардустийлик» номи билан аталадиган дин пайдо бўлган давр, Марказий Осиёда кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи инқизотга учраши, ўтроқлик турмуши қарор топиши, сугориладиган дехқончилик ҳамда чорвачилик, ҳунармандчилик тарақиётга юз тутиши, янги шаҳарлар, обод қишлоқлар бунёд бўлиши, ўтроқлик турмуши ҳар жиҳатдан афзал қўриниши билан характерланади. Косонсойда олиб борилган қазишма ишлари натижасида топилган «ибодатхона-оташкада» шаҳар ўша даврда ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. 1951-1983 йилларда собиқ иттилоғ Фанлар академияси Археология институтининг Ленинград бўлими илмий ходими профессор Ю. А. Заднепровский Косон шаҳрининг тарихий ёшини аниқлаш мақсадида «Муғқалъя» ёдгорлигига қазишма ишлари олиб борди. У Косон шаҳри Довоң подшолигининг пойтахти бўлган деган хulosага келди.(Заднеп-

ровский Ю.А., «Иследование древнего Касана», Москва,-1985,232-233 бет.).

Ушбу маълумотларга асосланиб, Косон шаҳрининг илк ривожланиш босқичини милоддан аввалги III-II асрларга даврлаштириш мумкин.

Шунинг учун Бернштам А. Н. Косон шаҳри Кушонлар даврида йирик ривожланган шаҳар бўлган, деб кўрсатмоқда. Бу маълумот Косон шаҳри Кушонлар давридан олдин ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Тарихий ҳақиқатларни сийқалаштириш ёки уни тескари қилиб кўрсатиш нуқтаи назарларидан узоқ турган бу олимларнинг холис фикрлари илмий далилларга асослангандир.

Айрим топонимик тадқиқотларда Косон сўзи Кушон сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, асрлар давомида *ш>с, у>а>о* товуш ўзгариши юз берган деб ёзилади. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, «Кушон» сўзи аслида халқ номи бўлиб, Кошон-Кушон номининг ўзгарганидир(Ҳ.Ҳасанов, «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан». Т., «Фан», 1965.-6.48,68.). Бошқа баъзи бир манбаларда эса Косон қадимий Гуйшань шаҳрининг ўзгарган номи, деб ҳам келтирилган.

Академик Б.Ф. Фафуровнинг ёзишича, «Милоддан олдинги II-I асрлардаги Хитой йилномаларида Фарғона Довоң деб аталган. Доўонъ давлати тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Хитой сайёҳи Чжан Цян номи билан боғлиқдир. Чжан Цян милоддан аввалги II аср-

да Марказий Осиёга саёҳати даврида Довон (Фарғона)га таъриф бериб, Гуннлардан ғарбда, Усуналардан жанубий ғарбда ва Конгюй (Хоразм) дан жануби-шарқда жойлашган ҳудуд эканлиги, аҳолиси нисбатан ўтроқ ҳаёт кечириши, деҳқончилик (шоли ва буғдой экиш) билан шуғулланиши, узум етишириши ва беда («му-су») экилиши тўғрисида, гоятда қимматли маълумотлар қолдирган.

Фарғона водийсининг агроиклимий хусусиятлари жуда қадим замонларданоқ ирригация иншоотларини қуриш асосида суформа деҳқончиликнинг тараққий этишига олиб келган. Шунингдек, довонликлар хўжалигида чорвачилик, айниқса, йилқичилик муҳим ўрин тутган. Фарғона отларига қизиқиш жуда катта бўлган. Хитойликлар уни «самовий отлар» деб аташган.

Чжан-Цян маълумотларига қараганда, Довоњда мустаҳкам аҳоли қўргонлари бўлган ва Косон пойтахт шаҳар ҳисобланган. Бу даврда Довоњ Хитой, Суғд, Бақтрия (Балх), Эрон, Ҳиндистон ва қўшни кўчманчи қабилалар билан савдо-сотиқ алоқалари олиб борган. Довоњ давлати ниҳоятда қурратли ҳисобланниб, узоқ йиллар давомида босқинчиларга қарши уруш олиб борган. Жумладан, милоддан аввалги 104 йилда Хитой императори Довоњ ерларини босиб олиш учун 60 мингли отлик қўшин юборади. Довоњ халқининг қаршилигига дош беролмаган хитойликлар ортга қайтишга мажбур бўлади. Аммо кўп ўтмай яна

60 мингли отлиқ қушин ҳамда бир неча минглик пиёдалар билан бостириб келади. Бу гал ҳам довонликлар қўшни халқлар ёрдамида босқинчиларни ортга қайтаришга мушарраф бўладилар (Б. Ф.Faфуров, «Таджики», Москва 1972, 293-294 бет.). Академик Б. Faфуров шаҳар-қалъанинг халқа девори 2,4 км. бўлган-лигини таъкидлайди.

Птоломей маълумотларига кўра, Шарқни Олд Осиё ва Farb билан боғловчи Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи (Марв-Чоржуй, Самарқанд-Фарғона) Фарғона ҳудудидан ўтган. Милоддан аввалги I асрда Фарғона водийси ўз даврининг кучли давлати ҳисобланган Кушон империяси таркибиға кирган. Бу даврда ҳам Фарғона водийсининг энг йирик шахри ва маркази Косон (ҳозирги Косонсой) иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. Кушон империяси даврида водийда деҳқончилик ва чорвачиликdan ташқари ҳунармандчилик, пилла етишириш, савдо-сотиқ ривожланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йирик тадқиқотчилар, шарқшунос олимлар томонидан Довоңъ давлати ҳукмронлиги даврида ҳам, қудратли Кушон империяси даврида ҳам Косон шахри Фарғона водийсининг энг йирик шахри ва маркази бўлиб келгани эътироф этилган.

Кушон империясининг емирилишидан сўнг, IV аср охири V аср бошларида Фарғона водийси эфталитлар давлати таркибиға кирган. Бу

даврда Косон шаҳрида қўшимча деворлар пар-  
по этилиб шаҳарнинг мудофаа қурдати кучай-  
тирилган.

VI асрнинг ўрталарида Жанубий Сибир,  
Шарқий Сибир, Мўғилистон, Еттисув ва Тян-  
Шань ҳудудларида яшовчи, чорвачилик билан  
шуғулланувчи йирик кўчманчилар давлати Турк  
ҳоқонлиги таркиб топди. Тез орада бу ҳоқонлик  
Шарқий ва Фарбий Турк ҳоқонлигига бўлинади  
ва Фарғона водийси Фарбий Турк ҳоқонлиги  
таъсирида қолади. Кушон империяси «қалъа-  
лари» ўрнида Ахсикент, Куба (Кува), Новкент  
каби шаҳарлар юзага келади.

VIII аср бошларига келиб, Косон ўрнига иқти-  
садий-географик жиҳатдан бирмунча қулай бўл-  
ган Ахсикент, Фарғона водийсининг иқтисодий  
ва сиёсий маркази бўлиб қолди. Аммо Косон  
ўзининг мавқеи, ҳарбий салоҳиятини йўқотма-  
ган. Шарқшунос олим В.В. Бартольд VIII-  
X асрларда ҳам Косон шаҳри Фарғона  
хукмронларининг пойтахти бўлган, деб таъкид-  
лайди. Косонга Буюк Ипак йўлидан Хўжанд  
шаҳри орқали дунёning турли бурчакларидан  
карвоnlар келиши йўлга қўйилган. ( Бартольд  
В.В. «Географический очерк Мовароуннахра»,  
Т.1.М., 1963.219-бет).

Маълумки, VIII-IX асрларда араблар Фарғона  
водийсини тўла истило қиласи ва аҳоли ислом  
динига ўтади. Шу ўринда айтиш жоизки, Шоҳ  
Ҳаким Холиснинг «Сафедбулон қиссаси»да араб

истилюси даврида Косон Фарфона водийсини бошқариб турган ҳукмдорларнинг қароргоҳи бўлғанлиги ўз ифодасини топган. Унда ёзилишича, Шоҳ Жарир бин Абдуллоҳ бошлигидаги араб кўшинлари Кубо, Ахси шаҳарларини эгаллаб Косонга юз тутганда, Косон ҳукмдори Шоҳ Иҳшид ислом динига хайриҳоҳлик билдириб, шаҳарни жангсиз топширишга қарор қиласди ва бу қарорни арабларга етказиш учун бир гурӯҳ шаҳар оқсоқолларини элчи сифатида юборади. Улар арабларни Чиндовулда кутиб олиб, Косон ҳукмдори қарорини етказади. Араблар шаҳарга жангсиз кириб келадилар. Шоҳ Иҳшид эса ўз кўшини билан бориб, Заркентда кўним топади. Бироқ орадан сал вақт ўтиб, араб босқинчилари шаҳар аҳолисининг норозилигига дуч келади. Исломни халоскор дин сифатида қабул қилган, лекин унинг жорий қилинишидан моддий манфаат кўрмаган маҳаллий ҳалқ ҳукмдорлар, расмий дин арбоблари шаҳар ўтил-қизларини асирикка олиб, қул ва канизакликка айлантиришларидан ғазабланиб, Шоҳ Иҳшидни шаҳарга қайтишга даъват этадилар. Натижада, ҳозирги Сафедбулон қишлоғи (Косон билан Заркент оралиғида Қирғизистон Республикасига қарашли қишлоқ) худудида Шоҳ Жарир кўшини билан Иҳшид кўшини ўртасида уруш юзага келади. Бу урушда араб кўшини қақшатқич зарбага

учраб, икки мингдан ортиқ саҳобалар курбон бўлади. Шоҳ Жарир ўз тугини ҳам ташлаб қочали. Косон оқсоқоллари шаҳар дарвозалари ни беркитиб, уни шаҳарга киритмайдилар. Кейин у нафақат Фарғона, балки бутун Тўронзаминдан чиқиб кетишга мажбур бўлади ва Мадинага яқинлашганда ўз сафдошлари томонидан ўлдирилади. Қиссадаги воқеалар гарчи бадиийлаштирилган бўлсада, бу маълумотлар В.В.Бартольд таъкидлаганидек, араб истилоси даврида Фарғона ҳукмдорларининг қароргоҳи Косон шаҳрида бўлгани, шаҳар қудратли ҳарбий истеҳкомга эга бўлганлигини тасдиқлайди.

IX-X асрларда Фарғона водийси Сомонийлар давлатининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган худудларидан бирига айланади. Фарғона водийсини (маркази Ахсикент) сомонийлардан Аҳмад Сомоний бошқаради. Косон сомонийлар даврида водийнинг иқтисодий ва маърифат марказларидан бири ҳисобланган. Жумладан, ўз даврининг авлиёси даражасида из қолдирган Жалолиддин Сомоний Косонда яшаган ва шу ерда вафот этган. Унинг Фузапоямазорда жойлашган бўлиб, устига Бухородаги Исмоил Самоний мақбараси андозасида обида тикланган. Аммо собиқ шўро даврида даҳил бузиб юборилган Ҳозир Фузапоямазор масжиди биноси сақланиб қолган..

Х аср охириларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тян-Шань олди худудларida турли турк Қабилала-ридан иборат кучли қораҳонийлар давлати юзага келди ва Фарғона водийси унинг таркибиға киради.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, маркази Ўзган шаҳри бўлган Қорахонийлар даврида Косон Фарғона водийсининг молиявий-иқтисодий маркази бўлган. Бу ерда Қорахонийлар хазинаси сақланган. Тадқиқотчиларнинг хуласасига кўра, XI-XII-асрларда Косонда тангалар зарб қилинган.

1212 йили Фарғона водийсининг жанубий қисми Хоразм шоҳи Муҳаммад томонидан бошиб олинади. Шимолий қисми эса найманлар шоҳи Кучлук ҳукмронлиги остида қолади. Найманлар кейинчалик Чингизхонга (1220-1221 йиллар) ўз ихтиёри билан қўшилади ва Чигатой улуси таркибиغا киради.

XIV асрнинг иккинчи ярми XVI аср бошлари га қадар Фарғона Темур ва темурийлар томонидан бошқарилди. Бу даврларда Фарғона пойтахти Ахсикент, Андижон бўлган бўлсада, Косон шимолий Фарғонанинг йирик ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий маркази бўлиб қолади. Тариқат илмининг билимдони, ислом оламида чарақлаган уч Аъзамнинг бири бўлган Махдуми Аъзам Косоний ўз даврининг етук алломаси эди. У XYI асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Нақшбандия силсиласи сулукининг раҳбари бўлган. Шу даврдан бошлаб XX аср бошларига қадар, Нақшбандиядек бир улуғ силсила сулукини Махдуми Аъзам Косоний авлодларининг намояндалари ўз замонларида орқама-кетин бошқариб келган. Бу ҳол тававвуф тарихида бошқа учрамайди. Сайид Аҳ-

мад Косоний-Махдуми Аъзам замонасининг улуғ мутасаввуф олими ҳамда назариётчиси бўлиб, тарикат афзаликларини илмий ёндашиш орқали тарф-ибот қўилган ва бу соҳада бир қанча асарлар ёзган.

Қадимий Косон «қўчманчи» ва «ўтроқ» маданиятлар тугашувидаги чегарада жойлашганлиги туфайли хунармандлар, ўтроқ дехқонлар ва кўчманчилар учун йирик савдо маркази ҳисобланган. Шунинг учун хам Косон шаҳри водий пойтахти бўлмаган даврларда ҳам шимолий ҳудудларни бошқарувчи бекларнинг қароргоҳи ҳамда йирик савдо маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган эди.

XVI асрдан бошлаб Фарғона водийсига, жумладан Косонсойга бошқа ҳудудлардан кўчманчи дашт, қипчоқларининг кириб келиши кучайди ва улар бўш жойларни ўзлаштириб, доимий яшаб қолдилар.

Кўкон хонлиги даврида Косонсойда хилма-хил хунармандчилик, айниқса, металлни қайта ишлаш асбоблари (пичоқ, турли ишлаб чиқариш восьиталири, уй анжомлари) ясовчи, қипчоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, дон, каноп) ни қайта ишловчи кичик-кичик устахоналар мавжуд бўлган. Хусусан, алак, бекасам, шойи ва атлас тўқишида косонсойлик хунармандлар водийда етакчилик қилган.

Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, яқин ўтмишда, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Косонсой шаҳрида йигирма етти мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Бу ўша давр учун анча юқори кўрсаткич эди.

Шимолий Фарғонадаги аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бево-

сита Косон ва косонликлар билан чамбарчас боғланган. Жумладан, Косонсой дарёси ҳавзасида жойлашган Кирғизистон Республикасининг Чотқол, Ала-Буқа туманлари ҳудудлари-даги ерлар косонликлар томонидан ўзлаштирилган, қишлоқлар барпо этилган.

Истиқлодан истиқболини топган Косонсой аҳли бу жаннатмакон диёрни чин бўстонга айлантириб, унинг узоқ ўтмишдаги мавқеини тиклаш орзуси билан нафас оладилар.ХХY асрдан ортиқ тарихга эга бу шаҳарнинг кўркамлиги кун сайин ошиб бормоқда.

Биз болаликда сой ёқалаб Косонсой шаҳридан Чотқол тоғларигача саёҳатга чиқардик, йўлда чорва боқаётган қирғиз оиласларига дуч келиб, меҳмон бўлардик. «Сортни болалари»нинг қорнини тўйғизиб, илиқ кузатиб қўйишарди. Ўрта Осиё тарихида ҳеч қачон миллатлар ўртасида уруш бўлмаган.Миллий мансублик ориятнинг энг таъсирчан хоссаларидан бири. Бунга тегиб кетилса, то ақл маслаҳатга етиб келгунча асаб ўз ишини қилиб қўяди. Бу эса инсонни қадрсизлантиради, барча инқизорзларнинг инқизоридир. Кирғизистон Республикасининг бизга қўшни бўлган туманларида бўлиб ўтган воқеалар бунинг яққол далилидир. Ўзбекистондаги қариндошларининг таҳликага тушганларини айтишга сўз тополмайсан. «Қочоқлар» келиб ойлар давомида яқин қариндошлари уйларидан паноҳ топганларини эсламасликнинг иложи йўқ.



YII-YIII асрларда Косонда савдо-сотиқ кенг ривожланиб, Косондан карвон йўллари бориб, Хўжанд шаҳрида Буюк ипак йўлига туташган.

Ота-боболар хоки күйилган жой барчамиз учун муқаддасдир. Фарғона водийсида қабристон миллатларга ажратилмаган. Фотиҳага борган киши ётгандарни барчасини баробар дуо қиласи. Тириклиқда ҳам бунга амал қилишимиз лозим. Кўшнини ғами сени кувонтирумайди. Бас, шундай экан азалий қондошилик ришталарини янада мустаҳкамлашимиз ҳаётий заруриятдир. Инсоният бундан буён зиддиятларни муроса йўли билан ҳал этиш палласига кирди. Ҳеч бир миллат, ҳалқ қай даражада ривожланмасин, бир ўзи инсоният орзуидаги ҳаётга эришолмайди. Биз яшаётган давр илгариги барча даврлар ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мухитидан фарқ қиласи. Эндиликда ҳар қандай шакл-шамойилдаги миллий, диний қарашларда ўзаро ён бериб, муроса қилиб яшашга асосланган, ақл-идрок тантанасини амалда қарор топтириш даврига кирганимизни англаш вақти келди. Ер ягона уйимиз. Ақл қамраб ололмайдиган, ҳар нарсадан хабардор Тангри, Ерга инсониятни жойлаштириди. Уни асрар авайлаш, обод этишини бизга вазифа қилди. Бунга амал қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
Она ер.....	6
Жондан азиз.....	8
Озодлик.....	10
Ўзбекистон.....	11
Қалқон.....	12
Дала тонги.....	13
Кутаман саҳар.....	14
Юрт мадҳи.....	16
Она.....	17
Фикр уйғонди.....	19
Насибам сенда.....	20
Маҳалла.....	21
Уйғониш.....	22
Ер баҳти.....	23
Армон.....	25
Меҳнат.....	27
Маърифат.....	28
Табассум.....	30
Саодат йўли.....	31
Косонсой.....	32
Озор.....	36
Иқбол йўли.....	38
Шарпалар.....	39
Бегона.....	41
Наманган.....	42
Ишқ.....	43
Узига тан.....	44
Ёмон экан.....	45
Табиат.....	46
Умр безаги.....	47
Сен кулласанг.....	48
Нуқсон.....	49
Шукронা.....	50
Дўстим.....	51
Моҳим.....	52

Оила.....	53
Бешик.....	54
Боғбон.....	55
Даста лола.....	56
Үйим бекаси.....	57
Күнгил.....	58
Тонаман.....	59
Нидо.....	60
Сабот топдим.....	61
Билим.....	62
Шубха.....	63
Сендек юлдуздан.....	63
Күшни қизга.....	64
Тўй.....	65
Пинҳон экан.....	66
Кечинмалар.....	67
Она диёр.....	68
Азалий жумбоқ.....	69
Эслаш.....	70
Отамни эслаб.....	71
Биламан.....	72
Гўзал.....	73
Сингил.....	74
Кечир.....	75
Хаёл.....	76
Ишора.....	77
Баҳор.....	78
Эй, ҳаёт!	79
Онажоним иўқ мени.....	80
Дўст билан сийла.....	81
Ҳар дам эслайди.....	82
Ёр келди.....	83
Парда танлаган аёл.....	84
Чарчадим.....	85
Чумоли.....	85
Номус орингни.....	86
Гўзалсан.....	87
Доф.....	87

Кетдинг.	88
Ишонч.	89
Ирода.	90
Нур - ҳаёт.	91
Нола.	92
Совчи.	93
Соҳилдаги ишқ.	94
Сўраманг.	95
Қадрият.	96
Одат.	97
Гуфтор.	98
Бемор.	99
Кўрмадингиз баҳорим.	100
Ҳолат.	102
Ҳаёт курки.	103
Жанжал.	105
Насибам кўрдим.	106
Ажралиш.	107
Дилни айирма.	108
Билдим.	109
Саҳродек бир гап.	110
Ўзинг бўлиб қол.	111
Саодат йўли.	112
Қадрини билгин.	113
Мусибат.	114
Ер баҳти.	126
Ёт бўлсин.	127
Дил изҳори.	128
Рұҳафзолик.	129
Ҳовли.	130
Шайтон.	131
Сенсан.	132
Фойдали кўринсанг.	134
Сўлмас.	135
Ватан севгиси.	136
Изҳор.	137
Таажжуб.	138
Ном.	139
Шивирлар тақрорп.	141

Фироқ	142
Давлатинг	142
Гапирсин күзлар	143
Қайтмайди	144
Дилда	145
Яхши одам	146
Охирзамон келмайди	147
Мұхаббат армони	148
Ёрим атайин	149
Сүйган қызларимни	150
Сарғисоб	151
Үшаман	152
Үлимни истамас дилим	153
Керакмас	154
Билсам бас	155
Тилақ	156
Жой танлар	157
Үзим	158
Азизим	159
Умр гашти	161
Сүкут	162
Кексалар	163
Сөз билан	164
Ошиқлик	165
Хотира	166
Төгликтің қызга	167
Сабр	168
Сарсонлик	169
Фийбат	170
Түртликлар	172
Жұфти ҳалолим	179
Қадрият	181
Рақобат	183
Йүлда	185
Суви зилол сой	186
Күёш Косонсойда кулиб боқади	187
Күхна ва қадим Косон	191

**ХУДОЙБЕРГАН ИСАБОЕВ**

**МУҲАББАТ ВА НАФРАТ**

**ШЕЪРЛАР**

**(ЮРТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР)**

**Мухаррир:** Мусохон Акмалов

**Дизайнер:** Собитхон Абдуҳамитов

**Мусаххих:** Муҳаммадхон Акрамов

Теришга 2013 йил 1 майда берилди. Босишига 2013  
йил 2 июнь куни руҳсат этилди. Бичими 60x84, 1/16.  
Шартли босма тобоги -13 Нашриёт ҳисоб тобоги - 13.  
Joural Uzdek гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди.  
Адади 1000 нусха. № 229 сонли буюртма.  
Баҳоси келишилган нархда.

**«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36-уй**

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» НАШРИЁТ  
УЙИ МЧЖ матбаа бўлимида тайёрланиб, шу бўлим  
босмаонасида оғсет усулида босилди.

**Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
Чорбоғ кӯчаси, 17-уй.**